


СНРЛМ О П А М І . 9 1





СИРЛИ ОЛАМ 1.91

Ўзбекистон ЛКЕИ
Марказий Қўмитасининг
илмий-оммабоп, илмий-бадий,
саргузашт ва фантастика
ойномаси.

Научно-популярный, научно-художественный
журнал приключений и фантастики «Сирли
олам» («Таинственный мир») ЦК ЛКСМ Узбе-
кистана.

(1) Январь

1991 йилдан
чиқа бошлаган.

Бош муҳаррир:
Ҳожиакбар ШАЙХОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бош муҳаррир ўринбосари:
Маҳкам МАҲМУДОВ

Масъул котиб:
Рустам РЎЗМАТОВ
Бўлим мудир:
Мурод ХИДИР
Бўрибой АҲМЕДОВ
Аҳрор АҲМЕДОВ
Евгений БЕРЕЗИКОВ
Хуршид ДАВРОН
Исфандиёр
Зоҳид ИСРОИЛОВ
Баҳодир ЖАЛОЛОВ
Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ
Малик МУРОДОВ
Неъматилла МЎМИНОВ
Рустам ОБИД
Мадийр САЛОЕВ
Асрор САМАД
Маҳмуд ҲАСАНИЙ
Асқар ХОЛМУРОДОВ
Рашид ОТАХОНОВ
Бахтиёр ТУРАЕВ
Рустам ЗУФАРОВ

Ойнома ҳомийси (спонсори)— «НУР» ижодий
ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Манзилимиз: 700113 Тошкент, Қатортол
кўчаси, 60-уй.

Босмахонага 23.10.90 й. да топширилди. Бо-
сишга 12.11.90 да рухсат берилди. Қоғоз фор-
мати 70×108¹/₁₆. Қоғоз ҳажми 5,6 тобоқ. Наш-
риёт ҳисоб босма қоғози 6,3. Буюртма: 4389.
134310 нусхада чоп этилди. Баҳоси 70 тийин.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси «Еш
гвардия» нашриёти. Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат
Қизил Байроқ нишонли босмахонаси.
«Сирли олам» № 1 1991.

УШБУ СОНДА:

Мурот Ўроз. Турк асотир (миф)лари.
Жонатан Ландау. Будда кассаси.
Яхши ва ёмон йил, ой, кун рисоласи.
Носир Муҳаммад. «Анкони маҳрам
килдингиз...» Бадиа.
Гўзал Мақсудова. Эврилиш. Фантастик
хикоя.
Евгений Березиков. Барҳаёт шох
афсонаси. Бадиа.
Хуршид Дўстмуҳаммад. Башорат
киламан, ишонасизми? Мақола.
Қиёмат койим бўладими? Мақола.
«Сирли олам» ваъдасида туради.
Космогоник мавзуда шеърлар.

КЕЛГУСИ СОНДА:

Мурот Ўроз. Турк асотир (миф)лари.
Бадиа. (Давоми).
Яхши ва ёмон йил, ой, кун рисоласи.
(Охири).
Аладдин Билкиз. Муҳаммад кассаси.
Носир Муҳаммад. Ўз вужудингга
тафаккур айлағил... Бадиа.
Рэй Брэдбери. Баҳор сеҳргари.
Фантастик хикоя.
Ҳасан Турсунов. Ўзга сайёралик
гуманоидлар. Мақола.
Нуж учувчилари халокати. Мақола.
Космогоник мавзуда шеърлар.

Ойномамизнинг 1-, 2-, 4- муқоваларидаги
асарлар ССЖИ Давлат мукофоти совриндори
Баҳодир ЖАЛОЛОВ қилқаламига мансуб.

А. ГЕРАСИМОВ фотолари.

ОҚ ЙЎЛ, «СИРЛИ ОЛАМ»!

Азиз НОСИРОВ,
Ўзбекистон Комсомоли Марказий
Қўмитаси саркотиби

Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси «Вокруг света», «Знание — сила», «Техника — молодежи» тарзидаги янги илмий-оммабоп, илмий-бадий ва фантастика ойнамаси — «Сирли олам»ни таъсис этиш борасида бир йил мобайнида жиддий иш олиб борди. Ойноманинг қўлингиздаги илк сони ана шу саъй-ҳаракат мевасидир.

Ҳозирги пайтдаги жамиятимизда кечаётган мураккаб тарихий жараёнлар одамларнинг онгида кескин бурилиш ясамоқда. Натижада сўнгги йилларда мамлакатимизда пайдо бўлган кўплаб сиёсий оқимлар, жабҳалар, ҳаракатларни турфа чолғу асбоблари ижро этаётган симфонияга қиёс қилсак, бу симфония шу даражада кўп овозлики, ундан дилларга маънавий-руҳий озуқа берувчи куй ўрнига айюҳаннос солаётган шовқин-сурон эшитаётгандаймиз.

Эндиликда ана шу мусиқавий асбобларни обдон созлаб, бир мақсад ва маслакка йўналтирув пайти етди. Лекин бу вазифа шу даражада мураккабки, уни ҳал этиш нафақат президентимиз, Олий Кенгашимиз ва ҳукуматимизга, балки ҳаммамизнинг куч-қувватимизга, тажрибамиз, билимимизга боғлиқдир.

Бинобарин, иттифоқимиз президенти М. С. Горбачев ўзининг Бутуниттифоқ комсомоли анжуманида сўзлаган нутқида, жумҳуриятимиз президенти И. А. Каримов эса, фирқа ва ҳукуматимиз фаоллари билан ўтказган учрашувларида ёшлар ва ўсмирларга илмий-техник билимларни сингдириш, уларни фан ва бадиият соҳасида ижодга ундаш бугунги кунда нақадар катта аҳамият касб этишни алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас. Зотан, мамлакатимизда қайта қуришдек катта миқёсдаги ишларимизни ёшларимизни чуқур билимлар билан қуруллантирмай туриб, уларнинг онгли ва фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

«Сирли олам» эса, ана шу мураккаб, аммо шарафли ва олижаноб мақсадларни ўзида жаҳонномадек намоён этишни кўзлаган ойномадир.

Минг афсуски, шахсга сиғиниш ва таназзул-йилларида кетма-кет юз берган қатли омлар, имло ўзгаришлари, илм-фанни рус тили орқалигина ўзлаштиришлар сабабли, асосийси, мактабларимизда рус тилининг жуда ёмон ўқитилиши туфайли халқимиз, айниқса, ёшларимиз аждодларининг минг йиллик билимлар хазинасидан ҳам, жаҳон фани ва техникаси ютуқларидан ҳам бебаҳра қолишди. Боз устига, «Вокруг света», «Знание — сила», «Наука и жизнь», «Природа», «Юный техник», «Юный натуралист», «Техника — молодежи» каби ўнлаб миянинг тархини очувчи илмий-оммабоп, илмий-бадий нашрларнинг бирортаси она тилимизда чоп этилмади. Оқибатда, бутун бошли Оролнинг сувини қайси бир ютоққан аждарҳо симириб тугатаёзганини аниқлай олмай бошимиз қотаяпти. Уйламай-нетмай пахта яккаҳокимлигига кенг йўл очиб бериб, ажойиб боғ-роғларимизни йўқ қилиб ташладик. Она табиятимиз муҳофазаси мувозанатини издан чиқариб, энди уни қайта тиклаёлмай сарсонмиз.

Бинобарин, ҳамма соҳада ҳам теран билим ҳар қандай тараққиётнинг асоси бўлганидек, жаҳолат ва ғафлат уйқуси ҳам кўпгина фожиа, талофатларнинг бош сабабчиси экани эндиликда ҳаммага равшан. Шунинг учун ҳам бугун янги «Сирли олам» ойнамасининг таъсис этилиши ёшларимиз ва ўсмирларимиз учун сув билан ҳаводай зарур ва айни пайтда бу ўз моҳият эътибори билан тарихий аҳамиятга эга деб биламиз. Зеро, буни яқин ўтмишимиздаги улкан «оқ доғ»ни йўқотишда олға босилган муҳим қадам дейиш мўмкин.


Муштарийларга яхши маълумки, ҳозирги ўзбек адабиёти жиддий сифат ўзгаришларини бошидан кечирмоқда, унда янги адабий мактаблар, йўналишлар пайдо бўлмоқда. 80-йилларда адабиётимизга ёшларнинг илмий-саргузашт ва фантастика жанрларида ижод қилувчи катта оқими кириб келди. Энди бу жанрлар янги бир босқичга кўтарил-

ди. Жумҳуриятимиз, иттифоқимиз ва чет эллардаги муҳим ғоялар, тадқиқотлар, коинот сирлари, кўҳна давр топилмалари ва ғаройиб илмий кашфиётлар ҳақидаги илмий-бадидий, маърифий ва оммабоп адабиётларда ҳам сезиларли силжиш бор. Ҳозирги вақтда бу соҳаларда Ўзбекистонда 100 дан зиёд адиб, олим, журналист, мақоланавис ва таржимон қалам тебратиб келаётир.

«Сирли олам» ойномаси, биринчидан, ана шу муаллифлар жамоаси, айниқса, ёш қаламкашлар учун жиддий мактаб вазифасини ўтаса, иккинчидан, ёшларга фан ва техника соҳасида чуқур билим беради, уларнинг илмий-техника инқилоби ва унинг самаралари бўйича дунёқарашларини кенгайтиради, етмиш йил мобайнида «диниймистик» деб тамға босилиб, таъқиқлаб келинган ажойиб маънавий меросимиз — қадимий китоблар ва қўлёзмалар, яъни замонавий тилда айтганда, сеҳрли-фантастик асарлар, афсона ва ривоятлар билан таништириб боради. Булар эса қайта қуриш даврида фирқа ҳукуматимиз ва Ленин комсомоли олиб бораётган ёшларни маънавий тарбиялашдек катта ижтимоий-сиёсий ишнинг узвий бир қисмидир.

Бадидий адабиётнинг асрлар қатига томир отган «кекса» жанрлари орасида навброн саналувчи илмий-фантастика бизнинг асримизга келиб беқиёс мавқе ва обрўга эришди. Ҳозир жаҳон адабиётида, айниқса, ғарбда илмий фантастика кенг жамоатчилик фикрига бетиним таъсир ўтказувчи жиддий бадидий воситага айланган. Масалан, АҚШда бу жанрда бир йилда бир ярим минг китоб, ўнлаб фильм, реклама ва миллионлаб ёдгорликлар ишлаб чиқарилади. Видеотасмалар, дисклар, фазовий ва кўргазмали дизайнлар... Жами олий ўқув юртлири ва коллежларда илмий фантастика таълимнинг йўлга қўйилгани тасодифий ҳол эмас. Бу соҳада дорилфунунлар ва мактаблар учун мўлжалланган махсус дарсликлар ҳам чиқарилган. Шунингдек, фантастика турли-туман соҳаларда келажакни башорат қилувчи антиқа омил сифатида ҳам аллақачон тан олинди.

Ана шу каби масалаларда шўро фантастикасидан унумли фойдалана олмаётганимиз кишида афсус ҳиссини уйғотади, холос. Ваҳоланки, бизда ҳам фахрлансак, кўз-кўз қилсак арзийдиган фантастикамиз йўқ эмас. Ижтимоий ҳаётимизда ҳам, онгу шууримизда ҳам



қайта қуриш жараёни кечаётган ҳозирги даврда ўқувчилар деярли кўникиб қолган стереотип, сийқа китоблар эмас, балки унинг фикрини жунбушга келтириб, хаёлотига қанот бағишловчи асарлар керак. Шундагина биз ўсмирлар ва ёшларимизни жамиятимиз омон (идеал)ларига садоқат руҳида тарбиялаган, уларни ҳар бир масалага нисбатан ижодий ёндошишга ундаган бўламиз.

Йигирманчи асрда пайдо бўлган ва йиллар ўтгани сари яна ҳам ёрқинроқ намоёнлашаётган муҳим йўналишлардан бири — турли илмий ва бадидий ижод шаклларининг уйғунлиги ва узвийлигига интилишдир. Шиддаткор илмий-техника инқилоби таъсирида юз бераётган фан ҳамда адабиёт ва санъатнинг ўзаро яқинлашуви биринчи навбатда ижодий меҳнат кишиларининг билим доираларини кескин ошириши, улар фаолиятида турли соҳаларга оид билимларнинг чатишиб кетиши ва фикрлаш маданиятини юксалтиришни тақозо қилади.

Биз истиқболдаги масъулиятли вазифаларимизни муваффақият билан оқилана ечишда янги ойномамиз ҳам баҳоли-қудрат ўз ҳиссасини қўшади, деб умид қиламиз. «Сирли олам»га чин кўнгилдан оқ йўл тилаймиз!

НАВОИЙНОМА

“Анқонинг маънави жашини...”

Халқ оғзаки ижодида, классик ёзма адабиётда ва бугунги жонли сўзлашув тилида бир қатор афсонавий қушларнинг номлари учрайди. Бу номларнинг бир қисми кўчма, рамзий маъно касб этган. Уларни тўғри тушуниш, ўрни келганда қўллаш учун, даставвал ана шу қушлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш лозим. Биз буюк ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий асарлари мутолааси жараёнида учраган мисоллар асосида ана шундай қушлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни баҳам кўрмоқчимиз.

АНҚО

Анқо — афсонавий қуш бўлиб, Кўхи Қофда яшаган эмиш. Баъзи маълумотларга кўра, унинг бўйни жуда узун, ўзи эса баҳайбат бўлган экан. Бу ҳақда Ўзбек Совет Комунисининг 1-жилдида куйидагиларни ўқиймиз: «Анқо — қадимий Шарқ халқларининг кўпчилик афсоналарида тилга олинган баҳайбат қуш. У кўпинча Семург билан бир хил тасаввур этилади. Анқо кейинчалик маъжозан номи бору ўзи йўқ, нодирликда ягона мазмунини ифодаловчи тушунча касб этган».

Анқо тимсолидан классик шоирларимиз унумли фойдаланишган. Навоийнинг «Фавойид ул-кибар» девонида куйидаги байт бор:

Сирри ишқим билмаган эл қолмади,
гарчи манга —
Номабар қуш ўрнига анқони маҳрам
килдингиз.

Яъни, хат ташувчи қуш — кабутар ўрнига анқони маҳрам этсангиз ҳам ишқим элга аён бўлди, дейди шоир ва бу билан ўзининг ёлғиз маҳрам ва яқин бир кимсасиз қолганидан шикоят қилади. Ўз навбатида анқо тимсолидан усталик билан фойдаланади.

«Лисон ут-тайр», «Хайрат ул-аброр», «Лайли ва Мажнун» дostonларида Анқо тимсоли турли кифоаларда учрайди. Масалан:

Меҳригё демаки, Анқодир ул,
Жавҳари фарду дури яктодур ул.

Бу байтда «Анқо» сўзи нодир, ягона маъносидан келган ва энг камёб нарсалар қаторида саналган.

Бугунги кунда жонли сўзлашув тилида, бадий адабиётда Анқо тимсоли тез-тез учраб туради. Агар бирор нарса камёб бўлса ёки топилмаса: «Эй, Анқонинг уруғи бўп кетсин-э», дейишади.

КАҚНУС

Инқилобдан бурун Сирожиддин Махмуд Сидқий томонидан таржима қилиниб, чоп этилган «Ажойибот ул-маҳлуқот» асарида бир қатор афсонавий қушлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Жумладан, Қакнус борасида куйидагиларни ўқиймиз: Қакнус Хиндистон оролларида яшайдиган бир қуш эмиш. У минг йилгача умр кўрар экан. Ўлими яқинлашганини сезса, мотам тутиб, ўтин тўплар, бошқа қушлар атрофи-

да парвона бўлар экан. Сўнгра тўплаган ўтини устига чиқиб сайрар ва қанот кокар эмиш. Тумшугидаги беҳисоб тешиқлардан сеҳркор оҳанглар янграр экан. Ниҳоят тумшугидаги тешиқлардан ва қанотидан ўт чиқиб, ўтинга тушар, кўп ўтмай ўзи ҳам қулга айланармиш. Қулдан эса янги тухум ва бу тухумдан ёш қакнус пайдо бўларкан. Куй ва арғанун (орган) мусика асбоби унинг овозига тақлидан кашф этилган эмиш.

Қакнус ҳақидаги ана шу афсонадан кўплаб ижодкорлар фойдаланишган. Алишер Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» («Қушлар тили») асарида бу ҳақда шундай ёзади:

**Бор эмиш қакнус деган бир турфа тайр,
Ҳинд мулкида анга орому сайр.
Шакли матбуъу тавано пайкари,
Ўзга нақшу ранг бирла ҳар пари.
Бул ажаб ҳайъат била минкор анга,
Сукбалар минкор аро бисёр анга.
Чун чекиб дилкаш Навое жонфизо.
Фаҳм ўлуб ҳар сукбасидин бир наво...**

Шундан кейин Қакнуснинг ана шу айтиб ўтилган барча хусусиятлари тасвир этилади. Шоир девонларидан биридаги мана бу байт ҳам диққатга сазовордир:

**Номам элтур куш агар
мазмунини айтиб қилса шарх,
Сочқай ўт қакнус киби,
минг чок ўлуб минкор анга,**

Мазмуни: агар хатимни олиб борган куш, унинг мазмунини айтмоқчи бўлса, қакнус каби тумшуги мингга бўлиниб, ўт чиқиб кетар эди (Чунки ундаги сўзлар шу қадар ҳароратли).

Ўрис ва Оврупа адабиётида бу куш «Феникс» деб аталади. У ҳозир ҳам ҳаробалик ва ёнғинлардан кейин қад кўтарган бинолар, шаҳар ва кишлоқлар ҳақида гап кетганда кўчма маънода ишлатилади.

ХУМО

Хумо куши қадимги эртақ ва афсоналарда кўп тилга олинади. Уни Жаннат куши деб атаганлар. Баъзи маълумотларга кўра, у гўё суяклар билан овқатланган, кимнинг бошига сояси тушса, ўша одам давлат ва салтанатга эришган.

Ўзбек эртақларида уни «Бахт куши» ҳам деб юритилади. «Бошига бахт куши кўнибди», деган иборани бугунги кунда ҳам тез-тез эшитиш мумкин. У қутилмаганда бахт-саодатга эришган кишига нисбатан маъжозий маънода қўлланилади.

Табийки, Навоий ҳам Хумо тимсолидан ўринли фойдаланган. «Тарихи мулуки Ажам» асарида бир хумдорнинг инкирози ҳақида гапириб, шундай ёзади:

**Анинг дағи йикти фалак поясин,
Бошидин айирди хумо соясин.**

Еки «Лисонут ул-тайр»да:

**Чун хумойи ҳиммати очқай қанот,
Юз туман минг халқ топғайлар нажот.**

Буюк озарбайжон шоири Насимий ғазаларидан бирида шундай байт учрайди:

**Ҳар қушунг ўлмаз саодатлу хумотак
қўлкаси,
Чунки симурғам деюрсан, ломакон
Қофинг гани?**

САМАНДАР

Самандар ҳақида турли хил фикрлар мавжуд. Баъзи манбаларда у қалтақесак-симон хайвон деб кўрсатилса, бошқа бир жойда қушга ўхшайди, деб тасвирланади. Кўп ҳолларда уни Қакнус билан алмаштириб қўядилар.

«Ғиёс ул-луғат» номли китобда Самандар шундай тасвирланади: «Қатта сичқон ё каламуш сингари хайвондир. Оташқада (зардуштийлар оловга сиғинадиган ибодатхона) ичида пайдо бўлади, оловдан чиққан заҳоти ўлади. Баъзилар эса уни оловда ёнмайдиган қанотли бир жонивор, деб ёзганлар».

1973 йил Боқуда чоп этилган «Қадимий афсоналар» китобида эса бу ҳақда шундай дейлади: «Самандар гўё қорли-музли ўлкаларда яшаган афсонавий қор кушидир. Бу қушнинг тумшуги пўлат, қанотлари эса чакмоқ тошидир. Самандар куши иккита бола очади. Болалари бир куннинг ўзидаёқ қанот чиқариб, парвоз қилади. Бундан севинган Самандар ҳамма нарса-ни унутиб, тумшугини қанотига уради, шунда олов чиқиб, ўзи ҳам қулга айланади».

Аммо Самандарнинг ўтда ёнмаслик хусусияти кўпроқ машҳур. Шу туфайли қатор ривоятларда, шоирларимиз ижодида, бугунги кун адабиётида ҳам унинг ана шу хусусиятларидан маъжозий маънода фойдаланилади. Бир қадимий ривоятда айтилишича, Самандарнинг терисидан салла тикиб, ўша давр подшоларидан бирига совға қилибдилар. Ҳар қачон кир бўлса, уни оловга солар, салла яна топ-тоза бўлиб қолар экан.

Навоий асарларида Самандар тимсолига кўп дуч келамиз. Мана мисоллар:

**Демангиз булбул Навоийни,
Самандардекки, бор —
Назми ичра шуълаи Жомию
сўзи Хисравий...**

Еки:

**Ишқ аро дўзахдин, эй носих, мени
қўрқутмаким,
Ҳажр ўтин кўрган Самандарға
шарардин қайда бок.**

Мазмуни: Эй, насихатгўй, ишқ аро дўзахдин мени қўрқутма, ҳажр ўтини кўрган Самандар ҳеч вақт оловдан қўрқадими?

Бошка бир жойда:

Хиротдин агар ўт тушса Сабзаворғача,
Бўлай Самандару тортай ўзимни ёрғача.

РУХ

«Ажойиб ул-махлуқот» асарида ёзилишича, Рух — Хинд ва Чин оролларида яшайдиган баҳайбат бир қушдир. У шунчалик каттаки, учганда қаноти қуёшни тўсиб кўяди, фил ва каркидонни бемалол кўтариб кета олади. Ҳар тухуми минорадек келади.

Маълумки, қадимий шатранж муҳраларидан бири «рух» деб аталган ва ана шу афсонавий қуш шаклида бўлган. Ҳозирги шахмат ўйинида бу муҳра қалъа, бурж шаклида бўлса ҳам, ўша «рух» номи сакланиб қолган.

«Рух» сўзининг яна бир маъноси — форсча «Юз», «Чехра» демакдир. Классик адабиётда бу сўзнинг кўп маънолилиги чиройли ташбеҳлар ва сўз ўйинларига сабаб бўлган.

«Хазойин ул-маоний»да бунга ўнлаб мисоллар бор.

Навоий даврида Хуросонда, хусусан, Хиротда барча санъат турлари қатори шатранж ўйини ҳам катта раванқ топган, унинг машхур усталари етишиб чиққан эди. «Мажолис ун-нафоис» ва «Бобурнома»да бу ҳақда кўплаб гувоҳликлар бор. Масалан, Мир Муртоз деган шатранжбоз «аклни пешловчи» бу ўйинга шу даражада ўч эканки, бир рақиби билан ўйнаётганида, иккинчиси кетиб қолмасин деб, унинг этагидан тутиб ўтираркан. Навоийнинг ўзи ҳам шатранжни яхши ўйнардди ва бу қадимий ўйин сирларидан вокиф эди. Табиийки, шоир асарларида шатранж, жумладан, Рух муҳраси билан боғлиқ воқеалар ва тимсоллар анчагина учрайди. «Ғаройиб су-сигар»да шундай байт мавжуд:

Шах ёнин фарзин киби кажлар мақом
этлиш, не тонг,
Ростравлар арсадин гар турсалар
Рухдек қирок.

Яъни: шохнинг ёнида фарзин каби эгри йўлга юрувчилар тураркан, Рухдек тўғри юрувчилар ҳамиша тахтанинг четида қолса ажаб эмас. Шатранж коидасига кўра, эгри ҳам, тўғри ҳам юра оладиган Фарзин ҳамиша Шох ёнида, фақат тўғрига юра оладиган Рух эса тахтанинг энг чеккасида жойлаштирилади. Муҳраларнинг бундай тизилиш коидасини ҳаётга қиёслаган шоир бу ташбеҳни ёрнинг бевафолигини кўрсатиш учун келтирган бўлса-да, эгриларни юксакликка кўтарган ва оқилларни, тўғриларини четга сурган мавжуд тартибларни фож этади.

Бошка бир ғазалда:

Кўруб юзингни Навоийга хуш кетса
не тонг,
Ки мот ўлур бори шохлар, қачон сен
очсанг Рух.

Еки:

Хўбларни Рух била қил мотким,
Шоҳ кўрмайдур сенингдек бу бисот.

Бу байтларда «Рух» сўзи икки маънода, яъни юз ва шатранж муҳраси маъноларида қўлланилган ҳамда эсда қоларли ташбеҳ ва тимсол яратилган.

СЕМУРҒ

Семурғ — Шарқ халқлари оғзаки ижодида ва ёзма адабиётда кўп тилга олинган. У Рух каби қудратли, улкан афсонавий қушдир. Унда халқларнинг узок манзилни ёвуқ қилиш, кўкка парвоз этиш ҳақидаги асрий орзулари ифодаланган. У дастлаб Эрон асотириларида пайдо бўлган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Овесто»да ҳам «Сенемурғ» шаклида ишлатилган.

Бадий адабиётда илк бор Семурғ тимсоли Фаридиддин Атторнинг (1148—1219) «Мантик ут-тайр» дostonида учрайди. Алишер Навоий бу асарни болалигида севиб мутолаа қилиб, тўла ёдлаб олган. Шоирнинг «Лисон ут-тайр» dostonи ана шу асар таъсирида дунёга келади. Dostonнинг марказий қахрамони — Семурғдир. Адолатли ҳукмдор ахтараётган қушлар Худхуд (попишак) тавсияси билан ана шундай олижаноб фазилатларга эга Семурғни кидириб, йўлга тушадилар. Уттиз қуш Худхуд йўлбошчилигида ранж чекиб, Талаб, Ишк, Матрифат, Истиғно, Тавхид, Ҳайрат водийларини босиб ўтадилар ва еттинчи — Фақр ва Фано водийсига етиб келадилар. Келиб кўрсаларки, ҳеч қандай Семурғ йўқ, кидирган қушлари эса ўзлари, яъни ўттиз қуш: форсча — Симуғ экан. Тасаввуф таълимотининг покланиш йўлида риёзат чекиш ва ниҳоят ҳаққа восил бўлиш ҳақидаги ғоялари акланган бу асардан шоир барча даврлар учун муҳим хулосани чиқаради:

Ким сен — ўк сен ҳарнеким мақсуд
эрур,

Сендин ўзга йўқ неким мавжуд
эрур...

Ўз вужудинга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен ўзунгдан истагил.

Кўпгина ўзбек халқ эртақларида Семурғ баҳайбат, лекин марҳаматли инсонга ҳамиша кўмакка шай бир қуш сифатида тасвирланади. «Оинаи жаҳоннамо», «Рустам», «Кенжа ботир» сингари эртақлар ана шулар сирасига қиради. Ҳамид Олимжоннинг «Паризод ва Бунёд» асарида ҳам Семурғ Бунёдга яқиндан ёрдам беради.


Афсонавий Семурғ билан боғлиқ ривоятлар тожик ҳамда бошка туркий халқлар оғзаки ижодига ҳам хосдир.

Носир МУҲАММАД

БИЗНИ ҚУТЛАЙДИЛАР

Бизнинг сирли дунёмизда янги ойноманинг фавқуллодда дунёга келгани билан чин қалбимдан табриклайман. Муваффақиятлар, ўқувчилар учун қизиқарли асарлар ва ўнгидан келса, коинот билан алоқа тилайман. Барча таҳрир ҳайъати аъзолари ва ойнома ходимларига тўсиқларга нисбатан барқарорлик, жами ғайритабиий, жумбоқ ва сирли ҳилқатларни кашф этишда сабот тилайман.

ССЖИ фазогир-учувчиси,
Шўро Иттифоқи Қаҳрамони,
фантаст-ёзувчи Юрий ГЛАЗКОВ




Қадрли Ҳожиакбар!

Ҳурматли «Сирли олам» ойномаси ходимлари! Сизнинг сирли оламини тадқиқ этишининг мурраккаб йўлига қадам қўйганингиз, тўғриси, қувончлидир. Назаримда, ҳозиргача Ҳазиналар ороли ва Сирли орол яхши ўзлаштирилган эди, холос. Сизнинг кўп ишлар қилишингиз кутилади. Баъзан бутун сайёрамиз фан ва технологияларнинг мислсиз самаралари туфайли инсон фаолияти оқибатларини башорат қилиб бўлмайдиган аллақандай бир сирли оламга айланган, деган ўйга ҳам борасан, киши. Машина ва механизмлар чангалзориди адашган бу сирли олам ойномангиз саҳифалариди ўзининг тамоман малакали йўл кўрсатувчиларига эга бўлади деб, умид қиламан. Муваффақиятлар тилайман!

Сизнинг фантаст-адибингиз, Умумжаҳон «Экофильм-84» киноанжумани совриндори, «Молодая гвардия» нашриёти фантастика таҳрир ҳайъати мудири

Владимир ШЧЕРБАКОВ




Дунёмизнинг жумбоқларига лоқайд бўлмаган ойномалар оиласига яна бир нашр — «Сирли олам» қўшилганидан хабар топиб, бағоят хурсанд бўлдик. Одамлар узоқ йиллар мобайнида Ер ва Коинот сирларини «ёпиш»га интилишади, лекин бу уларга сира насиб бўлмаяпти. Янги туғилган ойнома тилсимотларнинг доимо қизиқувчан, довурак, толмас ва ўйчан кашшофи бўлишига тилакдошмиз. Умуммақсадлар йўлида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.



А. ПОЛЕШЧУК,
130 йиллик «Вокруг света»
ойномаси ва 30 йиллик «Искатель»
иловасининг бош муҳаррири

Сайёрамизда сирлар ва жумбоқларга ҳали ҳам ўрин борлигини англаш мендай оқсоқол фантаст-ёзувчи учун мароқлидир. Ана шундай воқеаларнинг бири, шубҳасиз, «Сирли олам» ойномасининг таъсис этилишидир. Янги нашрга яхши, синчков ижодий услуб, адабиётнинг жами сирли жанрларига алоқадор эски ва янги муаллифларнинг сафарбарлигини тилайман. Яна битта истак, ҳамкасабалар, ўқувчини курраи заминимиз муаммоларидан жудаям олислаштирманглар.

Сизнинг фантаст-адибингиз
Александр КАЗАНЦЕВ



Худойберди ТҮХТАБОВЕВ

ИЛМИ ТОЛИБЛАР ЙЎЛДОШИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти ва академиги
Асқар Ғаниевич Холмуродов билан қаламкаш Ҳусниддин Умарзода
Нурмуҳаммаднинг суҳбати

— Жумҳуриятимизда ёшларнинг дунёқараши кенгайтириш, билим ва савиясини ошириш мақсадида бир қанча амалий тадбирлар кўрилгани хайрли ишлардандир. Хусусан, кейинги йилларда ёшларга мўлжалланган «Ёшлик» ва «Ёш куч» ойнومалари келажак ўринбосарларимизни қувонтирди. Мана, уларнинг қаторига яна бир ойнама — «Сирли олам» қўшилди.

Муҳтарам Асқар Ғаниевич, Сиз жумҳуриятимиз илм аҳлининг етакчиларидан бири сифатида шу ойнomaning мундарижаси қандай бўлишини истар эдингиз?

— Аввало «Сирли олам» ойнomasининг пайдо бўлишини жумҳуриятимиз ҳаёти ва фанида юз берган муҳим воқеа деб ҳисоблайман.

Табийки, ойнomaning дунёга келиши жамоатчиликни ҳайратда қолдираётган бир қатор мўъжизаларга қизиқиш билан бевосита боғлиқдир. Бу хилдаги мўъжизалар сирасида учар ликопчалару турфа сирли ҳодисаларни қамраб олган жўгрофий учбурчаклар ҳам (масалан, Бермуд учбурчаги), Қор одаму Тунгус метеорити ҳам, экстрасенсорлиги ўз-ўзидан ёнгин чиқиши ҳам кўпчилида қизиқиш уйғотмоқда.

Олам сирларини умлакатимиз ва хориждаги фан тадқиқотчилари тўплаган натижалар, тажрибалар асосида англаб етиш, янги-янги сирлар ва табиат мўъжизаларининг пайдо бўлиш сабабларини талқин қилиш ва атрофлича ўрганиш, бу натижаларни инсон борлиги, унинг ҳаёти, фаровонлиги йўлида оқилона ишлатиш усулларини яратиш фан ҳамда тадқиқотчи олимларнинг асосий бурчи ҳисобланади. Акс ҳолда бу мўъжизалар аниқ илмий асосга эга бўлмай, миш-мишдан нарига ўтмай қолиши мумкин.

Жамиятимизда кечаётган ошкоралик, халқчиллик, қайта қуриш даврида вақти-вақти билан олди-қочди шов-шувлар, жиддий илмий талқинсиз хабарлар, шарҳсиз маълумотлар чоп этилаёпти. Лекин «Сирли олам» бу каби муаммоларни ёритишда ўзининг қатъий мавқеига эга бўлади, деб умид қиламан.

«Сирли олам» ойнomasи, албатта, жумҳуриятимиз аҳолисини, айниқса, ёшларни илм-маърифатга қорлашда, уларда билимдонлик, изланувчанлик ва маънавий-руҳий бойлик фазилатларини шакллантириш йўлида хизмат қилган тақдирдагина унинг мазмуни муштарийларга манзур бўлиши мумкин. Сирли ҳодисалару мўъжизалар ҳақидаги маълумотлар жонли сатрларда, қалбга етиб борадиган лўнда иборалар талқин қилинса, бу талқин тегишли расм, суратлар билан изоҳланса, ахборот муаллифлари ўз соҳасининг билимдони бўлсагина ойнама эл назарига тушади.

«Сирли олам»га «Фан ва турмуш» каби донгдорлик, «Ёшлик» ва «Ёш куч» ойнomalаридек мазмундорлик тилайман.

— Инсон қадимдан ўзга сайёралар билан қизиқиб келади. Бу қизиқиш учар ликопчалар Еримизга тез-тез сафар қилаётгани ҳақидаги хабарлар тўфайли янада ортомоқда. Шу масалада Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдик.

— Мен ҳам кўпчилик қатори самовот билан боғлиқ ҳодисаларни кузатиб бораман. Чоп этилаётган бундай хабарларда асосан учар ликопчаларнинг шакли, табиий манбалари хусусида гап юритилади. Афсуски, биолог, биокимёгар ва биотехнолог олим сифатида каминага уларни бошқарувчи, сайёрамизга ўзга сайёралардан дамодам келиб турувчи тирик мавжудотлар (эхтимол, Сизу биз сингари жонли шахслардир!) ҳақидаги маълумотлар мавҳум.

У «меҳмон»ларнинг асаб фаолияти, мушак, юрак-томир таснифининг хусусиятлари, асаб ҳужайраларининг қай даражада импульс ўтказувчанлиги, маълумот сақлаш қобилияти ва бу каби кўпгина физикавий-кимёвий жараёнларга қобил экани ҳақида бирорта маълумот ўқиб ҳузурланмаганман. Бу жумбоқлар, шубҳасиз, олимлар тафаккурида махсус из қолдирадиган, ўз жавобини кутаётган муаммолардир. Ўзга сайёраларда ҳаёт, тирик мавжудот бор-йўқлиги, иккинчи сигнал таснифига эга инсон қиёфасидаги сайёҳларнинг тур сифатида келиб чиқиши ва мустақил йирик вужуд қабилидаги хусусиятлари каби муаммолар устида бош қотириш биолог олимларнинг бурчидир. Буларни ҳал этиш учун сайёралараро сафар қиладиган коинот кемалари яратиш зарур.

— Бултур баҳорда ҳамшаҳаримиз экстрасенс-биотабиб Тохир Солиев СССР Экстрасенслар уюшмасининг президенти қилиб сайланди, унинг бошчилигида уюшма бошқармаси тузилди. Ҳозир жумҳуриятимизда юзлаб экстрасенслар, талайгина касалликларни қувват билан даволовчилар борлиги аниқланди. Бугунги кунда Тошкентнинг Юнусобод мавзеида ва Талабалар шаҳарчасида жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Шарқ» таботат шифохонаси ишлаб турибди. Уларга қатнаб турган беморларнинг кўпчилик қисми ана шу шифохона табибларининг муолажаларидан баҳраманд бўлаётирлар. Сиз олим сифатида бунга қандай қарайсиз?

— Экстрасенслар, уларнинг шифобахш биокувват билан даволаш лаёқати ҳақидаги маълумотлар айниқса сўнгги йилларда кўпайди.

Экстрасенсорика ва унинг бемор учун қай даражада шифобахш экани хусусида менинг биолог олим нуқтаи назарида аниқ фикр юрити-



шимнинг ўзи ҳам муаммо бўлиб кўринади. Албатта, одам вужудининг тузилиши ва яшаш фаолияти ҳақидаги бирламчи таълимни мактабда, Инсон тўғрисидаги фанларни эса дорил-фунунларда ёки бошқа олий ўқув юртларида эгаллаймиз. Шунда ҳам одам ҳақидаги билимларда умумлаштирилган белги ва хусусиятларга эга шахс тасаввур этилади. Экстрасенсорлик қобилияти (телепатия, биоқувватни муайян аъзоларда жамлаб, беморларга ўтказиш воситасида даволаш, вужуднинг айрим аъзолари атрофидаги оҳанрабо майдонлари, ўта ўтказувчанлик, ҳиссий сезги орқали тақдирни, келажакни башорат қилиш ва ҳоказо) эса табиий танланиш жараёнида айрим мустақил тирик вужудларга хос белгидир. Бу ҳақда ҳеч қанақа умумий билим даргоҳларида сабоқ берилмайди. Экстрасенсорлик бўйича илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилган, ихтисослаштирилган касалоналар барпо қилинган, экстрасенсорика ҳақида аниқ таълимот яратилган тақдирдагина Кашпировский, Чумак, Руцко, Салоев, Норбеков ва бошқалар намойиш қилиб турган мўъжизавий амалларни теран англаб етган бўламиз.

— **Табиатда сирли воқеа-ҳодисалар кўп. Уларнинг моҳиятини очиш борасида жумҳуриятимиз олимлари қандай иш олиб боришапти? Имкони бўлса, мисоллар келтирсангиз.**

— Дарҳақиқат, она табиатиимиз сирли воқеа-ҳодисаларга бой. Уларнинг туб моҳиятини очиш соҳасида академиямиз илмий даргоҳларида кўпгина тадқиқот ишлари олиб борилапти. Масалан, Сейсмология институтида академик А. Султонхўжаев зилзиланинг пайдо бўлиш қонуниятлари, табиатнинг бу мудҳиш фожиасини олдиндан билиш борасида мўъжизавий изланишларни амалга оширмоқда. Унинг илмий тадқиқотлари мамлакатимиздагина эмас, балки Япония, АҚШ каби хорижий мамлакатларда ҳам машҳур. Қуёш ҳам сирларга бой. Унинг қувватини физик усуллар билан ўрганиш борасида жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Қ. Фуломов кўпгина кашфиётлар яратди. Ҳозирги вақтда қуёш қуввати ёрдамида ишловчи йирик тандир қурилмасида янгидан-янги нодир маъданларни яратиш ва уларни халқ ў-

жалигининг космонавтика, электроника каби энг нозик соҳаларида қўллаш йўлларини қидираяпти. Ёш олимларимиздан физика соҳасида фаол меҳнат қилаётган профессорлар — Б. Йўлдошев ва Ф. Абдуллаев, жумҳурият Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси математик Ш. Аюбов, электроника соҳасидаги йирик мутахассислардан профессор Т. Усмонов, ирсият муҳандислиги борасида баракали ишлаётган биология фанлари доктори А. Абдукаримов ва бошқаларнинг илмий изланишлари, қўлга киритган натижалари илм-фан ривожига, табиат сирларини очишда салмоқли ҳисса, деб бемалол айта оламиз.

— **Маълумки, сирли ҳодисалар сирини олимлар ўрганишади. Бинобарин, бу ойнomanинг фаолиятида академиямиз олимлари фаол иштирок этишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Академиянинг ойнама билан алоқасини қандай тасаввур этасиз?**

— «Сирли олам» ойнomanасининг фаолиятини олимларимиз иштирокисиз тасаввур этолмайман. У фан ва техника ютуқларини кенг кўламда ёритиш ва ёшлар ўртасида тарғиб қилиш дастурига айланиши керак. Академиянинг деярли ҳар бир институтида «Сирли олам»га тегишли, ойнomanанинг йўналишига дахлдор муаммолар тадқиқ этилаяпти. Шунинг учун ҳам унинг таҳрир ҳайъати аъзолари ва ижодий ходимлари академиямиз институтларига тез-тез ташриф буюриб туришлари керак. Шундагина алоқаларимиз мустаҳкам ва самарали бўлади.

— **Ойнама ижодкорларига тилакларингиз!**

— Ойнама ижодкорларига мустаҳкам саломатлик, омад ва баракали меҳнат, муштарийларга эса фаровонлик, билимга янада ташналик тилайман. Дарҳақиқат, ойнама жамиятимизда қайта қуриш, ошқоралик, иқтисодий ҳаётда туб ислоҳотга ўтиш ва жамоатчилик қучлари ўта фаоллашган даврда дунёга келди. Уйлайманки, ҳаётимиз руҳи билан «Сирли олам» руҳи ҳамнафас, ҳамқадам бўлади. Ойнама, аynиқса, илми толибларнинг севимли йўлдоши бўлиб қолишига ишонаман.

— **Муҳтарам Асқар Ганиевич, «сирли олам»чилар Сизга ҳам эзгу тилаклар билдириб, Сиздан муштарийларимизнинг қалбига кўр соладиган қизиқарли мақолалар кутади.**

ҚИЁМАТ ҚОЙИМНИНГ
 ОЛДИНИ ОЛИШ МУМ-
 КИНМИ? УЗГА САЙЁРАЛИКЛАР
 ИНСОНИЯТ ЗИММАСИГА
 ҚАНДАЙ ШАРТЛАР ҚҰЙ-
 МОҚДА?

• ИҚКИ МИНГИНЧИ
 ЙИЛДА ИНСОНИЯТНИ
 ҚАНДАЙ ҲАЛОКАТ КУТ-
 МОҚДА?

• ҚИЁМАТ ҚОЙИМНИНГ
 ОЛДИНИ ОЛИШ МУМ-
 КИНМИ?

• УЗГА САЙЁРАЛИКЛАР
 ИНСОНИЯТ ЗИММАСИГА
 ҚАНДАЙ ШАРТЛАР ҚҰЙ-
 МОҚДА?

Ҳозирги кунда учар ликопчалар тилимиздан тушмай қолди. Ҳатто бу ҳақда эшитгудек бўлсак, ажабланмай ҳам қўйдик. Айниқса, кейинги бир-икки йил ичида уларнинг ташрифи шу қадар оммавий тус олдики, НУЖ (номаълум учар жисм)лар келмаган гўша қолмади ҳисоб. Аммо ҳалигача уларнинг Ерга нима мақсадда келишаётганини аниқ билолганимизча йўқ. Бунинг устига ўзга дунё вакилларининг биз билан очиқ-часига мулоқот қилишни истамаётганлари одамларни анча ташвишга солиб қўйди. Шунинг учун ҳам НУЖларга бўлган қизиқиш кучайгандан кучайди, архивлар титкиланиб бир-биридан ноёб ҳужжатлар топилди, қизиқарли башоратлар дунёга келди.

Хўш, ўзга сайёраликлар аввал ҳам Ерга келишганми? Ерга келишдан мақсад одамларни ўрганишми ёки улар бу ерда бошқа ишлар билан ҳам машғул бўлишганми?

АҚШлик олимлар ундирган ноёб далилларга кўра, Ер сайёраси қадим-қадимдан ўзга дунё вакиллари учун савдо маркази бўлиб хизмат қилган. Олимлар бу маълумотни эр-хотин Бэтти ва Барни Хил билан бўлган фавқулодда ҳодиса туфайли билиб олишган.

1961 йил сентябрда эр-хотинлар учар ликопчага таклиф қилинадилар. Узга сайёраликлар уларни обдон тиббий кўриқдан ўтказиб, бир сўзли Бэттининг қийин-қистовлари туфайли ўзлари ҳақида ҳам бой маълумотлар беришга мажбур бўладилар. Аммо қайтар чоғда улар Бэтти ва Барни хотирасидан маълумотларни ўчириб ташлайдилар. Буни қарангки, ботиний онг қабул қилиб олган хабар ўчмай қолади. Улар Бэттига Зет—1 ва Зет—2 қўшалоқ юлдузларидан

Ер сайёраси томон ўтган савдо йўли харитасини кўрсатгандилар. Эр-хотинлардан олинган бу маълумотнинг ҳаққонийлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Чунки сеҳрловчи (гипнозчи) Бенжамин Саймон ботиний онгда қолиб кетган бу ноёб янгликни юзага чиқаргунча, эр-хотинлар билан бешолти марта қайтадан сеҳрлаш амалини ўтказишга тўғри келди. Қўлга киритилган далиллардан энг ажабланарлиси шу бўлдики, харитадаги йўллар ҳақиқатан эски, қадимий йўллар бўлиб чиқди. Шунча вақтдан бери уйимизга меҳмонлар келиб-кетган, Ерда бемалол олди-сотди қилган эканлар-у, биз бу ҳақда туш ҳам кўрмай, беҳабар қолаверган эканмиз. Хўш, буни қандай баҳолаш мумкин? Келган меҳмон уй эгаси билан салом-алик қилмайдими?

Ўзга дунё вакилларининг Ерга қилган беминнат ташрифларидан қуйидаги хулосага келиш мумкин: яъни, биринчидан, улар неча минг ёруғлик йилларини кўзлари қиймай, Ерга келишни қанда қилмаётган эканлар, демак, сайёраимиз қандайдир қимматбаҳо, ноёб маҳсулот манбаидир. Ердан мунтазам равишда олиб кетилаётган маҳсулот эса ўз-ўзидан пайдо бўладиган ва янгилиб турадиган бойлик экани табиий. Албатта, фойдали қазилма бойликлари шубҳадан холи. Чунки, ён-атрофда ўлик сайёралар қалалиб ётган бир пайтда, улар фақат қазилма бойликни деб, шунча йўлга овера бўлмасдилар.

Иккинчидан эса, биз тенг ҳуқуқли фазовий уюшмалар таркибига киритилмаганмиз. Шунингдек, Ер сайёраси тараққий этмаган сайёра сифатида тажриба маркази бўлиб, умумфазо қонуниятлари бизга нисбатан тадбиқ этилмас керак. Агар Ер сайёраси бизга қарашли бўлмаса ёинки биз бу ерга фақат тажриба учун фазодан келтирилган бўлсак, унда ўзга дунё вакилларининг биз билан ҳисоблашишлари шарт ҳам эмас. Бундан эса яна бошқа бир савол туғилади: биз ўзи киммиз ва коинотдаги ўрнимиз қандай?

Фазодаги тараққий этган дунёларда ўлим бир кўринишдан иккинчи бир кўринишга ўтишни билдираркан, холос. Олий табақага мансуб ақлли мавжудотлар руҳсиз, ҳис-туйғусиз биороботларни, ҳатто турли даражадаги роботлашган жамоаларни бошқаришар экан. Демак, уларнинг маҳсулотидан бир камчилик бор. Яъни, нозик руҳий моддиятни етиштиришда улар жиддий ҳусурга йўл қўйганлар. Олий онгининг қудрати ҳам нозик руҳий моддиятга боғлиқ бўлиши керак. Лекин олий табақага мансуб бу мавжудотлар авваламбор ҳар нарсага қодирдилар. Бундай пайтда мантиқан қуйидаги тўхтамга келиш мумкин.

Олий мавжудотлар зудлик билан пишиқ моддият (инсон танаси) учун «дала» ҳозирлайдилар ва у ерда нозик руҳий моддият етиштирига бошлайдилар. Тайёр маҳсулот эса Коинотнинг энг чекка қисмларига жўнатилади. Шу йўсинда фазонинг инсон оёғи етмаган жойлари ҳам ўзлаштирилади. Зотан, фазо мустамлақасининг асоси ҳам уни нозик моддият билан таъминлашдан иборатдир. Чунки у фазо ҳолати ҳақида мунтазам равишда хабар берувчи ажойиб воситадир.

Табиийки, «дала»га «боғбон» керак. Боғбон, яъни қодир худо «маҳсулот» сифатини доимо текшириб, саралаб туршиш лозим. «Дала»ларни идора этишининг энг мақбул тури олам қонуниятларини идрок қилишининг ўзига хос намунаси бўлган диний таълимотдир. Бироқ унда дунёнинг умум тузилиши, кўзда тутилган «дала»лар ҳам сир сақланган. Улар ҳаёлий, ақл бовар қилмас афсоналар орқали берилади. Қуръон, Инжилдаги ҳикоялар ҳақиқатан гўзал, аммо ту-

шунарсиз. Лекин шундай бўлса-да, одамлар уни ҳеч бир эътирозсиз қабул этадилар.

Бизнинг фоживий хатолгимиз муқаддас диний китобларни унутганимизда, уни тушунишга интилмай, худони тўғридан-тўғри йўққа чиқарганимизда бўлди. Балки аввалроқ Қуръон ва Инжилда ёзилган сатрларнинг маъно-мағзини чақиб, атрофлича ўрганганимизда бугунги аҳволга тушиб ўтирмасдик.

1929 йили мамлакатимизга фазодан ғойибона мактуб келади ва у «Рабочая трибуна» рўзмонасида чоп этилади. Бу ўзига хос эслатма эди. Унда муқаддас диний китоблар ҳисобланмиш Таврот, Инжил ва Қуръони Карим бизга ўзга оламлик яратувчиларимиз томонидан юборилгани уқтирилган. Мактубда ёзилишича, ушбу китоблар Ер сайёрасида одам ўзини қандай тугиши кераклиги ҳақидаги ҳужжат экан. Унда ўзга дунёлар борлигига ҳам, Ердаги ҳаёт синов учун берилганига ҳам ишора қилинган.

Ҳозир биз нозик моддият тўсиғини ҳам энгиб ўтиш арасида турибмиз. Яъни, айрим кишилар жисмини тарк этиб, ҳаётнинг иккинчи кўринишига ўтган одамлар билан мулоқот қилиш даражасига етдилар. Орадан беш-ўн йил ўтгач, бу тўсиқ буткул барбод бўлади ва биз ерликлар ҳам ҳаётнинг иккинчи босқичини идрок эта бошлаймиз. Хўш, шундан кейин яратгучиларимиз «дала»лар масаласини қандай ҳал этишаркин? Табиийки, улар бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўёлмайдилар. Биз ҳам улардан ўз ҳақ-ҳуқуқимизни талаб эта бошлаймиз. Аммо ўзга сайёраликлардан олинган маълумотларга қараганда, Ердаги «дала»лар тажрибаси муваффақиятсиз чиқибди. Бу билан улар биздаги тажовузкор кайфиятни назарда тутмоқдалар ва унинг бутун коинотга ёйилишини сира истамайдилар. Бизнинг энг чиркин жиҳатларимиздан бири ажал келтирувчи қуролларни ўйламай-нетмай кўпайтираётганимизда ва бир-биримизни ўлдиршига қодирлигимиздадир. Зотан, Қуръонда ҳам, Инжилда ҳам худонинг бандасига қўл кўтармоқлик гуноҳи азимдур, деб ёзилган.

Агар Қуръон, Таврот, Инжил сингари диний китоблар тараққийнинг 2000 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури бўлса, унда келагагимиз нима билан тугагини олдиндан билиб олишимиз мумкин. Бунинг учун шак-шубҳасиз дин тарихига мурожаат этиш зарур. Хўш, нима учун қадимги Римда насроний (христиён) дини айнан I асрда пайдо бўлган. Зотан, диннинг қаерда ва қачон пайдо бўлишида ҳам ўзига хос ҳикмат бор. Чунки I асрга келиб, Римда ҳаёт, турмуш тарзи шу қадар тубанлашиб кетганки, одамлар юнон маданияти гуллаган чоғда эришган барча маънавий бойликлардан буткул маҳрум бўлаётганлар. Фоҳишабозлик, бузуқлик, баччабозлик ёппасига авж олиб кетган. Жамиятнинг маънавий таназули ҳатто расмий тус олишгача бориб етган.

Шундай оғир вақтда абадий руҳ хусусидаги таълимот одамларни розолат ботқоғидан қутқарувчи бир кучдай вужудга келган. Улар диндан омонлик излаганлар. У инсониятни ҳақ сари, адолат ва олижаноблик йўлига бошловчи ягона ҳакам бўлиб қолган. Одамзот шу тарзда икки минг йилга мўлжалланган руҳиятнинг истиқбол дастурини қўлга киритган...

Диннинг сараловчи куч эканини исботловчи яна бир далилни ёдга олайлик.

Масалан, қора инквизиция ҳукмронлик қилган ўрта асрда вабо, ўлат сингари мудҳиш касалликларнинг тарқалиши ҳам бежиз эмасди. Чунки бу даврда ҳам бадахлоқлик авж олган, одамлар диндан қўрқмай қўйганлар. Натижада улар

худонинг ғазабига учраганлар ҳамда вабо ва ўлат сингари касалликлар ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган. Европа давлатлари эса деярли емирилиш даражасига етганлар.

Балки кейинги йилларда СПИДдек баттол касалликнинг тарқалишида ҳам фожиавий қонуният бордир. Агар ўрта асрда «цивилизация» тажрибаси янги бошланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, у ўз мантиқий ниҳоясига етаётгандир. Шу тарзда Қуръон ва Инжилдаги ёзувлар мағзини чақа борсак, уларнинг нақадар ҳаётий эканига тан берамиз. Келинг, диний китобларни илмий асослашга бир урилиб кўрайлик-чи!

Ҳозирги кунда олимлар ножирий йўл билан кўпайиш устида қатор тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бу борада биринчи натижалар қўлга киритилди. Масалан, 1976 йилнинг 26 июнида доктор Патрик Степту ва Робер Эвардо жаҳонга она қорнидан ташқарида вояга етган Луиза Браунни тақдим этдилар. Инглиз ирсият илми олими Жон Холдейн эса чагишма (мутант)ларнинг кемага мос турини яратиш имконини айтиб, Ер юзини ҳайратга солди. Ўзга сайёраликлар эса бу борада биздан ўн бора, юз бора ўтиб кетганлар. Энди улар одамзотнинг ҳар қандай турини ярата олишларини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Инжилда ёзилишича, Биби Марям қиз бола бўлишига қарамай, фарзанд орттирган. Балки унга худо, яъни яратгучимиз томонидан тирик тўқима ўтказилгандир. Оллои таоло шу йўл билан Ерда ўз ҳамсоясини яратмоқчи бўлган. Унинг элчисига эса дин тариқасида Ерда бутунлай янги дунёқарашни тарқатиш, шу йўл билан инсониятнинг маънавий таназзулдан асраш ва Ердаги тараққиётни тўғри йўлга солиб юбориш юкланган.

Тахминимизча, фазовий яратгучиларимиз ўзлари хусусидаги маълумотларни атай бўлакларга бўлиб, жаҳондаги турли китобларга жо қилганлар. Чунки бу маълумотларни биз тўлалигича билганимизда, аллақачон сирдан воқиф бўлур эдик. Диний китоблардаги маълумотлар ҳақиқатан бир-бирини тўлдирди, аммо уларни бир жойга тўплашнинг ҳанузгача илжои бўлмаган. Негаки шу даврга қадар Ердаги турли диний мазҳаблар ўзаро муттасил муҳолифлик қилиб келганлар.

Яна ўша фожиавий саволни такрорлашга тўғри келади. Нима учун Инжилда қиёмат қойим айнан икки мингинчи йилга мўлжалланган? Ҳақиқатан қиёмат қойим бўладими?..

Бу саволга бир ёқлама жавоб бериб бўлмайди, албатта. Аммо шуниси аёнки, Ердаги тажриба қиёматга етай деб қолди ва ниҳоят, фазовий яратувчиларимиз «далалар»лар масаласини ҳал этишга мажбур бўлиши турган гап. Чунки асрлар мобайнида униб-ўсган ва фазо уюшмасидан ўз маъқени мустақил англаб етган «далалар»да бениҳоя норозилик туғилади. Натижада вазият кескинлашиб, фазовий яратувчиларимиз амалий ишга ўтадилар.

Ҳўш, ҳозирги ҳолатимизда улар бизга нисбатан қандай чора қўллашлари мумкин? Шунгача тўпланган маълумотларни таҳлил этиб, бундан қуйидаги мантиқий хулосани чиқариш мумкин: **БИРИНЧИ ФАРАЗ:** улар «далалар»ни қайта шудгор қилишади ва ерга дам берадилар. Орадан бир оз фурсат ўтгач, «далалар»га қайта уруғ сепилади.

ИККИНЧИ ФАРАЗ: «далалар» обдон ўтоқ қилинади ва қиртишлаб, тозалангач, Фазо уюшмасига кириш учун ижозат берилади.

УЧИНЧИ ФАРАЗ: «далалар» шу ҳолича қолдирилиб, мавжуд шарт-шароит билан таништирилади ва уларга зудлик билан юз фоиз ўзга-

риш имконияти берилади. Шунинг эвазига улар Фазо уюшмасига қирадилар ва ўзга дунё вакиллари билан тенг ҳуқуқли бўладилар.

Ана шу қайд этилган муаммони ечишда улар, чамаси, мавжуд уч фараздан ҳам фойдаланишса керак. Шу ўринда яна бир савол туғилади. Нима учун «далалар» вақтдан чекланмаган ҳолда, тадрижий ривожлана бориб, Фазо уюшмасига аъзо бўлолмайдилар? Бу ҳақда қуйироқда батафсил тўхталамиз.

Агар Фазо уюшмаси ўз «далалари»да эгиз муаммоларни ўрганмаса, у ҳеч вақт фазовий туркум бўлолмайди. Улар албатта, бизнинг сайёрамиз Галактиканинг энг чекка қисмига жойлашганини ва у ерга қувват-нурнинг ўндан бир заррасигина етиб боришини ҳисобга олишган. Шу сабабли ҳам сайёрамизда тараққиёт даражаси жуда паст. Фикримизча, Фазо уюшмаси учун биз бирон сайёрадаги тараққиёт кечмишининг кўчирма нусхаси бўлиб, ўзга дунё вакиллари Ер мисолида узоқ ўтмишларини ўргансалар керак.

Галактикамиз бошқа юлдуз буржлари қаторида яна бир улкан Метагалактика атрофида айланади, деган фараз бор. Ҳар бир сайёра ўз ўрнида чек-чегарасиз фазонинг бир маромда ҳаракатланишини таъминлайди, унинг яшаш суръатини белгилайди. Агар узлуксиз ҳаракатланувчи Галактикалар борасидаги тахмин тўғри бўлса, унда фазодаги ҳаёт абадийдир, тараққиёт даражаси эса ақл бовар қилмас даражада юксакдир. Биз эса Фазо уюшмасининг қусурли фарзандларимиз, фақат махсус алмашлаб экиш учун мўлжалланган «кўчатлар»миз. Буни идрок этмоқлик нақадар изтироблидир. Демак, Фазо Марказидаги юксак тараққиёт этган оламлар бундан миллион йил илгари кечган турмушларини бизнинг мисолда босқичма-босқич кузатишга муваффақ бўлишган.

Тан олиш керакки, тажриба натижаси шакшубҳасиз ибратли бўлди. Ўта иқтидорли ва баъзорат қилиш бобида тенги йўқ тажриба соҳиблари билан «боғбонлар» ўз фаразларига суяниб, инсоният икки мингинчи йилга келиб, фазовий онгнинг нозик, руҳий моддиятини идрок эта олиш ва у билан мулоқотга киришиши даражасига етадилар, дея тахмин қилганлар. Агар шу иш амалга ошгудек бўлса, Ерда ҳаёт жадал суръатлар билан ривожлана бошлайди ва у ўз-ўзидан Фазо уюшмасига аъзо бўлади. Оқибатда эса ядровий урушлар хуружи, руҳий таназзул ва маънавий бадҳолик сингари ярамас одатлар бутун коинотга ёйилади. Бундан ташқари биз уларга ўз маконини ваҳшийларча яқсон қилишни ўргатамиз. Агар таъбир жоиз бўлса, биз фазога маънавий бузуқлик ва ҳарбий қутуриш микробини тарқатамиз. Қутурган жониворларни эса, ўзингизга маълум, касалликнинг олдини олиш ниятида ҳам қириб ташлашади.

ХОТИМА

Тажриба соҳиблари бизга олам қонуниятларини диний таълимотга жо қилган ҳолда, Пок руҳнинг абадийлиги борасидаги тушунчани сингдирганлар ва шу тўғрисида бизни ҳалолликка, эзгуликка ундаганлар. Бу Ер аҳлини сақлаб қолиш учун берилган сўнгги илми эди. Минг афсуслар бўлсинки, биз ундан фойдалана олмадик. Демак, тажриба соҳибларидан ўпкалашининг ҳожаги йўқ. Очиғини айтганда, уларнинг ўзлари ҳам ўша, бизга берилган сўнгги илмига ишонмаганлар. Шунинг учун ҳам Инжилда ва Қуръонда қиёмат қойим бўлажагини олдиндан

белгилаб кўйганлар. Рўзи маҳшар эса шу тажриба-нинг фожиавий хотимасидир.

Шундай қилиб, тажриба ўз амалий ниҳоясига етди. Илму урфон учун ёмон натижа ҳам натижа ҳисобланади! Энди эса саҳнага чиқиш учун буткул бегоналар ҳозирлик кўрмоқда...

Театр томошаси давом этади. Аммо эндиги сафар у бизсиз давом қилади. Тажриба эса бошқа сайёрада ва бошқа қаҳрамонлар иштирокида кечади.

...Энди фарзандларимиз бизнинг энг сўнги аждодларимиз сифатида инсоният 2000 йил мобайнида йўл кўйган хатоликлар ва гуноҳлар учун жавоб беражақлар.

Ички идроким ила сезиб турибманки, «боғ-бон» Ер юзиде СПИД касаллигини тарқатиб, «яганалаш»ни бошлади ва ечимнинг иккинчи ва учинчи қисмини ишга солиб юборди. У ҳеч бўлмаганда, инсониятнинг бир қисмини сақлаб қолиши учун андармон бўлмоқда. Ҳарқалай, у бизнинг руҳпокимиз учун икки минг йил ҳалол курашди, мана, парда тушиши олдида ҳам у бизнинг ташвишимизни қилмоқда...

Ўзимиз-чи, биз унга мададкор бўла оламизми? Шу масала юзасидан унга кўмаклашишга қодирмизми?

Хўш, дунёдан изсиз кетишдек даҳшатли тақдир азалдан қандай қутулиш мумкин? Бунинг фақат иккитагина чораси бор: биз ё ташқи шарт-шароитни ўзгартиришимиз керак, ёинки ўзимиз бутунлай янги қиёфага киришимиз лозим. Зотан, ташқи муҳитга таъсир этиш қўлимиздан келмас экан, демак, ишни ўзлигимизни қайта тиклашдан, қайта яратишдан бошламоғимиз зарур.

Устига устак бу вазифа жуда қисқа муддат ичида бажарилиши шарт!

Шу мақсадда биз қатор зарурий чораларни амалга оширишимиз керак бўлади:

— шошилинч равишда дунё миқёсида қурол-сизланишни бошлаш. Бундан ҳатто айрим нуфузли кимсалар ҳам мустасно бўлмаслиги керак. Қуролланиш яққаш жандармларда ички тартибни сақлаш учун қолдирилади;

— қуролсизланишдан тушган маблағ йиғилиб, сайёра фаровонлиги ва табиат муҳофазаси йўлида сарфланади;

— «қора юрак» (қотиллар, каллакесарлар) кимсалар эл-улусдан бутунлай ажратиб ташланади;

— фазовий амалиётга таассуб қилган ҳолда янги фалсафий дунёқараш ишлаб чиқилади. Диний таълимдан иборат бўлган бу фалсафий қарашлар қуруқ ишончга эмас, бой билимларга асосланиши ва у энг биринчи навбатда Юксак маънавийлик ва Рўҳий покликни тарғиб қилиши зарур.

Шундагина биз «тажриба»ни давом эттиринглар, дея улар олдида талабнома кўйишимиз ва балки Фазо уюшмаси аъзолигига кириш учун ижозат сўрашимиз мумкин бўлади;

— муаммолар ҳал бўлгунга қадар биз фазовий онг томонидан қилинаётган тадқиқот ишлари муддатини чўзишга ўз хоҳишимиз билан розилик беришимиз керак;

— бунинг учун биз, ҳатто улар ички ишларимизга аралашган тақдирда ҳам, Фазо уюшмасига қарши ҳарбий куч ишлатишдан воз кечишимиз зарур.

Аммо бундан минг йиллар илгари инсоният учун белгиланган шартларни қисқа давр ичида бажариб бўлармикин? Ахир, аждодларимиз минг йиллар мобайнида ҳам ўша кўрсатмаларга амал қилмаган-ку?!

Агар эртами-индин фазодан халоскор келиб,

бизни бўлғуси қиёматдан огоҳлантирмоқчи бўлса, биз унинг юзига тик қараганча қаҳқаҳа урамиз-да, уни ё жиннига, ёки масҳарабозга чиқарамиз. Шунда халоскорга кўхна Инжил китобида битилган жумбоқ ва жодулар ҳам ёрдам беролмайди!

Юлдузлар, ахир, биздан қанчалар йироқ! Биз эса эртага тонг сахарлаб ишга боришимиз, болаларни боғчага элтишимиз керак. Балки ўз-ўзидан ҳаммаси эпакага келиб қолар, ҳавф ҳам зарар етказмай шундоқ ўтиб кетар... Ахир, бунақанги ваҳима гапларни неча марта лаб эшитганмиз, мана, ҳеч нима бўлмади-ку! — деб ўйлаймиз. Йўқ, янглишдик-ку! Етар, шунча адашганимиз! Ахир, тақдир, табиат инъом этган имконларни лоқайдлик ила қўлдан бой бердик, кўнглимизга сиққанини қилдик! Мискин қалбимизга қулоқ тутиб, бадбахт ва ҳокисор бўлиб яшадик. Энди эса аранг қадам ташлаганча, идроку иродасиз, бир тўп подадай сўнги эртанимизни қаршиламоқдамиз.

Ер узра эса одатдагидек, биз қолдирган боғларни ювиб тозаллаганча, сўнги ва азалий инжу ёмғирлар ёғади...

* * *

Зулумот чирмаб, сўнгсиз сукунат чўқади. Фазо қаърида юксак инсон қалбининг, тараққиётнинг ажиб оҳанглари анча вақтгача эшитилиб туради. У ниҳоятти бир-бирига эл бўлолмаган дунёнинг бетакорр ва тизинсиз қалб нидолариндай янграйди...

Марказий матбуот рўзнома
ва ойномалари асосида
М. ИБРОҲИМОВА нашрга тайёрлаган.

«Сирли олам» ҳайъатидан: мақола муаллифининг анча кескин мантиқий мушоҳадаларидаги ўзига хосликни тан олган ҳолда айтишимиз керакки, қиёмат қойимининг муқаррар-муқаррар эмаслиги мунозарали масала бўлиб, у ҳақда рўйроқ хулоса ясашга етарли асос йўқ, деб ҳисоблаймиз. Ана шу жаҳоншумул мавзуга биз ойномамиз саҳифаларида яна қайтамиз ва таниқли ёзувчилар, олимлар ва дин арбоблари қаламига мансуб башариятнинг яқин ва олис истиқболига бағишланган илмий-оммабоп мақола, ҳиссий башорат ва илмий-фантастик асарларни мунтазам чоп этиб борамиз. Хўрматли ўқувчиларимизни ҳам бу баҳсда фаол иштирок этишга чорлаймиз.



ЯХШИ ВА ЁМОН



РИСОЛАСИ

Минг йиллар давомида ҳар бир халқ ўз урф-одатларига кўра тажрибада синовидан ўтказиб, яхши ва ёмон кун ҳамда соатларни белгилаб олишган. Минг йиллар илгари фан ва техника унчалик ривожланмаганига қармай, кўп нарсаларни аниқлашган ва бугунги кунда ҳам улар ўз қийматини йўқотмаган. Бундай маълумотлар қадимги қўлёзма китобларда учраб туради. Сизга ҳавола қилинаётган рисолалар XVIII—XIX асрларда кўчирилган ўзбек тилидаги ноёб қўлёзма асарлардан олинган. Улар талай қисмининг муаллифи номаълум, чунки булар халқ тажрибасидир ва бир кишига мансуб эмас, деб айтсак ҳам хато бўлмас.

ТАРИХНИНГ МАЪНОСИ

Тарихнинг маъноси — яқин вақтдир. Ҳукумо истилоҳи ҳар ҳодисаи азимки, бул дорул-хавоиди-сада садорат бўлса тарихи андин эътибор килур. Мисол, Тўфон, Нўх ва Салди Искандар ва хижрат пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам Ҳазо ал-киёс. Аммо тарих машхур тўрт қисм турур: аввал-тарихи рўмий, иккинчиси — тарихи форсий, учунчиси — тарихи жалолий турур, тўртинчи — арабий. Ва ҳар қайсининг баёни нужум китобларида мазкурдур. Бизнинг билдимизда машхур ва мўътабар давр, они баён қиламиз. Аввал тарих арабийдур, уни хижрат ҳам дерлар. Бу тарихни сабаби улдуким, Ҳазрат Умар Разий аллоху анхунинг вақтларида Абу Маъсуи оллон шаърий хокимимин эди. Ҳазрат Умар разилоху анхунингга нома юбордиким: «Сизлардан бизга нома келадур, аммо тарих маълум эмаски, қачон битибдурлар ва не вақтда тахрир килибдурлар. Манга мундин кейин нома юборсалар, албатта тарих билан битиб юборсунлар».

Бас, Ҳазрат Умар ва асхоб пайғамбар саллоллоху алайҳи васаллам, машурат килдиларки. бинон тарихни қайдин олурмиз, деб. Баъзилари айтдиким, вафот онҳазрат саллоллоху алайҳи васаллам муносибдур, чунки ҳеч воқеа мундин улўғроқ бўлмади. Ҳазрат Умар айтдилар: «Ҳазратнинг вафотларини зикр қилсак доғ-фарқатлари тоза ва беандоза бўлғисидур». Баъзилари иттифок килдилар. Онҳазратнинг пайғамбарлигига ваҳий келгани улсадур, чунки воқеан аъзимдур. Ҳазрат Умар айтдилар: «Ори, аммо

ул вақтда кофир эрдим. Ҳарборасига келса махзун бўлғубдур».

Бас, Ҳазрат Умар мазмун била китобат қилиб. Ҳазрат Алий розий аллоху анхунинг Ҳазрат Али Карим ваҳий кошлариға юбордилар. Онҳазратнинг хижратларини, яъни Маккадан Мадинага борғонларини ероғладилар.

Бас, Ҳазрат Умар қабул қилиб ва жамиъ саҳобалар журъат Алининг қавлига иттифок килдилар. Хижрат Муҳаммад Мустафи саллоллоху алайҳи васаллам зулҳижр ойининг йигирма тўқизи панжшанба куни эрди. Бу воқеа тарих саҳифа ўн етти хижр йилида воқеа бўлди.

(«Мажмуат ал-аҳком» номли қўлёзмадан).

ЙИЛ ВА ФАСЛЛАР ҲАКИДА РИСОЛА

Араб зикрида қай йил бошини айтурлар. Аммо, билғилким, йил бошида араб халқи муҳаррамни эътибор қилибдурлар. Ажам ҳукумолари ҳамалдан олибдурлар. Аввал муҳаррам якшанба бўлса, далолат килурларким, ўша йили ёғин бисёр бўлғай. Уруш, захматлар халқ ичиди пайдо бўлғай. Ва йил охирида таом қиймат бўлур.

Аввал моҳ муҳаррам сешанба бўлса, далолат килурким, зимистон бағоят совук бўлғай ва қор, ёмғур қўб бўлғай. Мейваларга нуксон бўлур, халқ ичиди офат қўб бўлғай.

Агар аввал мох мухаррам чаҳоршанба бўлса, далолат қилурким, ба-қадра ба-ғоят обдон бўлғай. Қор-ёмғир бисёр бўлғай. Аммо иссиғ вақтида ёқғай.

Агар аввал мох мухаррам панжшанба бўлса, далолат қилурким, киш миёна келур. Буғдой ва мевалар қўб бўлғай.

Агар аввал мох мухаррам одина (жума) бўлса, далолат қилурким, зимистон осон ўтғай, қор-ёмғир кам бўлғай. Ешлар ичида ўлум бўлғай.

Агар аввал мох мухаррам шанба бўлса, далолат қилурким, ўшал йил зимистон душвор бўлғай. Ўзумға офат етғай.

Ва аммо илм сари сол туркина аҳкомн бу турур. Қачонки сичкон йили кирса, йил боши хушлик ва омонлик бўлғай. Йил ўртасида фитна-онгизлик қўб бўлғай. Ва бу йилда сичкон тўла бўлур. Ўғридин халқларга зарар қўб бўлғай. Ва хар фарзандиға бу йил оросида вужудға келса, бағоят тез фаҳм бўлғай ва ақл хушманд бўлғай ва ақл хушманд бўлғай ва зийрак-доно бўлғай. Ва охирида туғилса, ёлғончи бўлғай.

Қачонки бакар (хўкиз) йили кирса, далолат қилурким, халқ ичида жафо дўстим ва зулм жафолар бисёр бўлғай. Подшоҳлар орасида фитна-онгизликлар пайдо бўлғай. Атроф оламда жанг бисёр бўлғай. Ва қузғу неъматлар қўб бўлғай. Ва баъзи шаҳарларда хунрезликлар пайдо бўлғай. Ва чаҳор солорларға ўлум бисёр бўлғай. Ва хар фарзандиға бу йил ўртасида туғулса, хушгўй ва ширинсўзлик бўлғай. Ва йил охирида вужудға келса, қайғулик бўлғай.

Қачонки барс йили кирса, далолат қилурларким, хусру-гина ва адоват халқ ичида пайдо бўлғай. Ва зимистон узок бўлғай. Чор солорға ўлум кирғай. Ва подшоҳлар орасида фитна қўб бисёр бўлғай. Дарёлар суви улуғ оқғай ва баъзи дарёларда хундонирлик бўлғай, зироатға офат етғай. Ва хар фарзандиға бу йил оросида вужудға келса, бирун ва кохил бўлғай.

Қачонки харгуш (қуён) йили кирса, ул йил неъмат фаровон бўлғай, зилзила ва бозондоиға қўб бўлғай. Ва хар ким бу йил орасида вужудға келса, бевафо бўлғай. Хеч кимға улфат бўлмағай. Ва унинг илгидик кишиға манфият текмағай. Ва тўласўзлик бўлғай, ва қўрқинчок бўлғай.

Қачонки балик йили кирса, харуф-жанглар пайдо ва хунрезлик қўб бўлғай. Улуғлар орасида фитна бисёр бўлғай. Зироатға офат етилғай. Қор-ёмғур бисёр бўлғай. Иш-ишрат хўб бўлғай. Мевалар хўб бўлғай. Ут тўла чиқиб, бойларға яхши бўлуб, моллари семиз бўлғай. Хар ким бу йил вужудға келса, покиза ва гина-сиз ва баором бўлғай. Ва йил ўртасида вужудға келса, кўнгли қатғий бўлғай ва золим бўлғай, ва хушхор бўлғай. Йил охирида вужудға келса, нодон бўлғай ва давлатманд бўлғай ва хурматлик бўлғай.

Қачонки илон йили кирса, ул йил қуруклик бўлғай ва қахатлик ва мевалар кам бўлғай. Аммо, таом фаровон бўлғай. Илон, газанда қўб бўлғай. Ва бу йил аввалида вужудға келса, кенг оз сўзлик, беакл ва нодон бўлғай. Аммо сурат бемаза бўлғай, қулокиға харгиз номувофик хуш келмағай. Ва кишиға хамсухбат бўлмағай. Елғузликни дўст тутғай. Узок андишалик ва оғир сўзлик, бадқўл ва бадаҳд, носўз урар бўлғай.

Қачонким от йили кирса, аввал Туркистон вилоятида хунрезликлар пайдо бўлғай ва харуф-жанг бисёр бўлғай. Зимистон совуқ бўлғай, меваға офат етғай. Қуз раъятлар хўб бўлғай. Ва хар фарзандиға бу йил аввалида вужудға келса, қаттиғ балоға мубтало бўлғай. Ва йил

ўртасида вужудға келса хушгўй, хўрдманд, доно бўлғай ва зийрак бўлғай. Ва йил охирида вужудға келса ёмон андишалик, бадфеъл ва бадхўй бўлғай.

Ва қачонки қўй йили кирса, зимистон узок бўлғай ва гўштарға офат етғай. Ранж ва захмат учун бўлғай. Ва бу йил аввалида вужудға келса, хушрўй ва соҳибжамол ва хушхўй ва инкфеъл бўлғай. Бисёр душманлик бўлғай. Ва йил ўртасида вужудға келса, ризки кенг, давлатманд бўлғай ва кам озор бўлғай. Ва йил охирида вужудға келса, умри кутох бўлғай.

Қачонким ҳамдуна йили кирса, хушхол ва шодмонлик бўлғай. Хўблук, ободонлик ва кенг рўйлик ва тинчлик ва қашшоқлик бўлғай. Аммо подшоҳларға офат етғай, аводам бўлмағай. Ўзға мевалар хўб бўлғай. Улуғлар орасида харуф-жанглар ва хунрезлик бўлғай. Жаз-барқаш, зулм-жафолар тўла бўлғай. Халқ орасида меҳр-шавақт кам бўлғай. Аммо зироат хўб бўлғай. Хар фарзандиға бу йил аввалида вужудға келса, жодугар, бадхўй, бадгирдор бўлғай.

Қачонким мурғ йили кирса, ул йил ҳаво иссиғ бўлғай, ёгин кам бўлғай, нарх арзон, мевалар бисёр бўлғай. Ва ўлум кам бўлғай. Зимистон узок бўлғай, дарвешларға садақа бўлғай, баракот тофқайлар. Подшоҳларға хўб бўлғай. Хар фарзандиға бу йил аввалида вужудға келса зийрак ва хушфаҳм, акилли ва доно бўлғай. Ва йил ўртасида вужудға келса, зоҳид ва дарвеш бўлғай.

Қачонки ит йили кирса, ҳаво иссиғ ва ёгин кам бўлғай ва мевалар бисёр бўлғай. Охир солда қор ёқғай ва қийматлик ва қахатлик бўлғай. Бу йилда оғрик, ўлум, золимларға тўла бўлғай. Подшоҳлар орасида харуф-жанг, фитна ошуб ва хунрезлик бисёр бўлғай. Ва хар фарзандиға бу йил аввалида вужудға келса, ёлғончи, мунофик ва зуд харуф қилғучи ва заногар ва ҳаромзода, маккор, бадандиша, бадхўй бўлғай. Ва йил ўртасида вужудға келса, ҳарамхўр, шаробхўр бўлур. Ва йил охирида вужудға келса, бадмеҳр ва бевафо, бадқўл, йуз тўла сўзлик бўлғай. Ва гинакаш бўлғай.

Қачонким хўк йили кирса, нарх арзон бўлғай, ёгин бисёр бўлғай. Улуғлар орасида оғрик бисёр бўлғай. Подшоҳлар ва ҳокимларға фитна ошуб ва харб-жанглар пайдо бўлғай. Зироатға офат етғай. Халқ орасида меҳр-муҳаббат кам бўлғай. Хар фарзандиға бу йил орасида вужудға келса ғамзуд, баъътибор ва адоватлик ва золим, фитна онгиз бўлғай. Ва агар йил охирида вужудға келса, ғамзуд ва маккор ва бадхўй ва бадмеҳр бўлғай. Ва охири илм ушбу мазукур хат жумодис-соний, рўзи яқшанба тахрир шу.

(1721 йили кўчирилган қўлёзмадан).

ЯХШИ ВА ЁМОН ЙИЛ, ОЙ, КУН РИСОЛАСИ

Билғилким, Муса алайҳи васалламдин манқўлдур. Хар йилда 24 кун наҳсдур, яъни ёмондур. Ва хар ойда икки кун наҳсдур. Албатта, шу кунлар хеч иш қилмағайларким, хар рўз химмат ва рибк қўб бўлур. Чунончи, шул кунларда агар фарзанди бўлса, казо қилур ва тўй қилса, ёсга айрулур ва кишиға мол қарз берса, моли зоний бўлур. Ва агар сафар қилса, ватаниға саломат келмас. Ва душман бирла урушса, шикаст топар. Ва хотуни била жамоа қилса, фарзанди маюб бўлур. Чунончи, кўр ё шал, ё кал бўлур. Ва ё лаб ва оғиз эгри бўлур, ва ё девона.

ва шаробхӯр ва фосик, ва золим бўлур. Ва гар савдо килмокға кетса, зарар килур. Ва агар мадраса ва ё масжид ва ё хонақоҳ ва ё ховли, иморат ва бино килмокчи бўлса, нотамо колур. Ва агар ниҳол экса курур ва зироат экса, ҳосил килмас. Мусулмонлар бу сўзларга амал килгайлар, токим нафъ ва зарарни билиб айтгайлар.

Мухаррам ойининг ўн биринчи куни ва ўн тўртламчи куни наҳсдур. Сафар ойининг аввали ва учланчи куни наҳсдур. Рабиул-аввал ойининг саккизламчиси ва ўнламчиси наҳсдур. Раби ас-соний ойининг аввали ва ўн бирламчи куни наҳсдур. Жумодил-аввал ойининг тўккизламчи ва ўн бирламчи куни наҳсдур. Жумодис-соний ойининг иккиламчи ва тўртламчи куни наҳсдур. Ражаб ойининг ўн бирламчи ва ўн учламчи куни наҳсдур. Шабон ойининг тўртламчи ва еттиламчи куни наҳсдур. Рамазон ойининг учламчи ва йигирманчи куни наҳсдур. Шаввал ойининг саккизламчи ва ўн олтиламчи куни наҳсдур. Зулқадда ойининг иккиламчи ва учламчи куни наҳсдур. Зулҳижжа ойининг учламчи ва олтиламчи куни наҳсдур.

Агар сўрсаларким, бу кунларнинг наҳс эканин нечук билурсиз? Жавоб айтурманким, тажриба билан билурмиз. Ва ҳар ойда етти кун наҳсдур. Андоқким, учламчи ва бешламчи ва ўн учламчи ва ўн олтиламчи ва йигирма бирламчи, йигирма тўртламчи ва йигирма бешламчи ва бу назмда тартиб бериб дебудларким. Назм: Хафт рўзи наҳс бошад ҳар моҳи, Занге дони тўйноби ҳеч ранж, Си панж ва сиздах, ба шонздах, Бисту як ва бисту чор ва бисту панж. Бу кунларнинг наҳс бўлмоқининг сабаби аввал улким, Ҳазрат Одам алайҳи ас-салломининг Қобил деган ўғли, Ҳобил деган ўғлини ўлтурди. Ойнинг учламчиси оининг учун наҳс бўлди. Ва оининг бешинчисида намрудилар Иброҳим алайҳи ас-салламини ўтга ташладилар. Ойнинг учламчисида Фиръавн давои худолок килди. Ойнинг ўн олтинчисида ой тутилди. Ойнинг йигирма бирламчисида Нух алайҳи ас-салламининг Кўҳи об азобга фарк бўлдилар. Ойнинг йигирма тўртламчисида Важ-жол алайҳи ал-лаина таваллуд килди. Ойнинг йигирма бешламчисида Шаддод алайҳи ал-лаина боғ бино килди, оининг учун бу кунларни наҳс деб айрим килдилар.

Бу фасл кунларнинг саъд ва наҳсин баён килур.

Керакдурким, кишилар кунларнинг соатлиг ва соатсиз, яъни билиб иш килгайлар. Агар яхши соатда иш килса нафъи кўб бўлур ва ёмон соатда иш килса зарар ва захмат килур. Яқшанба куни аввал вақтдин то ишрокға еткурув ёмондур. Ишрокдин то чоштғача яхшидур. Чоштин то пешинғача ёмондир. Пешиндан то шомғача яхшидур. Душанба куни аввал вақтдин то чоштғача яхшидур, чоштин то пешинғача ёмондур. Пешиндин то асрғача яхшидур. Асрдин то шомғача ёмондур. Сешанба куни аввалдин то чоштғача ёмондур. Чоштиндан то кун ўртоғача яхшидур. Кун ўртадин то пешинғача ёмондур. Пешиндин то асрғача яхшидур. Асрдин то шомғача ёмондур. Чохаршанба куни аввалдин то чоштғача яхшидур, чоштин то пешинғача ёмондур. Пешиндин то асрғача яхшидур, асрдин то шомғача ёмондур. Панжшанба куни аввалдин то кун ўртоғача яхшидур. Кун ўртадин то пешинғача ёмондур ва пешиндин то шомғача яхшидур. Жумаъ куни аввалдин то намози жумаъ вақтиғача соат эрмастур. Намоз жумаъдин то асрғача яхшидур. Асрдин то шомғача ёмондур. Шанба кунининг аввалидин то ишрокға соатдур, ишрокдин то кун ўртоғача ёмондур. Кун ўртадин то пешинғача яхшидур. Андин сўнг то шомғача ёмондур.

Керакдурким, мусулмонлар соатлиг вақтни кўлдин бермагайлар. Ишни соатлик вақтда бошлагайлар, токим охири хайр бўлғай.

Бу фасл окшомнинг саъд ва наҳсин баён килур.

Яқшанба окшомининг аввали ёмондур, то икки соатғача, андин сўнг яхшидур, то ярим окшомғача, андин сўнг ёмондур то сахарғача, андин сўнг яхшидур то тонғача, андин сўнг ёмондур то намози бомдоғғача. Душанба окшомининг аввалидин соатдур то субҳғача, андин сўнг то бомдоғғача ёмондур. Сешанба окшомининг аввалидин ёмондур то бир соатғача, андин сўнг яхшидур то ярим окшомғача, андин сўнг ёмондур то сахарғача, андин сўнг яхшидур то субҳғача, андин сўнг ёмондур то намоз вақтғача. Чохоршанба окшоми аввалдин ёмондур бир соат ўткунча, андин сўнг яна бир соат ўткунча яхшидур, андин сўнг учламчи соати ҳам ёмондур, андин сўнг то ярим окшомғача яхшидур, андин сўнг то сахарғача ёмондур, сахардин то субҳғача яхшидур, субҳдин то намоз вақтғача ёмондур. Панжшанба окшомининг аввалидин яхшидур то ярим окшомғача, андин сўнг ёмондур то сахарғача, андин сўнг яхшидур то бомдоғғача. Жумаъ окшомининг аввалидин яхшидур то ярим окшомғача, андин сўнг ёмондур то сахарғача, сахардан то субҳғача яхшидур, андин сўнг то бомдоғғача ёмондур. Шанба окшомининг аввалидин ёмондур то ярим окшомғача, андин сўнг яхшидур то сахарғача, андин сўнг ёмондур то субҳғача, андин сўнг яхшидур то охириғача.

Бу фасл саъд ва наҳс кунларни баён килур.

Хаддис Пайғамбарда келибдурким, яқшанба куни бино килмок ва иморат бошламок яхшидур. Не учунким худо таолло етти кат осмонни ва етти кат ерни яқшанба куни ибтидо килди ва яқшанба куни итимомиға еткурди. Душанба куни сафар килмок ва тўю тамошо килмоклик яхшидур, анинг учунким, Расул худо душанба куни оламни вужудға келтурдилар. Сешанба куни хаста сўрамок ва дору ва ихроҷ ва хижомат этмок, таваба ва истиғфор килмокнинг саодатлиг кунидур. Чохоршанба куни соч олдумок ва мўйлаб ва мўйи зерноф ва тирноқ олмок ва фарзандни мактабға бермок ва хат машк этмок ва куръон ўқимокнинг саодатлиг кунидур. Панжшанба куни либос ечмок ва кийим ва либос ювмок ва подшоҳ суҳбатига бормок ва умаро ва фузало хизматиға бормок ва зиёрати мазорат этмакнинг саодатлиг кунидур. Жумаъ куни ҳеч иш килмаслик яхшидур. Андинким жумаъ куни иш килмок харомдур. Магар хотун олмок то намози жумаъғача, андин сўнг яхшидур. Шанба куни ҳеч иш ибтидо килмаслик. Магар шикор килмок яхшидур.

Бу фасл сафар килмок қайси кунда яхши ва қайси кунда ёмон эканин баён килур

Билгилким, шанба куни ва душанба кунчикор тарафиға сафар килмок хатодур. Яқшанба куни ва жумаъ куни кунботар тарафиға сафар килмок хатардур. Сешанба куни ва чохоршанба куни орқа тарафиға сафар килмок хатодур. Панжшанба куни қибла тарафиға сафар килмок хатардур. Андоқким, бу назмдан аён бўлғусидур.

Тарих фанлари номзоди
Ҳайдарбек БОБОВЕКОВ
тадбил килган.

(Давоми бор).



Бундан ўн йиллар муқаддам бир рус кампир билан суҳбатда бўлган эдим. У кинилобдан олдин Туркистонга сургун кинилган социал-демократнинг қизи эди. Бу кампир гап орасида «сиз ўзбеклар ёш миллатсиз, келажак сизларники», деб қолди. Бу фикр шунчалик дафъатан айтилдики, мен бир зум жавоб тополмай қолдим. Чунки мен ўзбек деганини энг қадимий, тарих теранликларидан чиқиб келатган бир миллатнинг энг катта уруғларидан бири деб тушунардим. Албатта, суҳбатдошим менинг бу «хурфот»га мойиллигимни билмас эди ва ўзбекларни ёш миллат деяверсак, у ўзбекларга хуш ёқади деб ўйлади, чамаси. Яъни ёш бўлиш — одамми ёки миллатми — доим яхшидир, деб ўйларди у. Ўзбекининг «ёш»лигини исбот қилувчи «далил»лари ҳам бор эди. Унинг раҳматлик эри Амир Темир қабрини очишда қатнашган экан. Ва бу «диктатор»нинг бош суяги у мансуб бўлган миллат ёшлигини кўрсатибди. Амир Темир ўзбекларни миллат сифатида ilk бор тарих саҳнасига олиб чиққан эмиш. Мен бу кекса аёл билан мунозарага киришмадим. Шунгайм шукр, дедим. Баъзи олимларга ўхшаб, «ўзбек миллати 16 асрда Шайбоний билан бирга дунёга келди», деса, нима қилардим.

Менинг суҳбатдошим оврупацентризм ақидалари билан тарбияланган хоним эди ва ҳазилни тушунмас эди. Агар у кино санъатини тушунганда, мен унга япон ёзувчиси Кавабатанинг шу сўзларини айтган бўлар эдим: «Биз, японлар, маданиятнинг ҳақиқий намуналарини яратган даврда Оврүпа бизни «варварлар» деб атарди. Лекин биз милитаризмга бош қўшиб, уруша бошлаганимиз захоти, у бизни тараққий этган миллатлар қаторида эътироф этди».

Шунақа, баъзан ҳарбий куч сиёсатда маданият ўрнини ҳам босаверади.

Ҳар ҳолда, мен бу кампир билан баҳслашиб ўтирмадим.

Бугун ҳар бир халқ зиёлиси ўз миллатини қадимийроқ қилиб кўрсатишга уринаётган бир пайтда ўша кампирнинг мактови, албатта, менга кулгили кўринди. Лекин мен ўзимни реалист ҳисоблардим ва ўзбекларни «энг қадимий халқ» дея жар солишдан андиша қилардим.

Бизнинг миллатимиз бунга муҳтож ҳам эмас. Зеро, Сизга такдим этилаётган «Турк асотирилари» бизнинг аجدодларимиз — қадимги туркларнинг ҳаёлот, дунёқарши, фалсафасидир. Бундай асотириларга эга бўлган халқ, шубҳасиз, энг қадимий, энг маданиятли халқлардан биридир.

Муҳаммад СОЛИҲ

Қоинотнинг яратилиши
(космогония)

АВВАЛИ

Тарихи эски, катта миллатларда асотирли (мифологик) манбалар жуда мўлдир.

Бой ва кенг тарихи бўлган туркларнинг асотирлари ҳам бу жиҳатдан катта қийматга эга.

Ўтган асрлар давомида: кўп ҳаракатли катта урушлар, бегона маданиятлар ва бегона динлар билан муносабатлар натижаси ўлароқ турк асотирларига бир қатор таъсирлар ўтгандир. Бу таъсирларнинг излари, турк тарихининг барча соҳаларини кўз ўнгидан қочирмаган ҳолда айтиш мумкин: хитойликлар, ҳиндлар ва эронликлар билан муносабатларда бўлган кўктуркларда ва уйғурларда ҳамда тўғри жанубга тушаётиб, араблар билан дучлашиб қолган сумерларда кўринади. Олтойликлар, ёқутлар, ҳатто қирғизлар юқоридагилар билан қиёсланилса, ҳали-ҳануз таъсирлардан ҳолидирлар. Лекин ҳарқалай бу муносабатлар намуналарга бой, манбалари кўп, тангрилари ўзига хос бўлган турк асотирларининг қиёфасини ўзгартира олмагандир.

Бошқа бир қатор миллатларнинг тангрилари ва асотирли мавзулари эса туркларнинг таъсирида шакллангани шак-шубҳасиздир.

Чунончи, сумерларнинг маданият соҳасидаги ворислари ҳисобланган месопотамияликларнинг асотирлари, сумерликларнинг қисман ўзгартирилган нухалари сифатида кўринади.

Тангрилари миллионларга борган ҳинд асотирларида ҳам турк тангриларининг қиёфалари аксланиб туради. Юнон асотирларида ҳам шу нарсани кузатиш мумкин. Турк асотирлари умуминсоний бўлиб, тангриларга қаттиқ боғланган, иккинчи оламга ва у ердаги борлиқларга самимий ишончини сирли қилиб кўрсатади; шунинг билан бирга дostonларда ҳам қаҳрамонлик ва яхшиликни, мардлик ва тўғрилиқни, ҳалоллик ва инсонийликни ифодаловчи кучли бир хусусиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда озми-кўпми асотирли унсурлар учрамайдиган ҳикоя ёки нақли топиш қийин. Аммо шундай катта аҳамиятга эга бўлган турк асотирлари етти қават пардалар остида қолган. Уларнинг ҳаммасини тўплаш осон эмас. Шунга қарамай келажак авлодлар олдидаги қарзимизни узиш баҳонасида асотирларнинг бир қисмини йиғиб, нашр этишга азм қилдик.

Турк космогониясида, дунё деб аталмиш оламнинг қандай бичим олгани борасида жуда муфассал тўхтанилган. Кўклар ва кўклар олами ичида куёш, ой, юлдузлар сингари тангрисал (илохий) кудратларнинг ҳам яратилишлари оид турли ходисалар кўрсатилган, ҳар хил нуктаи назарлар келтирилган.

Бу буюк оламларнинг яратилишлари борасидаги бир сумер афсонасига қаралса, Оп-су деган ичимли сув билан Тиамат деган шўр сув тимсоли — урғочи бир девдан кўклар ва ерлар бунёд бўлгани, ундан кейин кўк тангриси Ону, ҳаво тангриси Энлил, денгиз тангриси Эо (Энки)нинг яратилгани, бу уч тангрининг ҳам куёшни, ойни, юлдузларни яратганлиги кўзга ташланади.

Бошқа бир афсонага кўра эса, Қора Хон (Қойра Хон) сувларни, дунёни, инсонни яратгандан кейин ўн етти қават кўкни яратгандир.

Асли сумерлардан келган «Энума Элис» дostonида кўрилганига ва келдонликларнинг изоҳлашларига кўра, катта тангри Мардук, Тиаматни туттирган, вужудини иккига бўлиб, бир бўлагини юқорига отган, бундан кўклар, иккинчи бўлагини эса пастга отган, бундан Ерлар пайдо бўлган.

Умуман, туркларнинг яратилиш афсоналари, бегоналарнинг космогониялари билан кўшилиб кетгани кузатилади.

БИР НЕЧА ЯРАТИЛИШ
АФСОНАСИ

Қуйидаги афсонага кўра, дунёда сувдан бошқа ҳеч нима йўқлигида катта тангри Қора Хон даставвал инсонни яратгандир.

АФСОНА: I

Авваллари ёлғиз катта тангри Қора Хон мавжуд бўлган. Қора Хоннинг қаршисида сувдан бошқа бирон нарса йўқ эди. Қора Хон илк инсонни яратди, аммо бу инсон хийлачи ва хонин эди. Сувлар узра уча бошлади. Сўнгра Қора Хон унинг яшаши учун сувларнинг тубидан бир юлдуз чикарди, инсонга юлдуздан бир ховуч тупроқ олиши, бунинг сувга сепиши лозимлигини билдирди. Инсон юлдуздан бир ховуч тупроқ олди. Яна бир ховуч яширинча ўзи учун айирди-да, оғзида сақлади.

Қора Хоннинг амри билан инсон тупроқни сув устига сепди. Бу тупроқ улканлашиб орол бўлди. Иккинчи томондан инсон даҳанидаги тупроқ ҳам катталаша-катталаша оғзига сиғмай бошлади, оғзи ёрилар ҳолатига келди. Қора Хон бунинг сизди, унга: «Тупур!» деди. У тупурди. Бундан тоғлар пайдо бўлди.

Қора Хон бу оролга бир қайрағоч экди. Бу қайрағочнинг тўққиз шохи бор эди.

Шундан кейин Қора Хон уларни ўз ҳолига қўйди. Юкорида ўн етти қават кўкни яратди. Ўн еттинчи қаватда ўзи, ўн олтинчи қаватда ўғли Улген ўтирди. Ер остида яратган оламида ҳам бошқа бир ўғли Эрликни ўтказди.

Мана бу Олтой афсонасида ҳам катта тангри ва сувлар тилга олинади. Бунда сувдан бошқа, ҳар нарсадан аввал бир ок қуғу қуши кузатилади. Қуғу узун тумшуги ила сувларнинг остидан чиқарган тупроғни сувларнинг устига сепеди ва ундан китъбалар пайдо бўлади.

АФСОНА: II

Авваллари ёлғиз катта тангри ила биргина сув бор эди. Тангри сувга бир ок қуғу қушини жўнати, бир оғиз тўла тупрок келтиришни буюрди. Қуғу қуши сувга чўмди, сувнинг тубига инди. У ердан тупрок олди. Қуғу сувнинг устига чиқиб, тупрокни сочди. Булар туз бўлиб сувларга тушди. Бу тузлар улканлашиб ёйилди. Тупроқлар пайдо бўлди. Бу тупроқлар кўрик бир майдон ҳолида эди. Тангри бу асно иккинчи бир қуғу қушини юборди. У бориб тупрокни чўкилади. Бундан тоғлар, тепалик ва жарликлар ҳосил бўлди. Бу ернинг устида бирон ўсимлик йўқ эди. Бу хол шайтонга ёкмади. Шайтон ботқоқликлар-ла ўрмонни яратди.

Қуйидаги афсонага кўра, ичимлик ва шўр сув ҳар томонни қоплаб олган. Ичимли сувнинг оти — Оп-су, шўр сувнинг оти — Тиамат. Тиамат урғочи дев сифатида шахслантирилган. Тиамат, кейинроқ эркак дев — Кинго билан оила курди. Сўнгра туғилишлар ва можаролар давом этди.

АФСОНА: III

Тиамат деган девнинг Кинго деган иккинчи эри бор эди. Улардан ҳадсиз-ҳисобсиз ифритлар (шайтончалар), жинлар тарқади. Яхшиликсевар Оп-су (Тиаматнинг биринчи эри) тангрлари ҳам орғиб, одамларни кўпайтирди. Тиаматнинг олами торайди. Ўз мулкнинг бу кетишда тамом бўлишига кўзи етган Тиамат, чора сифатида Оп-сулар билан уришишга отланди. Эрини кўмондан қилиб, бутун ифритларни унга берди. Оп-су тангрларидан Оншхор ила Эо улардан енгилиб қочдилар.

Тагин кўп келдонликлар томонидан тартибланган «Энума Элис» дostonидаги машхур афсонага кўра, бутун тангрлар Эонинг ўғли Мардукни бош қилиб сайлаганлар. У ҳам пўртаналарни, шамолларни, юлдузлар каби кучларни ўзига аскар қилиб олди. Сўнгра яна бир тўр тайёрлатди, Тиаматни шу тўрга туширди, яралади. Бутун тангрлар ҳузурда вужудини иккига бўлиб, бир бўлагини юкори ирғитди — ундан кўклар, бошқасини пастга ирғитди — ундан ҳам ерлар яратилди ва бу олам ана шундай майдонга келди. (I).

Мана бу афсонада ҳам фазовий оламдан олдин Оп-су ила Тиаматдан Мумму деган кимлиги номаълум ва ажойиб бир кудрат дунёга келди. Ундан эса бир урғочи, бир эркак икки катта илон туғилди. Бу илонларнинг уйланишидан кўклар, ерлар яралди.

АФСОНА: IV

Фазовий оламдан олдин Мумму дунёга келди. Ундан Лакхму деган бир эркак ва Лакхаму деган

бир урғочи илон пайдо бўлди. Бу илонлардан Оншхор деган осмон ила Кисхор деган ер бунёд бўлди.

Буддойи уйғурларига кўра, дунёнинг яратилиши мана бундай:

АФСОНА: V

Уфқнинг супрасида тўпланилган пайтда Ю Дадшоб Деро номи берилган бир днода шундай дейилган:

«Дунё қандай яратилди?» — тўрт тарафда тўрт кўк устунни яратилди.

Биринчи бўлиб Рендулк устунни яратилди. Иккинчи бўлиб Нодулк, тўртинчи бўлиб Дондулк устунни яратилди».

Бу афсоналарнинг биринчисида илк борлик бўлиб сувлардан кейин инсон, иккинчисида Қуғу қуши, учинчисида сув оламини тамсил этган Оп-су ила Тиаматдан сўнгра девлар, ифрийлар, жинлар яралгани ишшо этилади. Тўртинчисида сувлардан баҳс этилмайди, бешинчи афсонада эса ёлғиз дунёнинг яратилиши ифодаланadi.

(I) Шунга ўхшаб кетадиган Олмон афсоналарига кўра, дунёнинг яратилишида Йимир деган бир дев туғилганди. Уни тангрлар ўлдирдилар. Этагидан ер, қонидан денгиз, суякларидан тоғлар, сочларидан ўрмонлар, бош, бошсуягининг қопқоғидан кўк тоқини яратганлар.

Ҳиндларнинг турли яратилиш афсоналаридан бири ҳам яна шунга ўхшашдир: тангрлар қурбонликка ўлдирган илк инсон — Прусханинг бошидан самолар, оёқларидан эса ерлар пайдо бўлгандир.

* * *

Яқин Шарқдан бизгача етиб келган афсонада яна сув асосий ўринни эгаллайди. Бу афсонанинг манзарасида шундай тасвирлар ишшо этилади:

ДУНЁ, ХЎКИЗ, ТОШ, БАЛИҚ, СУВ ВА ҲАВО

Дунё катта ва қизил бир хўкизнинг бир шоҳида туради. Ўша шоҳи чарчаганда, хўкиз дунёни бошқа шоҳига отади, кенг дунё чайқалади ва уни ер қимирлаши дейилади.

Бу хўкиз бир тошнинг устида, тош бир балиқнинг сиртида, балиқ сувда, сув эса ҳаводадир.

Бу хўкизга: Гови замин, Саври Аҳмар ва Бехмут каби отлар берилгандир.

*Миразиз АЪЗАМ
ўзбекчалаштирган*

(Давоми бор).



Гузэл Мақсудова

ЭВРИЛИШ

Ҷаннатнинг
ҳижоя



Кимдир кассетани айлантриб қўйди, шу ондаёқ равои, мулоим мусика ўрнига ногоралар гумбурлади, гитаралар нафис пардаларда инграи бошлади, ашулачи тушунарсиз бир тилда бакира кетди. У ана шу ёкимсиз шовкин-сурондан уйғониб кетди-да, бош остига қўйган қўлларини зўрга йиғштириб олди ва қайдалигини идрок этолмай анча вақт ётди. Нимкоронгуликда бир нимани разм солиб илғаш мушкул эди. Вақт ярим кечадан оккан, зиёфат ҳам охирлаганди. Дастурхон атрофи файзсиз; биров ерда чўзилиб ётар, кимдир деворга тирсак тираб ўтирар, яна бошқаси ўриндикда ухлаб колганди. Дастурхонда ифлос идиш-товоклар ва саркитлар уюлиб кетганди, бўш, чала ичилган шишалар, искирт қадахлар калашиб ётарди. Тутун пардасидан хонадаги ҳеч нарсани деярли қўриб бўлмасди: фақат қайсидир кунжакда ноаник шарпалар мусика оҳангига монанд чайқалиб юарди. Ҳеч ким нима сабабдан зиёфат бошланганини эслолмасди, ҳатто қандай аҳволга тушиб қолишганини ҳам тасаввур қилишолмасди. Ҳақиқий ҳаёт, чамаси, хонадан ташқарида ҳукм сурарди, бу ерда эса вақт тўхтаб колганди; нарсалар ҳам, одамлар ҳам замонсиз маконда муаллақ туриб колганди. Унинг бўйни бошини ортик тутиб туролмади, у эндигина бошини яна қўлларига қўя бошлаганди, қулоғига қандайдир таниш товуш эшитилди:

— «Сью! Хой, Сью!»

У ўзининг қакирилаётганини англаб етгунча, уч харф нимани англатаркин, деб узок ўйлаб ётди. Хонадаги зулмат қўйнидан бир шарпа сузиб кичди.

— «Кел ичамиз, Сью»,— деди у.

У шарпани жеркиб нарига чекинтиромқчи эди, лекин тили танглайга ёпишиб колгандек айланмади. Шарпа бу вақтда қадахларни тўлдирди. Унинг иродасига қарши ўларок қўллари ўз-ўзидан қадахни тутди-да, оғзига олиб борди. Ароқ унинг томоғини куйдирди, қизил ўнғачдан ўтиб, ошқозонини ловуллата бошлади. Фикри бироз ойдинлашди, тили танглайдан ажралди, лекин бари бир хали ҳам унинг эркига бўйсунмасди. У бошини бирданига кўтарди, ногаҳон ҳамма нарса айлана бошлади, хона тезлашгандан тезлашиб чирпирак бўлиб кетди; назарида ҳамма нарса ҳозир бир нуктага қўшилиб, яхлит бир бўлакка айланадигандек туюлди. У азбаройи қўрққанидан кўзларини шундай каттик юмиб олдики, қаршисида ёркин доирачалар пайдо бўлди. Кўзларини очганида хона айланмас, ҳаводан бошқа ҳамма нарса қандай бўлса шундай эди. Ҳаво қаёққадир ғойиб бўлган, унинг ўрнига хона

бўшлик билан тўлганди, қизнинг нафаси сиқила бошлади. Ўрнидан зўрга қўпиб гандираклаганча, ҳаммаёғидан совук тер қуюлиб, худди қора туйнук сингари очилиб турган эшикка қараб юрди. Қанчалар синчиклаб қарамасин, у ҳеч нарсани кўра олмади: эшик орти мутлако зимзиё эди. Гарчи шундай бўлса-да, у остонадан хатлаб ўтди... оёғи ерга тегмади. У ўша тим коронгуликда ўз танасини сезмасдан бенихоя узок йиқилди. Балки у йўқур, балки унинг руҳи вужудидан ажралиб, янги қобик ахтариб дарбадар кезиб юргандир. Бирдан у қулашдан тўхтади. У бўшликка осилиб колди, унинг тағида эса қўп иромқли ярқираган дарё нурланиб окарди. Унинг ёнига митти юлдузча учиб келди.

— «Сен кимсан?» — сўради Сью.

— «Мен йўлбошчиман,— жавоб берди юлдузча,— мен жонларни дарёга кузатиб бораман, у ерда улар янги вужуд топадилар ва ўзларининг янги ҳаётига қайтадилар».

— «Нега мени инсоний қиёфадан маҳрум қилдилар?» — шикоятмуз сўради Сью.

— «Биласанми,— сўз бошлади юлдузча,— оламда ҳамма нарса мувозанатда бўлиши керак. Инсон гуноҳкор, айни маҳалда инсон олижаноб ҳам. Агар тарозининг бир палласини гуноҳ босиб кетса, унда жон инсонни ташлаб кетади ва ўз даражасига яраша янги қобик топиб олади. Жон қанча осий бўлса, вужуд шунча тубан бўлади».

— «Нахотки мен энди қайта одам бўлолмайман?» — даҳшатга тағди сўради Сьюнинг жони. Унга жавобан йўлбошловчиси деди:

— «Сен бир қанча эврилишларни бошингдан кечирасан, агар шу синовларда ўз инсонийлигингни исбот қилолсанг, яна ўз қиёфангга қайтасан. Ҳозир менинг орқамдан юр. Мен сени дарёга олиб бораман; у ерда ҳамма нарса тасодифга боғлиқ, оқим сени қаёққа йўллайдди, ким билсин...»

У оқиб кетди... Унчалик узок сузмади, оқим уни тўсатдан четга олиб кета бошлади ва бирдан дарё поёнига етиб, тугаб колди. У яна фазовий бўшликка йиқилаётганини сезди. Ниҳоят, оёғи қаттик ерга тегди: Ҳа, у шубҳасиз ерда турарди, у бўшлик хокимлигидан қутилди. Лекин қаерга келиб қолдйкин-а, ўзи? Атрофда қандайдир ғалати улкан нарсалар устма-уст уюлиб ётарди. Ногоҳ ёнгинасида нимадир гимирлади, лаҳза ўтмай унинг рўпарасида улкан малла суварак пайдо бўлди. У даҳшатдан қотиб қолди, бироқ суварак уни мўйлабчалари билан сийпалаб қўйди ва дўстона оҳангда бир нималар деб минғирлади. Шунда Сью ўзига қараб, даҳшат ва умилсизликдан титраб кетди. Унинг сербўғим ва унча

ўсик бўлмаган туклар билан копланган икки жуфт оёғи бор эди; бошида узун қили бўлиб, елкасини қаттиқ канотлар қоплаб олганди; гавдаси эса кўкрак ва кориндан иборат бўлиб қолганди. Бошида доим бир фикр гужғон ўйнардди. «Овқат, овқат, қаердан егулик топсам бўларкин...» Вақтини бирон лукма излаб, ҳамиша ховлидаги ахлатхонада ўтказарди. Бу осон юмуш эмас эди. Ахлат тагида қолиб кетиш ёки қандайдир йирикрок жониворга емиш бўлиш хавфидан чўчиб, барча ёриқларга пусиб кириб оларди. У бир четда яшар, ҳеч ким билан мулоқот қилмасди. Бу узок, бенихоя узок давом этди, балки унга шундай туюлгандир, чунки у вақт мезонини белгилай олмасди.

Бир куни у изғирин совукдан уйғониб кетди. Осмондан устига оппоқ қор паға-паға бўлиб тушар, ундан ажал хиди келарди. Ахлатхонада яшаш жуда оғирлашиб кетди. Қўшниси малла суварак: «Одамлар яшайдиган ерга яқинроқ бор, одамлар бор ерда емиш ҳам, ҳарорат ҳам бўлади», деб қолди. Одамлар сари элтадиган йўл олис эди, лекин ҳар ҳолда улар йўлни босиб ўтишди. Йўлда совукдан малланинг деярли бутун авлоди кирилиб битди. Улар етиб келган жой улкан кўп қаватли уйнинг ахлат қувури эди. Бу ер иссик, егулик ҳам мўл-кўл эди. Аммо ичкари киришлари биланок уларни бақалок, баҳайбат ва бақувват қоп-қора сувараклар ўраб олишди.

— «Даф бўлларинг бу ердан! — деди бамайлихотирлик билан уларнинг сардори, — бу ер бизнинг маконимиз».

Сью яна бошка жойга кўчиб ўтишга бардош бера олмасликларига ақли етиб турарди. Аммо ҳеч қанака унатишлари илтижолар уларга қор қилмади. Қоралар доираси икки шўрликни тобора қисиб келарди.

— «Олишамиз!» — шипшиди малла. Шиддат билан улар қора аскарлар сафига ташланишди, ёриб ўтишларига сал қолганда, туйқусдан Сью миттигина малла суваракчани катта суварак тагига босиб олиб, кўрқинчли жағларини катта очганини пайқаб қолди. Сью унга ташланди, зўр бериб пихллади, аммо кечиккан эди. Охириги лахзада кўргани сардорнинг катта очилган даҳшатли жағлари бўлди. Малла ва унинг кичкинтойини эса қандай тилка-пора қилишганини илғамади.

Яна чексиз туюлган қулаш, яна тақдир дарёси уни оқими бўйлаб олиб кетди. Бу гал уни нималар кутаяпти экан? Тағин тубсизлик... аммо бу нима ўзи? Ахир, у ерда эмас, денгизда-ку! Ҳаёт қайнаб тошган, камалакнинг ҳамма ранги мужассам сув қаърига қулаш нақадар ёқимли! Энди у ҳаёти денгиз тубида бир хил кечадиган икки тавақали кўркам чиғанок шамойилини олган эди. Унинг машғулотни тепаси ва атрофидаги гўзал оламни фақат кузатишдан иборат эди. Тасмасимон йўсинлар оқим маромига мос чиройли чайқалишади; маржон ўрмонлари қилт этмайди, онда-сонда мармар шохларини тебратиб кўяди, холос. Сон-саноксиз майда ялтирок баллиқчалар хўрак излаб, ҳали у ён, ҳали бу ён сузади. Йирикрок уруғдоши рўпара келиб қолгудек бўлса, бир зумдаёқ тумтарақай сочилиб кетади. Чиғанок бўлса ўз найчасидан сув ҳайдаб, хотиржам қузатарди. Лекин бир сафар сув билан бирга қум донасини, кичкинагина нотекис шаффоф заррачани ютиб юборди, у териси қатларига ўралиб қолди. Дастлаб у худди зирапчадек ҳалал берди, кейин эса унга кўникиб кетди ва шаффоф заррачани авайлаб, ардоқлай бошлади. Бора-бора шаффоф заррачанинг сескирралаи, нотекис томонлари силлиқланди, аста-секин у ажойиб марварид донасига айланди.



Сув тубидаги ҳаёт эса ўз мароми билан кечарди. Чиғанок неча бор хўрак ва жой талашиб, қонли жангларнинг шохиди бўлди, ҳар сафар ўз марваридига қараб дунё кайғуларини унутди: марварид унинг ягона юпачни эди. Мабодо қулардан бир қун қандайдир қуч уни ушлаганча тепага олиб чиқмаганида, бу ҳол умр бўйи давом этиши мумкин эди. Улар — марварид изловчилар эди, албатта. Зарб билан урилган пичок тиги унинг танасини дабдала қилди, марваридини эса олиб қўйишди. Энг азиз, энг гўзал, бутун умрини бахшида этган нарсасини тортиб олиб, уни ярадор ҳолида денгизга улоқтиришди. Энди унга нима зарур? Чиғанок денгиз тубида то ириб, лойқаларга қоришиб кетгунча, чала ўликдай азобланиб узок ётди.

Яна жони тақдир дарёсида суза бошлади: Сью ўша-ўшаю сал-пал ўзгарган, холос. Бурилишдан кейин яна йўқликка қулади. Яна юмшоқкина чайқалаётган сув, яна денгиз... Ҳали инсон тамом илғаб етолмаган ажиб талаён. Шамолдек олиб сув бағрини ёриш, ёлдор тўқинларни тилқалаш нақадар гаштли! Дўлфинлар тўдаси насл қолдириш учун Жанубнинг илик сувларига қараб сузарди. Тўдани кекса, тажрибали Етакбоши бошлаб борарди. Денгизда истикомат қилувчиларнинг биронтаси дўлфинларга ҳалал бермасди, улар ҳамма билан тил топишганди ва ҳаммани тушунардилар. Уммоннинг жанубий ороллари дўлфинларнинг хуш кўрган жойлари эди: озиқ-овқат мўл, сувда ҳам, қуруқликда ҳам осойишталик — бундан ортиги бўлмайди! Орқалари ва киррадор сузгичлари дам сув юзига чиқар, дам сувга кўмиларди; тўда жануб сувларида сузиб борарди. Сью ёш ва фўр дўлфинлар қаторида тўда ўртасида сузарди, лекин у Етакбоши юбораётган хабарларни эшитиб, хис қиларди. Орқалари гоҳ сув юзасида кўриниб қоларди, гоҳ яна чўмиб кетарди; тўда мўлжалга яқинлашиб қолганди. Лекин бу нимаси? Сувнинг тебраниши уларга бу ерларга хос бўлмаган аллақандай ғалати товушларни олиб келарди. Зарб, яна зарб... Етакбоши тўхташни буюрди. Сал олға сузиб бориб, у бор қучи билан гавдасини сув юзасига олди; сув узра бир пасгина бўлди, лекин кўрганлари уни хайратга солди. Гуллаган таниш орол ўрнида харобалардан тугун бурқисиб ётарди. Оролдан сал нарида, худди сувга ирғитилган қоя бўлагига ўхшаш улкан маъдан кема

турарди. Етакбоши қари ва кўпни кўрган эди. У кўрган манзара инсонлар тилида «уруш» деб аталишини ва уруш бўлган жойлар узоқ вақтларгача яшашга яроқсизлигини ҳам биларди. Ақлли, сулҳпарвар дўлфинлар инсон руҳиятини англаб етолмасдилар: битта ақлу идрокда қай тарика олижаноблик ва макр, тирик жонзотларга муҳаббат ва беҳад вайроналик келтирувчи қудрат уйғунлаша оларкин?! Йўқ, буни тушуниш душвор эди. Қари Етакбоши, дўлфинлар одамларнинг бир-бирларини ўлдиришларига қаршилик кўрсатолмасликларини биларди, бундан унинг юраги баттар ўртаниб кетди. Бу ерлардан тезроқ кетиш, қачонлардир тинч ва сокин бўлган сувни тарк этиш керак эди, лекин Етакбоши буйрук беришга улгурмади; унганча дўлфинлар тўдаси яқинига катта снаряд келиб тушди. Кучли тўлкинлар уларни ҳар тарафга иткитиб ташлади. Сью тўда турган жойдан анча олисга бориб тушганди; у қаердалигини ҳеч англаб етолмасди, ғайри ихтиёрий ички турткиларига жавоб йўқ эди. Бир неча газга ирғиб тушди-да, атрофга қаради ва бирдан у бор кучи билан бир парча тахтага амаллаб ёпишиб олган ярим яланғоч одамни кўриб қолди. Ҳатто шу одам ўзининг котили бўлиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмасдан у томон сузиб келди. Чунки дўлфинларнинг қатъий қонуни: «фалокатга йўлиққан ҳар бир жонзотга ёрдам бериш шарт» эди-да! Одамнинг кўли тахтадан сирғалиб кетиб, чўка бошлади, лекин Сью уни тутиб қолишга улгурди. Уни, одамларини пайқаб қолган улкан маъдан қояга қараб судради. Кемадаги одамлар ҳам орқаси билан бир одамни нафаси қайтишига йўл қўймасдан турткилаб келаётган дўлфинни кўришди. Бу одамлар унга ўхшаганларнинг юзлабини ўлдиришганди, бунисини эса денгизда дўлфинча билан бирга йўқ қилишади, ҳимоячи топилганини қаранг-а! Сью нишонга олишганларини билмасди. Уқ сираям қутилмаганда янгради, тева-ракдаги сув одам қони билан илди. Сью ҳеч нарсанга тушунмади, унинг юрагида норозилик тўлкини кўзгалди. Буткул кучини йиғиб, одамларни яхшироқ кўрмоқ, уларнинг бир-бирини ўлдиришларига нима туртки берганию нима мажбур қилганини билмоқ учун сувдан тепага сапчиди ва ҳавода бир нафас муаллақ туриб қолди. Яна бир ўқ овози янгради. Сувга келиб урилган Сью ҳеч нарсани ҳис этмади: сўнги лаҳзада кўргани — катта тезликда узоқ жанубга қараб кетаётган таниш сузгичлар бўлди, холос.

Яна чексиз қулашлар, яна бокийлик дарёси унинг жонини олиб кетди, энди Сью ким бўлса-да, ўшанга эврилишини истарди. Лекин фақат инсон эмас! Ким бўлса унга бари бир! Фақат инсонга эврилмаса бас! Дарё қайрилди, йўқликка қулади ва...

У ётганча, осмонда кўрғошинранг булутларнинг охишта сузишига нигоҳ ташларди. Ҳа, бу — осмон, сув сатҳи эмас, албатта. Атрофда ниҳоллар ўсиб ётибди. У тонги шудрингдан ҳўл бўлган майсалар устида ётганини ҳис этди. Кўнгли сезган ноҳушлиқдан юраги сикилди. У машаққат билан салгина қаддини ростлади, ўзига қараб даҳшатга тушди: у инсон қиёфасида эди!..

— Нега? — зорланди Сью. — Нахотки чеккан азобларим кам бўлса? Нахотки гуноҳларим юки шунчалар оғир бўлса? Нахотки мангу укубат чексам?

У зўрға оёкка қалқиб, боши оққан томонга йўл олди. Ҳадемай дарахтлар орқада қолди, у тош йўлга чикди ва битта-битта қадам ташлаб жўнади. Атроф жуда тунд эди. Кўрғошин булутлар кўкда худди қалин девордек сузарди. Олисда шахар, тўғрироғи, қорхонанинг улкан тутун мў-



рилари кўзга яққол ташланди: шаҳарнинг ўзи эса хаворанг ва кулранг доғга ўхшаб кўринарди...

Ногахон шундоқ ёнгинасида кўнғирок овози эшитилди: баралла ва бир маромда янграб, тева-рак-атрофга жон ато этди. Кўрғошин булутлар таркалиб кетди ва кўёш нурлари бутун борликка таралди. Ибодатхона гумбазлари ёрқин жонланди, дарахтлардаги қушлар қувнок сайраб юборишди, ўтлоқлар камалак рангида мавжланди, олисдан эса гўзал шаҳар худди жавоҳир янглиғ товланарди. Сўянинг калбидаги ўй-хаёллари остин-устун бўлиб кетди. Унинг яшагиси, узок яшагиси келарди, бутун умр ёвузликка қарши курашгиси, ўзидаги ва ўзгалардаги ёвузликни ситиб чикаргиси келарди. У Инсонга ишонди ва шахдам олға босди. Мана, унинг қад-қомати борган сари кичраётган борди, бир лаҳзадан сўнг кўздан йўқолди, ҳаётга қоршиб кетди. Жон эса ниҳоят саргардонликка чек қўйиб, ҳаловат топди. Лекин бу узок давом этармикин?

Хона нимқоронғи эди: тунги чирокнинг хира нури икки киши — йигит ва қизнинг юзини ёри-тарди.

— «Тамом, — деди қиз, — қалай, ёқдим?»

— «Сен нуқул хаёлпараст бўлгансан. Яхшиси, бирор ҳаётгий, дилни китикловчи асар ёзсанг яхши бўларди. Гарчи сен ҳаётни теран билмасанг, койил қилиб ёзолмасанг ҳам...»

— «Сен эса уни жуда яхши биласан. Сен хатто орзу қилишни ҳам унутгансан, ўтмиш ҳақида ҳам, келажак ҳақида ҳам ўйламайсан, фақат бугунги кун билан яшайсан, холос.»

— «Ишинг бўлмасин, — деди йигит хотиржамлик билан, — қандай хоҳласам шундай яшайман, барига тупурдим. Кел, қўй, бўлмағур нарсаларни деб сан-манга бормаёлик. Ёзинг келса — ёзавер, дилингни хушла, дардингни қоғозга тушириб, юрагингни бўшат, хаёл суриб, орзу қил, мен эса бошқа фаолроқ, нақдрок нарса билан шуғулланаман. Негадир дим бўлиб кетди. — Йигит шундай деб хона эшигини ланг очди. — Е тавба, зулматни қара-я.»

Эшик ўрни худди жаҳаннам сингари тубсиз бўлиб кўринарди. Қанчалар тикилиб қарамасин, у ҳеч нарсани илғай олмади: эшик орти зим-зиё эди. У бари бир оёғини оstonадан нарига босиб кўрди. Юраги шув этиб тагига чўкиб кетди, баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Оёғини оstonадан ичкари олиб, ортига ўгирилди: ўша хона, ўша манзара, ҳамма нарса ўша-ўшаю... аини пайтда нимадир ўзгариб қолгандек эди. Лекин ўша «нимадир» нима ўзи? Балки унинг ўзи ўзгариб, салпал бошқача бўлиб қолгандир. «Бўлмағур хаёллар... асаблари адоий тамом бўлибди, — ўйлади йигит, — нега кўрқдим ўзи?.. Бугун Майклиннинг хузурига боришим керак, унда ҳамиша ичишга ўткирроғидан топилади». У яна ўзида чидаб бўлмас диккинафасликни туйди. Совуқ тер босганча, яна эшик сари ўгирилди. Эшик қоп-қоронғу эди, у шунга қарамай, оstonадан ҳатлаб ўтди ва... оёқлари остида ҳеч қандай таянччи сезмади.

Мутаржим Темур УБАЙДУЛЛО

«ОДАМ АТО БИЛАН МОМО ҲАВОНИНГ ҲИССИЁТИ МЕНГА ТАНИШДИР»

*(Америкалик астронавт
Жеймс Ирвин билан суҳбат)*

— Бошқа одамларга нисбатан Сиз коинот билан яқинроқ танишсиз. Биз яшаб турган дунё ва коинот Худо томонидан яратилганига ишонасизми?

— Ойга учишим бутун олам шубҳасиз Худо томонидан яратилгани ҳақидаги ишончимни мустаҳкамлади.

— Бошқа астронавтлар ҳам диндорми?

— Жуда кўпчилиги. Гап шундаки, фазога учиш вақтида ҳар бир астронавт ўзида тамоман кучли руҳий юксалишни ҳис қилади. Бу кучли ҳаяжонланиш худого яқинлиқни ҳис этишининг муҳим белгисидир. Кўпгина астронавтлар Ойга қилган сафарларидан сўнг ўз ҳаётларини тубдан ўзгартирдилар. Масалан, «Апполон-15» фазо кемасида мен билан учган Уорден ва фазойий тажрибахонада «Скайлаб» дастурини яқунлаган Поцк ҳам «Юсак парвоз» деб аталмиш ташкилотимизга аъзо бўлиб, воизлик фаолияти-ла машғулдилар. Шунга айтишим керакки, фазогирларнинг 70 фоизи диндор насроний (христиён)лардир.

Энди мен Ойнинг Ерга мутлақо: на табиий хусусияти, на маънавий жиҳатдан ўхшамаслигини биламан. Бу билан мен Ой Худого яқин демоқчимасман. Аммо Одам Ато ва Момо Ҳавонинг Ердаги биринчи ва ягона одамлар бўлганларидаги ҳиссиётлари энди менга яхши таниш. Чунки Худого яқинликнинг ғаройиб ҳиссиётини биз Ой сатҳида жуда аниқ сездик.

— Рафиқангиз ва фарзандларингиз ҳам диндорми? Маълум бўлишича, бешта фарзандингиз бор экан.

— Ҳа. Уларнинг ҳаммаси диндор. Кичик ўғлим асранди. У — вьетнамлик. Биз билан яшай бошлаганида, у Буддага сиғинарди. Уни одатда черковга ўзимиз билан бирга олиб борардик. Утган йилнинг охирида, у «мен насроний бўлмоқчиман», деди.

Биз уни жамиятимизга қабул қилдик. Мен ўғлимни чўқинтириш бахтига муяссар бўлдим.

— Маълум бўлишича, Сиз астронавтликдан воз кечибсиз. Нега?

— Биласизми, Ойга учиш — катта шахсий муваффақият, албатта. Аммо биз қиладиган энг катта иш одамлар қалбини ўзгартиришга кўмаклашидир. Зеро, Ер деб аталмиш сайёрамиз муаммолари калити — инсонлар қалбидадир.

«Светдиенас ритс»



БАШОРАТ ҚИЛАМАН, ИШОНАСИЗМИ?

— Оламда нима гап, Гулчехра опа? — сўради кунларнинг бирида таникли теле-мухбирлардан бири.

— Оламдами?... — Гулчехра опа шундай деб журналист йигитга разм солиб турди-да, зум ўтмай жавоб қайтарди:

— Эҳтиёт бўлишингизга тўғри келади, ука, сизда хатар бор.

Сухбат унутилди, орадан икки ойлар чамаси ўтди ва шу йил Наврўз арафасида халиги журналист бораётган автомобиль катта тезликда бошқа мошин билан тўқнашиб кетди...

Тошкент — Фарғона манзили бўйича учадиган тайёрага йўловчилар чиккан, ҳамма жойлашиб ўтирибди. Эшиклар ёпилган, ҳадемай тайёра жойидан жилди. Йўловчилар қаторида ўтирган Гулчехра опа ёнидан ўтиб бораётган йўл кузатувчиси — ёшгина кизни тўхтатди:

— Эшикни очинг, мен учмайман, қоламан!

Йўл кузатувчисининг хайратдан кўзлари олайди:

— Нималар деяпсиз? Зина олиб кўйилган, тушиш мумкин эмас!

— Нега мумкин эмас экан? Ахир, тайёраларнинг учмайди-ку бари бир, — деди бамайлихотир Гулчехра опа.

Қиз дам елкасини кисиб, дам ён-атрофдагиларга бошини сараклатиб қаради-да, нари кетди. Фурсатлар ўтаверди, лекин тайёра турган жойидан жилмади. Ниҳоят, учувчилардан бири чиқиб йўловчиларга мурожаат қилди:

— Кечирасизлар, айрим техник сабабларга кўра тайёрамизнинг учуши кечиктирилади. Хозирча тайёрагоҳнинг дам олиш хонасида кутиб туришингларга тўғри келади...

Табиий, саволлар туғилади: қандай ходисалар хусусида сўз бораяпти? Гулчехра опанинг ўзи ким? Воқеалар қачон бўлиб ўтган? Яна битта ғайритабиий хислат эгаси кашф қилинаяптими?..

Тўғриси, Гулчехра опа билан суҳбатлашиб ўтирибман-у, кўнглимни шубҳа-гумонлар тарк этмасди. Башорат қилувчи фолбинлар, йўқолган буюмларни топиб берувчи ромчилар, оиласидан уриш-жанжал аримайдиган эр-хотинларни бир-бирига «иситиб» кўювчилар ҳақидаги узункулоқ миш-мишларни ким эшитмаган дейсиз! Лекин мен суҳбатдошининг ҳали ёслатилган ҳикояларини ва яна бошқа кўплаб «кечмиш»ларини юз берган воқеа сифатида тинглашга ҳаракат қилдим. Шубҳам кучайган ўринларда эса

кўнглимдагини яширмадим: «Ишонинг кийин-ку, опа», деб исбот талаб қилдим. Бу ёғини, яхшиси, опанинг ўзи ҳикоя қилгани маъқул:

— Асли навоийликман. Болалигимдан содир бўладиган воқеа-ходисаларни анча илгаридан сезардим. Лекин бунга айтарили эътибор қилмаганман. 1983 йилнинг кишида шамоллаб, оғир бетоб бўлиб қолдим. Қасалхонада икки ой даволандим — нафи бўлмади. Қасалману қасалга ўхшайман. Ҳароратим кўтарилиб ётган кунларим алоғ-чалоғ тушлар кўрардим. Шунда тепамга кўплаб эркак кишилар келиб, мени гапга солаётганини сездим. Баъзан хонанинг ичи тўлиб кетар, уларнинг қайси бири нима деяётганини фаҳмлай олмасдим. Тушиммиди-ўнгиммиди, нима бўлди-ю, хаёлан осмону фалакка кўтарилиб кетдим. Кўтарилавердим-кўтарилавердим, ниҳоят, осмоннинг дунёга ёруғлик берадиган қатламига чикдим: ям-яшил дарахтлар, мевалар, сайроки қушлар. Атроф шунақанги топтоза, покизаки, тасвирлашга тил ожизлик қилади.

Кейин тузалиб кетдим, тузалдим у баяги ҳузуримга ташриф буюрадиган кишиларнинг келиб-кетиши, менга ғойибдан хабарлар етказиши тўхтамади, аксинча, кўпайди. Ўша-ўша бўлажак кўнгилсиз ходисаларнинг олдиндан менга хабари етиб келадиган бўлиб қолди. Мақсадим битта, у ҳам бўлса, одамларни кўнгилсизликлардан сақлаш, ёмон ниятдиларни ниятидан қайтариш...

Гулчехра опа ҳикоя қиляпти-ю, менда туғилган баяги шубҳа йўқолиш ўрнига кўпайгандек бўлаверди. Тўғри, «одамлар», яъни, бошқалар кўзига кўринмайдиган, факат бир кишигагина кўринадиган одамлар ҳақида турли-туман гаплар эшитганмиз. Бу одамлар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин, юз беражак ходисалардан хабардор қилишини мисоллар билан тасдиқлашга уринамиз. Аммо бевосита ўзимиз уларга рўпара келсак, аклимиз лолу хайрон ўтираверамиз.

Фараз қилишга уринамиз: токи Гулчехра опанинг рухий олами фавқулодда ўзгаришлар, ҳаво тўлқинидаги биз идрок этолмайдиган тўлқинларни «тута» олар, ўша тўлқинлар ҳали фанга маълум бўлмаган биоқувват кучлари таъсирида қандайдир хабарлар олиб келар...

Яратганининг ожиз бир бандаси сифатида яна қандай фаразлар қилиш мум-



кин. Ишонсак, исботлаб бера олмаймиз, ишонмасак — Гулчехра опанинг башоратларини рад этолмаймиз. Кейинги йилларда анча оммалашаётган экстрасенслар, чунончи, Кашпировский, Чумак, Гена Руцко каби мўъжизакорларнинг хунар-амали атрофидаги баҳс-мунозаралар тинмаётганига карамай, кенг оммадан уларга бўлган ишонч ҳам тортиб олинаётгани йўқ. Айтмоқчиманки, ишонсангиз, марҳамат, ишонмаган тақдирда ҳам сизни мажбурлаш ниятимиз йўқ. Фақат Гулчехра опа Самад кизига тинчлик бермаётган бир нарса бор: тахликали ходисалар кетма-кет юз бераётган хозирги пайтда одамларни хушёрликка чакириш учун катта минбар ва имконият бўлиши зарур. Токи, дахшатли фалокатларнинг олдини олиш чорасидан фойдаланайлик.

— Мен сизга яқин-атрофда зилзила бўлишини айтганмидим? — сўраб қолди тасодифан кўришиб қолганимизда Гулчехра опа.

— Қўйинг, ундай деманг, яхшиликдан гапиринг, — дедим шошиб турганим боис, гапни мухтасар қилиб. Орадан икки кун ўтди. 14 июнь куни Шаркий Қозоғистонда кучли ер силкинди. Бу хабарни эшитдим, опага қўнғироқ қилдим: «Башоратингиз тўғри чикди», дедим. Гулчехра опа қўнғироқ қилганимга ажабланмади ҳам, балки, оддий хабар бераётган одамдек:

— Бу ҳеч гап эмас. Биздан узоқроқда кучли зилзила бўлади — кўп одамлар қурбон бўлади, — деди.

Орадан 5-6 кун ўтар-ўтмас — Эрондаги зилзила 50 мингдан ортиқ аҳолининг ёстиғини қуритди...

Хуришид ДУСТМУҲАММАД

БИЛАҒОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Зеҳнингиз ўткирлигини, билимингиз даражасини, хотирангиз кучини синая кўраман десангиз, марҳамат, биз тузган 10 саволга жавоб ёзиб юборинг. Топқирларнинг тўғри жавобларини ва исми-шарифларини ойномамизнинг келгуси сонларидан бирида эълон қиламиз. Мухлат — ойноманинг ушбу сони тарқалгандан бошлаб — 2 ой.

САВОЛЛАР:

1. Гилдиракли арава қачон, қайси давлатда пайдо бўлган!
2. Узлуксиз ёмхона (почта) хизмати алоқаси биринчи марта қайси давлатда, ким томонидан йўлга қўйилган!
3. Шарқда жўғрофий харита қачон, қаерда илк бор қўлланилган! Фарбда-чи!
4. Чўян дастлаб Шарқнинг қайси давлатида, қачон тайёрланган! Фарбда-чи!
5. Нечанчи асрларда, қайси давлатларда шамол тегирмонидан фойдалана бошлаганлар!
6. Узиюрар кема ва машиналарнинг яратилишини биринчи бўлиб қайси олим башорат қилган!
7. Даставвал ибтидоий ракета қуроли қайси мамлакатда, қачон яратилган!
8. Биринчи кўзойнак қаерда, қачон, ким томонидан ихтиро қилинган!
9. Тутаيدиган ўқдори (порох) билан отиладиган милтиқ қаерда, қачон кашф этилган!
10. Ўтмишда тузилган ва жаҳонда мукамал деб топилган сайёралар жадвали нечта ва уларнинг муаллифлари кимлар!

Э с л а т м а: ойномамиз саҳифаларида бундан кейин ҳам хилма-хил савол ва жумбоқларни эътиборингизга ҳавола қилиб борамиз. Сиз, муштарийларнинг фаоллиги эса, бизни шундай тадбирларни мунтазам уюштириб туришга рағбатлантиради, албатта.



Евгений Терезиков

Барчаёт



ШОҒ



АФСОНАСИ

Афсонаю фасоналарнинг қай тариқа яралишини кузатиб бориш ҳар қандай одам учун ғоят мароқлидир. Етти иқлимга аён Самарқанддаги азиз зотлар жасади қўйилган Шоҳизинда, яъни «тирик шоҳ» ёхуд «барчаёт шоҳ» хонақоҳи тимсолида ҳам антиқа ҳол намояндир. У кўхна Самарқанднинг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, Шарқ мусулмонларининг муқаддас зиёратгоҳларидан биридир. Шоҳизиндани зиёрат қилиш ва бу қутлуғ жойда тоат-ибодат бажо келтириш ҳар бир имонли мўмин-мустафонинг хайрли иши саналади.

Шоҳизинда хонақоҳ сифатида X—XI асрларда пайдо бўлган ва бу ердаги 20 дан зиёд мақбарада 44 лавҳа битилган даҳма мавжуддир. Мана, ўн асрдирки, Урта Осиёнинг барча кентлари ва дунёнинг турли гўшаларидан ташриф буюраётган одамлар бу муқаддас масканини зиёрат қилиб келмоқдалар. Айни маҳалда Шоҳизинда ўз кўчалари, ўз маҳобатли бинолари ва сағаналари билан бутун бошли ёдгорлик шаҳари таассуротини уйғотиб, қадам ранжида қилган сайёҳларни мафтун этади.

Самарқанддаги машҳур зотлар хонақоҳи ўзига хос ва тенгсиздир, у доврўғи оламга кетган Миср эҳромлари, Тожмаҳал ва Москвадаги Қизил майдон мақбараси билан бемалол рақобатлаша олади. Мен бу ўринда биргина меъморий даҳмаларнинг улуғворлигини кўзда тутаятганим йўқ: ана шу қадамжоларга одамлар оқими йилдан-йилга ортиб бораётир.

Одамлар Шоҳизиндага хос бўлган ўзига чорловчи ва сеҳрловчи ғаройиб руҳ, афсунли куч борлиги учун ҳам келиб, кўтаринки бир кайфият билан қайтадилар.

Таомилга кўра одамлар (кўпинча самарқандликларнинг ўзи) Шоҳизиндага мангу барчаёт шоҳнинг руҳи билан мулоқот қилиш учун ҳар жума ёки душанба куни кечаси билан қолиб, тонг оттиришади. Темурийлар даври — ўрта аср Самарқандининг ажойиб ва улуғвор саройларини, жумладан, маҳобатли буюк зотлар хонақоҳини кўриш учун зиёратчилар тўхтовсиз келиб кетиб туришади. Қадам ранжи-

да қилувчилар Шоҳизинданинг даҳмалар кентига бошловчи пештоққа яқинлашиб, ҳаёт ташвишларидан ҳолдан тойганча, баланд пиллапоя қошида бир оз тўхтайдилар, сўнгра илк зинага оёқ босишлари биланоқ уларни ғайритабиий ҳис чулғаб олганини пайқайдилар. Худди шу лаҳзада улар вужудини қандайдир руҳий мувозанат ва ботиний бир осойишталик эгаллайди, чунки бу ҳол одамда муқаддас зинага қадам қўйгани учун кечаётган эди-да. Пиллапоя айна чоғда қурилиш амалиётининг таркибий қисми бўлиб, унинг уйғун рамзи вазифасини ҳам ўтайди.

Мана, у зинанинг пойида сукут сақлаб турибди ва унинг айланмасига нигоҳини қадарди, бу айланма узоқ йиллардан бери кўтарилиб чиқаётган умр зинасининг бир улушидек бўлиб туюлади. Ана энди у ҳаёт чархини яна бир ошиб ўтиши керак.

Зинадан-зинага қадам қўйган киши кечмишини англаб етади; ўз қилмишларини яна бир марта хаёлидан ўтказди. Қачонлардир бинокорлар одамларнинг мақбаралар даҳмасига зиналар орқали осонликча эмас, балки машаққатлар чекиб келишини атайлаб ўйлаб қўйишгандир. Ана шу афсунли зинанинг эни беш газга етади. Бир йўласига кўплаб зиёратчиларнинг пештоқ эшигидан баландликка кўтарилиб, мақбаралар силсиласининг бош кўчасига чиқиб олишларига ўнғайлик яратилган. Зиёратчилар Шоҳизиндада ошиқиб қадам босишмайди, ҳақиқий ибодат қилувчилар унинг пойидаги илк зинани тавоф қилиб, тиловат билан покланиб зинама-зина баландликка тиззалаб силжийдилар.

Бу шунчаки осон иш эмас, чунки Шоҳизинданинг жасади қўйилган муқаддас жойга интилаётган киши фақат жисмоний куч ишлатибгина қолмай, маънавий-руҳий қувват олиб, ич-ичидан қувонади ҳам. Юқорига кўтарилиб бораётган ҳар бир киши ана шу зиналарни бирма-бир санаб бориши керак, албатта. Бу ўз навбатида мақбаралар кентига киришнинг афсунли рухсатномаси бўлиб хизмат қилади. Шуниси ажабланарлики, бирор кишига қуйидан юксакликкача зиналар сонини тўқис

санаб чиқиш бирданига насиб қилавермайди.

Афтидан, бунда қандайдир сеҳр, афсун бор. Чунончи, зиёратчи зиналарнинг сарҳисобини олиш учун ҳаёлини жамлашга нечоғлик уринмасин, бари бир у қандайдир ҳаёл оғушига чўмади; ўзини муқаддас жойга элтаётган зиналарни ўйламай қўяди, балки умрида кечирган кунларнинг мағзини чақа бошлайди. У яна ва яна босиб ўтган умр зиналарида дуч келган қийинчиликларини дилидан ўтказиб, ўйга толади. Худди шу нарса уни ҳисобдан чалғитиб юборади.

— Ҳаёт бизни кутилмаган янгиликларга дучор қилади, ўзимиз учун тузган режаларимизга ҳар кунни ўз тузатишларию йўриқларини киритади. Шоҳизиндага келган киши ҳам шу тариқа, бу зиналарга қараб қўйиб, ўттиздан ортиқроқ пиллапояни осонликча босиб ўтажани ҳаёлидан кечиради, кейин эса таъзим бажолайдиган муқаддас жойга боришини ўйлайди.

Гап бунда эмас! Бу зина ҳаётдан андоза олганга ўхшайди, бир қарашда осон туюладигандек жўн эмас, аслида. Зиналарни босиб ўтилгач, зиёратчи ёки сайёҳ ҳамроҳигами, ўртоғигами пиллапоянинг сонини айтади, шунда у ҳамроҳининг айтган миқдори ўзиникига тўғри келмаслигини билиб қолади.

Шундай ақида ҳам бор: қуйидан юқорига олиб чиқувчи ва сўнг юқоридан қуйига олиб тушувчи бу ўттиз икки зинани нотўғри санаган одам гуноҳкор ҳисобланади. Нима ҳам дердик, эҳтимол, бунда катта фалсафий фикр, маъно бордир. Балки бутун ўтган замонлардаги каби ер юзида гуноҳ қилмаган бирон бир кимсани топиш душвордир! Ҳаётнинг ўзи маълум маънода бирор бир вазият тақозоси билан инсонни ҳақиқатга зид боришга мажбур этади. Эҳтимол, инсон атайлаб хато қилмас.

Зинанинг эни бежиз 5 газ қилинмаган. Юксалаётган киши ўнг ва сўлга қадам босади, зинанинг айланмасида туриб, тиззасига суянганча бирпас дам олади. Ҳаммаси ҳаётнинг ўзига қиёс: тўғри нарсанинг ўзи тўғри эмас.

Инсон ҳаётда ўз мақсадига эришиш йўлида четга ёки ортга чекиниши мумкин. Аммо энг муҳими ҳаёт деганимизда, ҳаёт ҳақиқатини топмаслик, ниятини юзага чиқариш учун ўзгалар исзат-нафсига тегмаслик, бошқалар манфаатини поймол этмаслик керак. Худди шу нарса юксакликка кўтарилаётган кишининг ҳақиқат зинаси бўлиб қолади.

Шоҳизиндада бор имконият одамнинг ўзида йўқ. (Самарқанддаги даҳмалар силсиласининг ажиб, афсунвор ва фусункорлиги ўзига хос жозоба эмасми?!). Аллақайси бир шаҳардан келган зиёратчи ёки сайёҳ юқорига чиқаётиб зиналарни санаркан, бари бир саногидан адашиб кетади, унга ўша заҳоти пастга тушиб, зиналарни қайтадан санаш имкони тўғилади. Шу тариқа одамнинг ўзидаги гуноҳни тўкишига чора топилади. Буни одамлар ихлос билан бажо келтиришади, чунки биз руҳан етук эмасмиз ва ҳар биримиз гуноҳ иш қилмай яшашни истаймиз.

Шуни аниқ сезиб турибсизки, булар бари бир шартлилик, ўтган гуноҳларни фақат шу ерда ювиш мумкин, лекин ҳаётнинг ўзида эмас. Бир маҳаллари қилган гуноҳларини ювиш учун ҳаёт одамга икки марта эмас, фақат бир мартагина берилади.

Бу мулоҳазалар: «Инсон ҳаётда эҳтиёткор бўлиши керак ва бир кунни нимадир қилмоқчи ишини шундай қилсинки, на балоғатга

етганда, на кексалик чоғида — ўзи ҳам, ёнма-ён яшаётганлар ҳам ўкиниб юрмасин», — деган анъанавий фикрларга етаклайди.

Нихоят, даҳмаларга элтувчи баланд зиналарни босиб ўтасиз ва сиз сирлар ҳамда жумбоқларга тўла ўрта аср даҳлизига кириб қоласиз. Бош пештоқ дарвозасининг ташида XX аср қолиб кетади. Бу ерда эса бутунлай ўзгача давр, ҳаёт, ўзгача меъморлик ечимлари... Бу ерда даҳма эмас, балки диний фикрлар дунёси, қабр эмас, балки унинг дафн этиш асрори мавжуд...

Азиз зотлар даҳмасида бутунлай ўзгача манзарага дуч келасиз; у кишини бугунги турмуш ташвишларидан руҳан фориг этади ва тамоман ўрта аср меъморчилиги, нафис безакли ажиб нақшлар оламига олиб киради. Атрофингни буткул Шарқ афсоналарию сирлари ўраб олади, мақбаранинг сирланган кошнларидидаги ранглар товланади, буларнинг бари маҳлиё қилиб қўяди, кишини.

Айни шу чоғда ўз нигоҳингиз, ўз қалбингизга ором бериш учун жой ҳам топилади. Кўз олдингизда мақбараларнинг жимжимали пештоқлари буй кўрсатмасдан аввал ўфғу сўлдан ўпирилган жойлар диққатингизни тортади. Булар бир вақтлар муқим кулбаси бўлмаган, умрини муқаддас жойларга сийғиниш билан ўтказадиган зиёратчилар, дарвишлар яшайдиган ҳужраю танчалардир.

Одатда дарвишлар ўз қиёфаси билан кишиларни ҳушёр тортирган, улар улуғвор иморат туфайли руҳи кўтарилган одамларни аслига қайтишга мажбур этади. Зотан, дарвешнинг ўзи одам яшаётган ҳаёт, муҳит, даф этиб бўлмас машаққат тимсолидир. Улар Шоҳизиндага қадам ранжида қилган кишини айни маҳалда қайда эканини теран англаб етишга ҳам ундайди. Инсонга худонинг одами — дарвешнинг маъвосида бўлиб, унинг билан тенглашиш имкони берилган. Бугунги кунда эса унинг ҳақиқий ўрнини ҳамма билади: у улуғвор одамдир.

Лекин бугун дарвешлар ҳужраларда яшамайди, одам эса ўзини фақат шартлилик билан қиёслаши мумкин, одатда, шартлилик кишининг ҳаёт ва жамиятда қандай мавқеда эканини ҳамма вақт ҳам чинаямига тўғри баҳолай олмайди. Бундай ҳолда, энг ишончлиси — қачонлардир сенга нигоҳини қадаган ёки бошинг узра осмонга тикилиб, оёғинг остидаги бир неча аср муқаддам тўшалган талай тўртбурчак тошларга назар ташлаган дарвеш ўтирган жойда бир оз туришдир. Худди шундай қилганинда, аллақачон ортда қолиб кетган давр билан ўзаро боғланасан, шу билан бирга сен-ла ёнма-ён сағана ҳам сирли йўллари аро бақамти туради.

Афросиёб тепаликларидидаги Шоҳизинда мақбарасида дин арбоблари ва пешволари дафн этилган, у дастлаб Самарқанд руҳонийлари ва ҳокимлари томонидан XI асрда пайғамбар Муҳаммаднинг амакиваччаларидан Қусамма ибн Аббос шарафига қурилган. Ислому марказлари бўлмиш Макка ва Мадина қайдаю Самарқанд қайда, сайёрамиз харитасидидаги муқаддас нуқталар бир-биридан минглаб қақирим йироқда бўлса-да, уларни бирлаштириб турган нарса нима экан, деб ажабланишингиз мумкин, албатта. Аммо тарих ҳукмига кўра, бу шаҳарларни ўзаро боғлайдиган ришталар кўп.

Бу ерда давом этаётган тарихнинг ибтидо-си ўн тўрт аср муқаддам Арабистонда бошланган эди. Маълумки, 622 ҳижрий йили

алайҳис-салом янги динга ҳаёт бахш этди. У ҳаётлик чоғидаёқ, ўз дини ва сиёсий таъсирини Арабистон ярим оролидан ташқарида ва Сурияга тарқатишга фаол ҳаракат қилади. Афсуски, у ўз режасини амалга оширолмайди. 632 йили, яъни ҳижрийнинг 10 йили у вафот этади. Муҳаммад пайғамбарнинг режасини унинг диндор шоғирдлари — халифалар давом эттирди. Уларнинг тўрттаси — Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али муслмонлар орасида алоҳида ҳурматга эгадир.

Улар даврида ислом Африқо, Сурия, Фаластин, Ироқ, Эрон ва Урта Осиё ҳудудидаги яхво, насроний ва оташпарастликни сиқиб чиқариб, улкан салтанат ва дунё динига айланди.

Тақводор пайғамбарлар — халифалар ортидан умавийлар сулоласи халифалари эргашади, сўнг улар аббосий халифалар билан алмашди. Бу ҳунармандларнинг ҳаммаси Муҳаммад пайғамбар бошлаган ишни фаол давом эттирдилар. Бу фаолликка далил тариқасида, юз йилдан кейин исломнинг Хитойдан тортиб то Франциянинг жанубий чегараларига қадар ёйилганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги вақтда сайёрамизнинг юздан зиёд мамлақатида муслмонлар ҳаёт кечиради, унга эътиқод қилувчилар сони салкам бир миллиардга етади.

Урта Осиё аҳолисининг асосий қисми ҳам шу динга эътиқод қилади. Бу юртга ҳижрийнинг ўн бешинчи йили пайғамбарнинг амакиваччаси Қусам ибн Аббос ўз лашкарини биринчи бўлиб бошлаб келган эди. Унинг бош вазифаси жаннатмисол бу сўғд диёрида исломни ёйиш эди. Бу эса осонликча кечмади. Қадим Мовароуннаҳр аҳли зардуштийлик дини — оташпарастликка сиғинарди. Шу диннинг коҳин ва афсунгарлари ўз ҳамдинлари руҳиятига исломнинг эмин-эркин сингиб боришига йўл қўймадилар, улар Урта Осиё давлатларини арабларга қарши фаол курашга чорлади. Бироқ ислом қаршиликни тобора енга бориб, ўлканинг ичкарисини аста-секин ишғол қила бошлади. Ҳижрийнинг 56 йили (676) кўҳна Афросиёб девори этагида Қусам ибн Аббос бошчилигидаги гуруҳ пайдо бўлди. Афросиёбни қўлга киритиш учун қақшатқич жанг олиб борилади, араблар бу қадимий шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлсаларда, уларнинг йўлбошчиси Қусам ибн Аббос ҳалокатга учрайди. Уша фожий ҳол ҳақида халқ орасида ҳозиргача турли-туман ривоятлар юради.

Ривоятларнинг бирида айтилишича, Қусам ибн Аббос қўшини намаз вақти кофирлар томонидан мажақланиб ташланади. Алҳол йўлбошчида мўъжиза юз беради. Кўчма мачит меҳроби, яъни Макка жойлашган томонни кўрсатувчи тоқча иттифоқо кенгайиб кетади ва Қусам унга яшириниб олади. Кенг тарқалган бошқа бир ривоятда эса Қусам ибн Аббос шарт кесилган бошини қўлига олиб, худди шу ерда ногаҳон пайдо бўлиб қолган ғор қудуғига тушганмиш ва шу ерда ҳозиргача яшаб қолганмиш.

Пайғамбар алайҳис-саломнинг бу қадимий диёрга исломни ёйиш учун келган амакиваччаси ҳақида ҳар хил ривоятлар Афросиёбнинг кунгай тарафида юз берган ҳақиқий, айна пайтда воқеаларнинг афсонавий акс-садосидир. Ҳозир оташпарастлар томонидан ибодат маҳалида азобли ўлимга дучор этилади.

Кўчма мачит ўрнатилган ва Қусам ибн Аббос ўз-ўзидан кенгайиб кетган меҳробга

яширинган жой «Шоҳизинда» деб аталади ва пировардида унинг шарафига қурилган сағана кейинчалик мақбаралар силсиласининг қад тиклашига сабаб бўлади. Улуғвор мақбара пойидан ҳозир ҳам «Би Машад» (яъни азобланиш жойи) ариғи оқиб ўтади.

Тарих ва афсона ана шу тариқа бир-бири билан уйғунлашиб ҳақиқатга айланган. Бу ҳақиқат кечган жойга бугун ҳам минг-минглаб зиёратчи ва сайёҳлар кўҳна тарих ва муқаддас Шоҳизиндага топингани, афсонавий тирик «шоҳ» бўлиб қолган Қусам ибн Аббос руҳи билан мулоқотда бўлиш учун келиб кетишади.

Даставвал бу ерда фақатгина ўн биринчи асрнинг иккинчи ярмида Самарқанддаги илк қорахонийлар даврида қурилган «тирик шоҳ»нинг мақбараси бор эди. Бунга қадар, сомонийлар сулоласи замонида Мовароуннаҳрда шаҳарлар, айниқса, Бухоро ва Самарқанд ҳар томонлама ўса борди. Айнан ўша маҳалда, Афросиёб шаҳри чеккасида афсонавий муқаддас қабр атрофида сиғинишга мўлжалланган бутун бошли ноёб меъморчилик ёдгорликлари қад ростлади. Худди шу ерда, яъни «тирик шоҳ» ер қазрига кирган жойда 1066 йили Танғач Бўғроҳон мадрасаси қурилди. Уша давр йилномаларида таъкидланишича, мадрасанинг ёрдамчи бинолари муқаддас: «Мадраса қабристон ёнида айнан «Би Машад» Қусам азобланган Самарқанд (Афросиёб) мадинасидаги Темир дарвоза, яъни қальайи Кеш дарвозаси, деб номланган жойдадир».

Самарқандлик шайх ва мулаларнинг саъй-ҳаракатлари билан мадраса Шарқ муслмонларининг олий мактаби, Қусам ибн Аббос мақбараси эса пайғамбар қавмидан бўлган авлиёларга сиғинишнинг тимсоли бўлиб қолди.

Шундай қилиб, аста-секин Шоҳизинда, умуман Самарқанд шаҳри азобланган авлиё мақбараси туфайли зиёрат қилиш марказигагина эмас, балки Урта Осиё ва Шарқ мамлакатларининг диний байрамлари, дафн, хотирлаш маъракаларини ўтказадиган диний ва зодагонлар дорилфунуни ва муҳим ижтимоий марказга айланди.

Аммо ҳаёт тасдиқлаб турганидек, муқаддаслик марҳумларга нечоғлиқ зарур бўлса, тирикларга ҳам шунчалик керак. Уша худо-жўйлар муқаддас жойларни ҳаётнинг ноҳўй ишларидан фориг бўлиш ва табиатнинг олий руҳи — худо билан мулоқотга киришиш ниятида истифода қиладилар. Тарих гувоҳлик беришича, муқаддас Шоҳизинда ибодатгоҳи аста-секин қандайдир маънода ҳам сиёсий, ҳам руҳий-маънавий ҳукмронликни биргаликда олиб борган давлат раҳнамоси маркази вазифасини ҳам ўтайди.

Хукмдорлар орасида биринчи бўлиб, Амир Қазағон дафн этилган. Унинг қабри «тирик шоҳ» қабристони яқинидадир. Сағанаси устида эса тубандагича лавҳа битилган: «Улуғворлик ва адолат амири, шавкатли, амири азим, Амир Қазағон, қабрини худо ёритсин, унинг ишларини худо ёрлақсин, ўлганида жаннатга солгувчидир. 757 йилнинг рамазони».

Амир Қазағон Мовароуннаҳрнинг таниқли давлат арбобидир. Улимидан бир мунча муддат олдин у чигаоти улуси қарамоғидаги ҳокимиятни Қора Султонхондан яккама-якка олишувда тортиб олган эди. Амир ҳокимлик қилишга ўғли Абдуллани юборади. Бироқ 757 йили ҳокимият учун курашда Чингизхоннинг

кўзга кўринган авлодларидан Амир Қутлуғ Темур билан унинг жанг олиб боришига тўғри келади. Бу жангда Қазағон нобуд бўлади, ammo унинг ўғли Абдулла Самарқандда ҳокимликни қўлда тутиб қолиб, отасини Шоҳизинда қабристонига дафн этади.

Бу муқаддас жойда ором топган навбатдаги марҳум Амир Ҳусайн бўлди. Мақбара пештоқида, сағана устига 777 йил санаси битиб қўйилган. Лавҳада эса қуйилган сўзларни ўқиймиз: «Дунёга бахтиёр амир нигоҳи билан туғилган, жафокаш, Амир Ҳусайн Қутлуғ ўғлини (уни) оллоҳ ўз жаннатига йўллагай. У 777 йилнинг зулқадда ойдада азобланиб ўлди».

Мовароуннаҳрда битилган йилномаларда кўрсатилишича, Амир Ҳусайн Темурнинг етакчи издошларидан бўлиб, чингизийлар қавмидан етишиб чиққан. У 776—777 йиллари Темур Или дарёси юқорисида жойлашган Уч Турфон мавзеида, мўғул хони Қамариддин-хонга қарши қилган жангларидан бирида ҳалокатга учраган.

Шарафиддин Али Яздийнинг қаламига мансуб «Зафарнома»да тубандаги маълумотлар бор: «Бошқа иккита саркарда билан мажақланган Қамариддин қўшинини қувиб боришга жўнатилган Амир Ҳусайн рақибини Или қиргоғи бўйлаб таъкиб қилиб бораётиб, дарёга тушиб кетади ва ўлади. Юриш Темур учун омад келтирди — ҳар хил ноёб ашёлар, одамлар, моллар қўлга киритилди».

Ҳар эҳтимолга кўра, Темур муваффақиятли юришидан сўнг ўз издошининг жасадини Самарқандга келтириб, ҳурматини ўрнига қўйган ҳолда Шоҳизиндага кўмишга фармон берган бўлса ажаб эмас. Мақбарани қурувчилар томонидан даҳма эшиги тепасига битиб қолдирилган лавҳа сайёҳу зиёратчиларни қизиқтириши табиийдир. Мана, унда нималарни ўқиймиз: «Агар менинг пешайвоним томи Муштарийга етса-да, бари бир, бу дунёнинг заҳри — ўлим жазоси мустаҳқиқдир. Бу зимзиё қабрда биродарларимсиз, ёлғизликдаги умидим ҳудонинг раҳм-шафқатидир».

Бу қабртошдаги марсия дунё янглиғ абадий фикрни тасдиқлаб турибди: «Ой остидаги ҳеч бир нарса мангу эмас, хоҳ ул улуғ, хоҳ у кичик одам бўлсин, у ўзига зах тупроқдан паноҳ топади ва у тенглар ичра тенг бўлиб қолади».

Барҳаётлигида улуғвор саналган ва оқибатда дабдабали даҳмаларда ором топган зотларнинг мақбаралари силсиласига бирмабир назар ташласангиз, ана шу фикр ҳар бир кишини ҳушёрликка чорлайди.

Қабрлар ёнида турганинда, ҳаёт ҳам, ўлим ҳам, мангулик ва лаҳзалик ҳам мавжуд эканини янада равшанроқ тушуниб етасан. Бундай мулоҳазалар кишини сергаклантиради ҳамда ҳаётдаги барча қадриятларни ўз ўрнига қўяди.

Шоҳизиндада нодир ва мафтункор иморатлар анчагина. Ҳар бир мақбара бежирим қўтичага ўхшайди: қизғиш-жигарранг, сирланган гулдор сополлар, бежирим нақшлар оҳанжамали араб хатига туташиб кетади. Бу улуғворликка термулиб, нигоҳингни узинг келмайди. Шарқ меъморчилигининг нафис ранглари мовий гумбазлар, кўкка буй чўзган миноралар осиевий осмон билан баслашадигандек... Буларнинг ҳаммаси инсоннинг яратувчанлик салоҳияти нақадар улуғлиги ҳақидаги фикрларга чўмдиради.

Ун аср бурун яшаган одамлар меҳнатидан

бунёдга келган Шоҳизинда мўъжизаси сағаналарининг бирини намуна тариқасида ажратиб кўрсатиш мушкул. Чунки уларнинг ҳаммаси бетакрордир.

Сағаналар орасида энг яхши сақлангани ва нақшларининг бежиримлиги билан Туркон оқа даҳмаси бошқаларидан хиёл ажралиб туради. Темур ўзининг жигарғўшаси учун қайғуриб, унинг қабри устида ғаройиб иморат тиклашга фармон беради. Шу боисдан Туркон оқа мақбараси ҳайбатли бўлиши баробарида кишини ҳайратга ҳам солади.

Мақбаранинг пештоқи ва ичкараси гулдор сопол билан ранг-баранг қилиб роса безатилган. Меҳробининг ён деворлари ва тоқчаларининг тепа қўбалари бутунича оқиш «сумалак»лардан иборат бўлиб, кесма гулдор сополлар қўббадан антиқа осилиб турибди. Гулдор, оқиш «сумалак»лар чети мовий ва кўм-кўк бўлиб, оқ чизиклар тортилган.

Тоқчанинг ҳар икки ёнида иккитадан йўма нақшлар ишланган, юқори қисмлари эса тўртбурчак, қуйи ва ички томонлари тўртбурчак тоқ (равоқ)дан иборат. Улар чиройли гулбарг нақшлар билан қопланган деворий манзаранинг қуйи қисмидаги нақш ўнг томондаги гултувақдан ўсиб, сўнг бу ва нариги дунёнинг уйғунлиги таассуротини берадиган мураккаб ҳандасавий (геометрик) шаклларга айланиб кетади.

Худди шу лаҳзада киши мулоҳазалари дунёвий ва тирикчилик муаммоларидан ўз шуури билан тез-тез ҳис этадиган руҳий оҳанрабо қатламига бориб қолади. Туркон оқа даҳмаси пештоқининг кираверишидаги оқиш «сумалак»лар кишини бир лаҳза бўлса-да, мавжуд воқеийликдан ажратиб, шу дамда илоҳа бир ҳис туйиб, бу ерда дафн этилган марҳум руҳи таъсирига кириш имконини беради.

Нималар деб салдирамайлик, табиат ва руҳ биз учун катта жумбоқдир. Инсоният эса бу буюк сирларга ҳалигача қалит топа олган эмас. Мана, нима жумбоқ бўлиб турибди: инсон бу сирни англаб етишга, кўпинча, у улуғ одамлар ва азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилганида яқинлашиши мумкин.

Биз ҳаёт ва ўлимни ажратиб турадиган чизик устида ҳозир бўлганимизда, ҳар биримиз қандайдир мўъжизавий руҳий энгиллик туямиз, айни пайтда худди шундай афсунли чизик сағана бўла олади. Биз муқаддас иморатга кираётганимизда, эшик олдидаги тўртбурчак лавҳанинг кўк бинафшаранг сатҳига қабарик ҳарфларда мусулмонлик эътиқоди истиғфори матни битилганини кўраемиз.

Сўнг эса яшил бошоқлар ва қалдирғочлар тасвирланган эшикнинг тўрт кунжакли ўйиқларига қорамтир-кўкиш тағларанг бўйлаб оқ ёзув бошланади. У форс тилида шеърий йўсинда ифодаланган: «Бу жаннатий боғдир ва унда толе хазинаси кўмилган. Бу қабрда қимматбаҳо марварид яширинган. Унда сарвақад назокат-ла ётибди, шу сабабли бу жойни жаннатга қиёслаш мумкин. Бу ўликлар орасидан гарчи унинг узугида қудратлилик муҳри бўлса-да, Сулаймондай одам ғойибга равона бўлди».

Бошқа бир йирик жимжимадор хат тўқ кўк баргли мовий сатҳ узра ҳошия бўйлаб давом этади. Унда шундай дейилган: «Ушбу шипдаги «сумалак»ларга тўла гумбаз ва зарҳал пештоқларни Зайниддиндан хотира деб билгил. Бу масканда кўриб турган ҳар бир санъат ва маҳорат — ижодкор-яратувчининг марҳаматидир».

Мақбаранинг ички томонлари янада ҳашаматли ва зийнатлидир. Унинг бор латофатини кўришни хоҳлаган одам, албатта, бу ерга ташриф буюриши керак. Бу эса ҳар кимнинг кўлидан келади, фақат бунга хоҳишу ҳафсала қилинса, бас. Инсонга ҳаётлигида унчалик кўп нарса берилмаган, лекин кўплаб одамлар кун сайин ўз қоринини тўйғазиш гамида ишлагани ишлаган. Ваҳоланки, руҳий озиқ ҳам зарурлигини унутмаслигимиз керак. Ана шундагина одам ҳам жисмонан, ҳам маънан уйғунлашиб, камол топиб боради.

Нима ҳам дердик, назаримда, ана шу элатиб кўйганимиз кишига яна бир бор атрофида гўзал ва улугвор, муҳим ва аҳамиятли нарсалар кўп эканини ўйлаб кўришга имкон туғдирар. Акс ҳолда, биз ўзимизнинг серғалва ҳаётимиз билан кўп нарсаларга эътибор бермай, гафлатда қолиб кетаверамиз.

Самарқанддаги бу бир парча замин, муқаддас гўша — Шоҳизиндага келган ҳар қандай одам заминий ва самовий бойликлар билан руҳан мулоқот этмаса, кўп нарсаларни бой берганига ишонч ҳосил қилиши мумкин. Шоҳизиндадаги ҳар бир мақбара маҳобатли! Аммо улар орасида, табиийки, бундан 1300 йил бурун шу ерда жон узган Мухаммад алайҳис-саломнинг амакиваччаси, «тирик шоҳ» Қусаманин Аббос мақбараси энг каттаси ҳисобланади. Даҳмага бош дарвозадан узун тик кўча бўйлаб, бошқа дафн этилган руҳоний марҳумлар мақбараларидан ўтиб борилади. Гарчанд дарвозадан Қусаманин Аббос даҳмасигача бўлган масофа ярим қақиримча чиқса-да, бу йўл зиёратчилар назаридан

бир неча қақиримга чўзилгандек туюлади...

Жинкўчалардан бораётган киши бу ерда икки бор қад ростлаган XI асрдаги мақбарадан энг сўнги XIX асрдаги даҳмалар — ҳаёт даҳлизлари бўйлаб бораётганга ўхшайди. Зиёратчи қайси бир мақбарага кирмасин, барибир, уни мана бу: «Мен бораётган даҳма қайда экан?» деган савол бир зум ҳам тарк этмайди. Банагоҳ рўпарангиздан чиқиб қолган тўртбурчак пишиқ гишт тўшалган жинкўча мўъжаз майдончага олиб чиқади. Шундагина киши бош сағана — Қусаманин Аббос даҳмасига етиб келганини англайди.

Ноёб меъморчилик обидасидаги ҳамма нарса ўрнига тушади: ўқ шаклида қурилган барча даҳмалар ана шу бош мақбарага йўлбошловчилик вазифасини ўтайди.

Бош пештоқ гумбазлари ичига ҳаяжонланмасдан қира олмайсиз. Бу сағана ўзига бақамти қурилган даҳмалардаги ёрқин ва кўзга тез ташланадиган гулдор сополлари билан фарқ қилмайди. У ниҳоятда салобатли, бироқ сағанага томон, яъни «тирик шоҳ» даҳмаси сари қадам ташлаган одам беихтиёр тўхтаб қолади. Назаримда, мусулмон одам дарҳол фотиҳа ўқийди, бошқа эътиқоддаги кишиларнинг руҳиятини эса дарров бу ерда муҳим нарса, балки абадиятнинг мавжудлиги ҳақидаги ҳис чулғаб олади.

Қусаманин Аббоснинг кўҳна минорасидан ўтгач, кичик хонақоҳ мачитига кирилади, ундан кейин Шоҳизинда авлиёларининг авлиёси, яъни мўъжизавий хусусиятга эга, бутун дунёга «тирик шоҳ» номи билан танилган зотнинг заргарона ишланган сеҳрли даҳмаси-



МИНГ БИР ХАБАР

га ўтилади. Бу сағанада вақт тўхтаб қолгандек туюлади ва киши фазовий ҳукмронлик эмас, балки руҳий ҳукмронлик остида қолади. Ана шу ҳол, шу ғов ҳар бир зиёратчининг Қўсама ибн Аббос ҳаётдан кўз юмган кундан еттинчи асрни, яъни табиатнинг тўрт унсури — ер, сув, ҳаво, олов таасиротини берувчи тўрт қаватли улғувор қабртош қўйилган ўн тўртинчи асрни ажратиб туради.

Бу тўрт унсур абадийлик ҳақиқатидир, демаски, қабртош ҳам ўзида ўликлар ва тириклар руҳи рамзини бериб, табиат бағрида боқий тураверади.

Самарқанддаги бу муқаддас гўшага зиёратчилар оқими тўтовсиз келиб турган. Бун таниқли араб сайёҳи (марокашлик) Ибн Батуа ёзиб қолдирган саёхатнома ҳам тасдиқлайди. Сайёҳ ўз китобида қуйидагича фикр юритган: «Самарқанд осмони остида Қўсама ибн Аббос бин Абдул Муталлиб қабри жойлашган. Араблар шаҳарни босиб олган маҳали у даҳшатли тарзда ҳалокатга учраган. Самарқанд аҳли бу жойни зиёрат қилгани келади. Шунингдек, татарлар ҳам зиёратга ташриф буюрадилар: овқат ва кўплаб гилам, қўй, динор ва дирҳам садақа қилишади, буларнинг ҳаммаси шарафли қабр ва иморат (мақбара) хизматкорлари ҳамда дарвеш ва дарбадарлар фойдасига ҳал бўлади. Қабр четигаги тўрт устунга гумбаз кўтарилган, ҳар бир устун бурчагида иккитадан мрамар қурилма маъжуд бўлиб, улар яшил, қора, оқ ва қизил рангдадир. Гумбаз деворларига нақш солинган ва кулранг мрамарлар зарҳалланган. Томи эса рух билан ёпилган. Тобут қора ёғочдан ясалган, қимматбаҳо тошлар устига қадама нақшлар солинган, устун бурчаклари эса кумуш билан зийнланган. Учта кумуш чилчиноқ осилди. Гумбаз ичкарасига жун ва пахтадан тўқилган газмоллар тўшалган».

Ибн Батуа Қўсама ибн Аббос мақбарасига келгандан буён орадан 600 йил вақт кечди, шундан бери қанчадан-қанча сувлар оқиб ўтди, не-не замонлар алмашди. Унинг шинам мақбараси қошида Шоҳизинда деб аталмиш бетакрор мақбаралар силсиласи пайдо бўлди.

Ундаги ҳар бир сағана руҳнинг мулоқот, алоқа қасридир. Ҳар бир сағана меҳроби Маккаи мукаррамага юзланган. Зиёратчи ҳам, сайёд ҳам минг йилдан зиёд бу ерда ҳукмронлик қилиб келаётган аждодлари ва табиат руҳи билан бемалол мулоқотга киришиши мумкин.

Шоҳизинда — ҳаёт ва ўлимнинг сеҳрли ва чигал йўли демак. У мўйсафид тарихнинг шундай улғу масканидирки, йил сайин одамларни тобора ўзига жалб этаётир. Шу сабабдан ҳам бу гўшадан зиёратчилар аримайди. Ташриф буюрган киши дунёнинг қайси минтақасидан келмасин, албатта сағаналар масканидан хийла тарих ва «тирик шоҳ»нинг барҳаёт руҳи билан бойийди.

Бу ерга қадам ранжида қилган киши ниманики кўрган бўлса, уни шуурида узоқ йиллар сақлаб, абадий қадриятларга бўлган эътиқодини мустаҳкамлайди.

Тирик жон борки, Шоҳизиндага ташриф буюриши, Қўсама ибн Аббос руҳи билан боғланиши ва Шаҳризоднинг машҳур эртакларидан анчайин гўзал мўъжизавий шаҳарчани зиёрат қилиши лозим, деб ўйлайман. Чунки у асрлар қаъридан келаётган тирик афсонадир.

Русчадан Мурод ХИДИР ва Аскар ҲАЙДАР таржимаси

Америкадаги Бетасел фирмаси атом батареясининг бир неча турини ишлаб чиқарди, бу батареялар радиоизотопларнинг иссиқлик қувватини каҳрабо (электр) қувватига айлантиради. Улардан энг кичкинасини қўл соатига ўрнатса бўлади, ишлаш муддати 5 йилдан кам эмас.

* * *

Телевидение студиялари — бу ёруғлик денгизи узатувчи ойнаижаҳон кўзгулари учун кучли ёруғлик манбаи ҳисобланади. Яқинда янги усулда узатиш электрон асбоби яратилди. У 100 ваттлик чироқнинг 3 чақирим масофадан тушираётган ёруғида ишлай олади. Бу — саҳнани битта сигарета нуридан ёритилганда ҳам экранда тасвир ҳосил бўлади, демакдир.

* * *

Қуёш таркиби сайёралари ўзидан шунчалик кам нур чиқарадиларки, мунажжимлар уни ҳисобга ҳам олишмас эди. Бизга сайёралардан Қуёш нурларининг акси етиб келади. Олимлар сайёраларнинг инфрақизил диапазонда нурланишини текшириб кўришга қарор қилишди. Шунда ажойиб ҳодисага дуч келинди: Юпитердан тарқаладиган қувват, унинг Қуёшдан оладиган қувватига қараганда, тўрт марта кўп экан.

* * *

Ер ҳар йили Қуёшдан 13.10²⁹ килокалория иссиқлик олади. Қуёш қуввати Ерда қандай тақсимланади? Маълум бўлишича, унинг 60 фоизи ҳаво қатламида ушланиб қолади, 25,5 фоизи сув сатҳига, 14,5 фоизи эса қуруқлик ва оролларга тўғри келади.

* * *

Канадалик мунажжим Сидней Вонденбергининг аниқлашича, биздан 600 млн. ёруғлик йили масофасидаги 4С.31.04 Галактикаси ўз кўлами (массаси) жиҳатидан шу вақтгача ўрганилган барча галактикалар ичида энг улканидир. Аслида у иккита кучсиз нурланувчи галактикадан иборат. Бу таркиб ўзининг умумий айланма ҳаракатида иккита галактикаси бўлган қўшалок юлдузга ўхшайди. Кичик галактика асосий галактика атрофида 1300 км. сония (секунд) тезликда, бўйламаси камида 150 минг ёруғлик йилига тенг айланма ҳаракати (орбита) бўйлаб айланади. Шу пайтгача энг улкан деб ҳисобланиб келинган М—87 эллипсли (тухумсимон) Галактика бизнинг Галактикадан 20 марта катта, 4С. 31. 04 нинг кўлами эса Галактикамиз кўламидан 45 марта каттароқдир.

Галактика таркибида 120 миллиарддан кўпроқ юлдуз борлигини олимлар ҳисоблаб чиқишган. Бу жуда катта миқдор. Қуёшдан нур Ерга 8 дақиқа (минут)да етиб келади. Қуёш нурининг Галактикани кўндалангига кесиб ўтиши учун эса юз минг йил сарф бўлар эди.



**ЭРКИН
ВОҲИДОВ**

ОЛИЙ РУҲЛАР ТЎҒРИСИДА НАҚЛ

Болаликда эшитганим
Талай-талай эртакдан
Хаёлимда бири маним
Сира чиқмас юракдан.
Марҳумларнинг руҳи кўкда
Доим учиб юрармиш.
Биз уларни кўрмасак-да,
Улар бизни кўрармиш.
Биз хайрли ишлар қилсак,
Шодон бўлар эмишлар.
Мабодо,
Биз ёмон бўлсак,
Нолон бўлар эмишлар.
Дўст, қариндош —
уруғларнинг
Руҳи — оддий руҳ эмиш.
Лек даҳолар,
Улуғларнинг
Руҳи — олий руҳ эмиш.
Уз аршидан
Улар бизга
Бўлармишлар раҳнамо.
Кўп ишларни дилимизга
Солармишлар доимо.
Йироқда
Дард ичра қолиб,
Дўстимиз зор бўлса гар,
Дилимизга ғашлик солиб
Қилармишлар
Бохабар.
Бизни кундуз
Банд этса иш,
Холи топиб уйқуни,
Улар бизга эслатармиш
Кетганларнинг руҳини.
Шунинг-чун ҳам
Дилимизни —
Кўмармишлар ёғдуга.
Қилармишлар ошно бизни
Меҳр деган туйғуга.
Офат келса
Бизга ногоҳ,
Билгувчи ҳам улармиш.
Фалокатдан бизни огоҳ
Қилгувчи ҳам улармиш.
Аммо
Олий руҳлар фақат —
Пок дилларга ёр эмиш.
Қайда бўлса самимият —
Уша ерда бор эмиш.
Улар яшар
Биздан ўзга,
Бенамоён ва бесас.
Шарпалари ҳеч бир кўзга,
Ҳеч қулоққа сезилмас,
Улар бизни
Кўриб турар,
Буни сезмас нодонлар.
Улар билан суҳбат қураб

Фақат
Буюк инсонлар.
Улар борки — бизлар одам,
Ҳақиқат бор беомон.
Яхшилик ҳам,
Ёмонлик ҳам,
Қайтар бир кун бегумон.
Биз мабодо
қилсак гуноҳ,
Ҳар қанчаки хилватда,
Олий руҳлар
Бўлур огоҳ,
Жазо берар, албатта.
Гарчи
Бидъат ётдир менга,
Даҳрий фикрат эгадир.
Олий руҳлар борлигига
Ишонаман негадир.
Лаззат ширин,
Давлат ширин,
Ҳеч тўймаслар одамлар.
Руҳлар борки,
бир-бирларин
Еб қўймаслар одамлар.
Кел, эй кўнглим,
Руҳларни сен
То борсанки, қилгин ёд.
Кимлар уни виждон десин,
Кимлар десин
Эътиқод,
Аммо улар
Дунёда бор!
Шак келтира кўрмагин,
Мени нопок йўлдан
Зинҳор,
Зинҳор олиб юрмагин.
Ҳатто ўзинг қолсанг ёлғиз,
Дема,
Мендан огоҳ йўқ,
Яшамоқдан эътиқодсиз
Ортиқ ерда гуноҳ йўқ.

«Руҳлар исёни» достонидан

ЗЕБО РАҲИМОВА



Дунёнинг бир менга айтар сўзи бор,
кўзи бор дунёнинг менга қадалган,
кўксимда қайғунинг чуқур изи бор,
тақдир омочида ҳайдалган.



«СИРЛИ ОЛАМ» БЕЛЛАШУВГА ЧОРЛАЙДИ

Инсон тафаккурининг нодир маҳсули — бадий ижод сўнги йилларда тобора фалсафийлашиб, рамзий тус олиб бормокда. У нечоғлик сеҳр, хаёлот, фантастика ва тимсоллар либосига ўралган бўлса, ўсмирлар ва ёшлар учун шунчалик бадий киммат, маънавий-эстетик аҳамият, таъсирчанлик касб этади, уларнинг чинакам санъат асарларига нисбатан қизиқишини кучайтиради.


«Сирли олам» ойномаси ана шуларни эътиборга олиб, адабиёт ва санъатнинг ёш мухлисларини ҳам илмий-бадий ижодга фаол жалб этиш мақсадида энг яхши фантастик ва саргузашт қисса, хикоя, илмий-оммабоп мақола, бадиа, космогоник мавзудаги шеър ва достон, таржима асарларига, шунингдек, фантаст-мусаввирларнинг хаёлот мулкининг чексиз уфқлари ўз аксини топган энг мазмундор расмларига беллашув (конкурс) эълон қилади. Беллашув ҳайъатида энг яхши деб топилган асарлар ойномамиз саҳифаларида мунтазам ёритиб борилади. Голиблар ойнома ҳомийси (спонсори) — «НУР» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан пул мукофоти билан тақдирланади.

«Сирли олам» беллашувига Сиз йўллаяжак асарларни интиқ бўлиб кутамиз. Уларга «Беллашувга» деб ёзиб қўйишни унутманг!

*«Сирли олам» ойномаси
таҳрир ҳайъати*



Зарварақдаги расмларни Александр КИВА, Мавзур МАХМУДОВ ва Сергей АЛИБЕКОВ ишлаган.



СЕРБИЈА БИЈЕЛОРУСИЈА ЧЕШКА РЕПУБЛИКА



Сабр косасида нам йўқ бир ютум,
тубида илон бор, тубида янтоқ,
кўзим — иноятдан томган бир қултум,
жавоҳир излайди тубидан фироқ,
Ҳаёт урчуғига термуламан жим,
чийратиб ўрайди кунларни фалак,
фол очар толедан тонглар — мунажжим,
сиздан ҳеч дарак йўқ,
сиздан йўқ дарак.
қуёшнинг эриган нуруни элаб,
ишкомлар нимсариқ ифорлар сочар,
бағрини номозшом кўрига белаб,
яп-янги кечалар кўксини очар...
Дунё!
Фақат меники бўлган бу дунё!!!

* * *

Жимман. Сокин тепамда
сўлиш олади лола,
босиб ўтар елкамдан
сигир ҳайдаган бола.

Емғир ивитган ердан
сизиб киради намлик.
Қабр — мангу берилган,
ҳаёт эса бир дамлик.

Йиллар сокин айланар,
улғаяди болалар.
Чўкиб кетган қабрдан
ўсиб чиқар лолалар.

Янги из қилар нола
сўқмоқларнинг бетида,
сигир боқади бола
қабристоннинг четида...

* * *

Тоғлар...
Тоғла-а-а-а-а-а-рppr...
охирги нафасга жоним жойланди,
охирги нафасдан... аста йиқилдим...
Мени бир япроқдай бағрига босган
сойлар қуёшланди.
сойлар ойланди...
Баҳор эркалаган бир тонг уйғониб,
Тупроқнинг бўғзига тиқилдим.
Мен тирилаяпман!!
Мен тирилаяпма-а-а-анн...
...Элас-элас аргумчоқ ташлаб,
согинчли турналар сузиб ўтарди,
сойлардан бир сокин ҳаяжон ила
қизғалдоқ қип-қизил рўмол кўтарди.

* * *

Мени йиллар ютгай,
мени йўллар кутгай,
сен кутмагайсан.

Сени йўл унутди,
сени йил унутди,
мен унутмадим.

Елғизлик даҳшат-ку,—
деб ёзди сукут
кўзимга.

Тириклик. Тинмасдан
марсия ёзаман
ўзимга.

Мени сен унутдинг,
йўллар унутгай,
бир шоир борлигин бенишон
шамоллар унутмас ҳеч қачон...

* * *

Худо, ёлвораман, қўлимни бўшат,
ипсиз тугунингни тилимдан олгин,
Кўксимдан чайқалиб чиқмоқда даҳшат,
мен бугун маконсиз, замонсиз қолдим.

Бир метин бардошнинг баридан тутиб,
адашдим руҳият қуёнларида.
Ва фақат чекимга ютқизиқ тушди
тақдирнинг бешафқат ўйинларида.

Бу бари эски гап. Бугун тош бўлдим,
томирим узилди тутган еримда.
Кўнглимда кўкарган умрим қуриди,
минг йиллик умиднинг бари қирилган.

Тош бўлдим. Толиқдим. Тўлдим. Қийналдим.
Сенга бир сўз қотмоқ истиагим.
Бир тугундай дилга тиқилиб
яшаяпти ўша истагим.

Ўзимни-ўзимга қайтиб бер, худо,
қанотларим тошдан, тугундан.
Тилимни еч, қўлимга куч бер,
айириб ол мени бугундан.

Худо, ёлвораман...

* * *

Милтирайди сирли юлдуз,
шивирлайди сирини.
Қора кийган боғлар аро
ташлайди кўз қирини.


Хўрсилади, забти билан
узоқларга тутар йўл.
Күзатади осмон — она
фотиҳага очиб қўл.

Бу дунёнинг қай буржида
кўзларини чирт юмиб,
чала ишлар орасида
кимдир кетади ўлиб...



ҲАМРОҚУЛ АСҚАР

Фалакдан элчилар келиб кетдилар,
Замин ҳам сирларнинг бўсағасидир.
Бермуд учбурчаги деган жумбоқ ҳам —
Номаълум меҳмонлар қўналғасидир.
Илми ғайблардан эмасмиз огоҳ,
Тарҳи бузилмаган инсон ақлининг.
Ғагарин кетди қолган,
Улуғбеклар йўқ —
Бизлар тушунмаймиз улар нақлини.
Таънали тикилар кўзимга осмон,
Офтоб чиқаётир, кун ботаётир,
Кимдир ўйлаётир бизларни бу чоқ,
Кимдир олаётир биздан хавотир...



ХУДО ТАЪҚИҚЛАГАН ИШЛАР

Худо таъқиқлаган — ичма деб шароб,
Биз эса ичаяпмиз бўлгунча хароб.
Қимор ўйнама дер бизга тангримиз,
Қиморга тикилган бизнинг умримиз.
Яна эгам айтар — қилма ўғрилик,
Зеро, лаънатланар бизда тўғрилик.
Оллоҳ чўчка гўштин санаган ҳаром,
Бизда-чи, чўчкага зўрдир эҳтиром.
Номаҳрамга юрма дер, қолма иснодда,
Номаҳрам қоптими кофирободда.
Одам ўлдирма дер: ҳеч маҳал бандам,
Бизда кушандадир одамга одам.
Бир-бир санайверсак етмагай дармон,
Гуноҳ қилмоқликдан қолмади армон.
Шундоқ ўтаяпмиз — вазифамизни,
«Дўзаҳ» деб тўлғаздик васиқамизни...

Хиндларда тангри кўп,
Ҳаммасига бирдай сиғинар улар,
Ёмғирга сиғинар,
Ёмғир тангриси —
уч ойлаб бетиним сийлар хиндларни,
муқаддас сув кўпириб оқар
бахри муҳит обод Ганг шарофатидан.
Ҳатто сигирни ҳам тангри дер улар.
Сигир тангриси ҳам сира қизғанмай,
оқ билан тўлғазар
хинднинг рўзгорин.

Севги тангриси бор тағин уларда.
Шу боис — энг қашшоқ хинднинг ҳам
буюк бир муҳаббат яшар кўксиди.
Севмоқ-севилмоқнинг
ҳадисини олган ҳар битта хинди.
Хуллас, Севги тангриси алқар хиндларни...

Хиндистонга сафар қилсангиз агар,
Биз оёқости қилган барча нарсалар

Тангри эканлигин билиб қайтасиз.
Хиндистон буюк тангрилар мамлакатидир!
Хўрланган пайғамбар Исо алайҳс-салом ҳам —
балким, шу боис Хиндистонни танлаган
бўлса не ажаб...

Биз эса яккахудолик халқлар
манглаймизга битган ёлғиз Тангримизни ҳам
асрай билмаймиз.

Ҳар биримиз гўё пайғамбар,
сафсата сотамиз,

тўқиймиз бўҳтон,
мушт дўлайтиб осмонга гоҳи
Худони ҳам сўкиб қоламиз.
Мақтанурмиз кўкракни кериб,
бизлар даҳрий,

бизлар худосиз!!..
Ўт қўямиз мақбараларга,
чигит экдик саждагоҳларга
бузиб барча мачитимизни,
худосизлар уйини қурдик,
мактаб очдик Худога қарши —
таҳсил олар, чиқарар савод
унда зийрак даҳрийваччалар.

Бизга кўйиб берсалар агар,
жаннатни ҳам этардик ишғол!
Чунки, бизлар ҳар нега қодир:

гоҳ тузамиз,
гоҳо бузамиз,
керак бўлса қайта қураамиз.

Чунки, бизлар ҳар нега қодир
худосизлар юртининг
энг ашаддий фуқаролари,
Чин даҳрийлик гаштин сураамиз
буюк кофиробод бўстонлариди!..

ҒАРОЙИБ ТУШЛАР

Тубсиз жарлиқни тўлдириш учун
тупроқ ташиётган одамни кўрдим,
Отам қиёфасида эди у.

(Телевизорда кўрсатишаётган эмиш менинг
тушимни,

Тупроқ ташиётган киши барчага ўз отаси бўлиб
кўринганидан, ана, «бобонгнинг ёшлиги» дермиш
одамлар болаларига)

Сўнг, бу қиёфа менга айланди.
Тупроқ тўла қопларнинг оғирлигидан
қисирлаётган суякларим товшидан
уйғониб кетгандек бўлдим.

Мен ётган жой ўша чуқурликнинг тубига
жойлашган эмиш-да,

қўл оёқларим билан сузаётганга ўхшаб,
типирчилармишман тинимсиз...

«Алаҳсираяпсизми?» деб кимнингдир
турткилаётганини сезиб турар эдим-у, лекин
минг бир азоб билан юқорига қалқиб чиққанам
маҳал

қандайдир улкан қора қўл чўктириб юборарди
бошимга нуқиб...

Майда-чуйда сезгиларимни бир жойга тўплаб,
бир уйғониб олсайдим дейман ўксиниб.

— «Босинқираяпсизми?» деб силкилайди
ёнимдаги аёл шарпадай.

Мендан босинқираяпсизми деб сўрашаяпти,
деб ўйлайман ўз жимлигимдан ҳайрон.

Кўз ўнгим хиралашганидан ҳеч нарсени
илғамасдим,

(қоп-қоронғу эди-да тозиям.)

Лекин, мен бари бир уйғонишимга қаттиқ
ишонардим, азизлар.

Бутунлай уйғонганимда эса:

— Ёмон туш кўрдингизми, — деб сўраётган
экан, — сочларимни

силаб туриб хотиним...



Жонатан
Ландау

БУДДА
қиссаси





ТАРЖИМОНДАН

Бундан икки йил бурун Москвага йўлим тушиб, бир инглиз, бир канадалик билан тасодифан учрашиб қолдим. Москва-река бўйлаб сайр қилдик. Улар гурунг асносида мендан: «Қаерликсиз?» деб сўраб қолишди.

— «Ўзбекистонданман»,— деб жавоб бердим.

— «Ўзбекистондан?.. Бу, чамамда, Кашмирда бўлса керак...» — деди биттаси.

— «Йўқ, Кашмирдамас, Тибетда»,— деб тузатди бошқаси.

Мен уларга ҳайрон бўлиб боқдим:

— «Магар Тошкент, Самарқанд, Бухоро деган шаҳарларни эшитмаганмисизлар?»— деб сўрадим.

— «О йес, — дейишди улар бирдан юзлари ёришиб, — Совет Сентрал Эйша!..» (Яъни, Шўро Урта Осиёси..)

Шу гап ҳар гал ёдимга тушса, менга алам қилади. Йигирма миллионли халқ бўлсагу дунё бизни танимаса? Тарихи, маданияти, неча минг йилларга туташ тупроғимиз бўлсаю дунё бизни давлатимиз номи билан эмас, жўроғий ном билан атаса? Хуллас, сталинчилар, брежневчилар баланд девор билан бизни дунёдан, дунёни эса биздан тўсиб қўйишди. Бугунга келиб дунё бизни билмайди, биз эса дунёни!..

Дунёни билиш дунёвий, маънавий қадриятларни билишдан бошланади. Шу маънода бизнинг фарзандларимиз фақат Муҳаммаднинг эмас, Исони ҳам, Мусони ҳам, бошқа авлиёю анбиё... тарихини ҳам билишлари керак! Болаларимиз дунё болалари билан учрашганда анграйиб турмасдан, истаган мавзуда дадил баҳсга киришмоқлари даркор. Ана шу ниятда Ҳиндистоннинг «Ҳимконт-пресс» нашриёти чоп этган «Будда қиссаси»ни ўз тилимизга ўгирдим. Буддага дунёмизда миллион-миллион инсонлар иқтидо этишади. Замирида теран инсоний эзгулик ётган бу буюк ва қадимий таълимотдан огоҳ бўлишимиз мутлақо зарур.

Буюк бобомиз Навоий ҳазратлари айтганларидек:

Эрурсан шоҳ агар огоҳ сен-сен,

Агар огоҳ сен-сен, шоҳ сен-сен...

Яъни, дунёдан хабардорлик халқи комил, инсони комил бўлишнинг биринчи шартидир...



ХАЙРЛИ ТАВАЛЛУД

Жуда қадим замонда, бундан кўп олис йиллар муқаддам Ҳиндистон шимолидаги кичик бир подшоликда шундай бир воқеа юз бердики, у кейинчалик бутун дунёни ўзгартириб юборди.

Подшо Шудҳодананинг хотини, малика Майя бир куни уйқуга кетиб, ғалати туш кўрди. Қараса, осмондан ярқирок бир шуъла тушиб келаётганмиш... Яна бир қараса, ўша шуълага бурканиб, оппоқ бир фил тушиб келаётганмиш... Шуълага бурканган фил яқинлашиб-яқинлашиб, охир-оқибат маликанинг баданига сингиб кетибди...

Ушанда малика бағоят хурсанд ва бахтиёр бўлиб уйғонди. Тезда подшо ҳузурига бориб, кўрган тушини унга сўзлаб берди. Сўнг иккиси тушнинг таъбирини саройдаги донишманддан сўрашди.

— «О, жаноб олийлари, — деди донишманд, — бу ғоят хайрли туш!.. Бунинг таъбири шулким, малика ўғил кўрғай ва шаҳзода буюк бир зот бўлиб етишгай. Унинг шарофати ёлғиз сизгамас, бутун дунёга насиб этгай!...»

Муждани эшитган подшо ва маликанинг бошлари кўкка етди. Подшо айниқса, хурсанд; у келажакда тож-тахтни эгаллайдиган ворис, валиаҳд туғилишини кўпдан орзу этар, мана, ўша орзуси энди амалга ошаётганди.

Уша кезларда Ҳиндистонда бир одат ҳукм сурарди: ой-куни яқинлашган аёл ота-онасининг уйига борар, ўша ерда кўзи ёриб, сўнг уйига қайтарди... Ой-куни яқинлашганини сезган малика ҳам саройни тарк этиб, канизакларини эргаштириб, ота-онасининг уйи томон йўл олди. Лекин улар узоқ йўл босишмади. Малика тўхтаб, дам олишни сўради. Уни тўлғоқ тутган эди. Улар Лумбини деб аталмиш гўзал бир боққа киришди. Малика қулай жой излаб, ҳар тарафга аланглади. Ровийларнинг ривоят этишларича, ғаройиб боланинг туғилишини сезган ҳайвонлар, оғочлар ҳам бўлажак онага кўмаклашдилар. Улкан бир дарахт ўз бутоғини унга энгаштирди. Малика ўнг кўли билан ўша бутоқни ушлаб, бор оғирлигини ўшанга ташлади-да, омон-эсон кўзи ёриди. Канизаклар чақалоқни дарҳол йўргаклаб олишди. Янги туғилган боланинг ҳусни ва ювошлиги уларни лол қолдирган эди... Гўё шу дақиқа бутун дунёни роҳат-фароғат, севинч ва саодат нашъаси чулғаб олди. Одамлар ўз ташвишларини унутдилар, урушганлар ярашдилар, меҳр-муҳаббат, инсоф-оқибат ҳислари қалбларни тўлдирди... Айрим кишилар ўшанда кўкда тўсатдан камалаклар пайдо бўлиб қолганини ва ўзга ажойиб-ғаройиб аломатлар юз берганини кўришди. Ушанда подшоликдаги оқилу доно одамлар бу хайрли аломатларни бир-бирига кўрсатиб: «Ҳозир фавқулодда бир воқеа юз берганга ўхшайди... Анави ғаройиб аломатларга боқ!.. Ҳозир тўртинчи ойнинг тўлин ой санаси!.. Чинданам шарофатли кун!» — дейишди.

Албатта, малика Майя ўзининг ўғил туғиши шодиёнаси бутун подшоликни қуршаб олганидан беҳабар эди. У эндигина дунёга келган чақалоғини бағрига босиб, эрининг ҳузурига — саройга қайтди.

АВЛИЁНИНГ ТАШРИФИ

Подшо Шудҳодана хотини ва чақалоқ ўғлини зўр қувонч ва тантана билан кутиб олди. Бутун подшоликда шодиёна байрам бошланди. Ҳаммаёққа рангоранг оловлар осишди. Бу чинданам бахт ва фароғат айёми эди. Ҳар қадамда севинч, сурур авжига чиқди — шу сабабли ота-она янги чақалоққа «Сидҳаса» деб ном қўйишди, бу — неқадам, яъни эзгуликлар келтирувчи, деган маънони билдирар эди.

Шунда донишманд чақалоққа боқиб, яна башорат қилди. «О, шохим, — деди у, — шаҳзоданинг туғилиш аломатлари ғоят хайрли. Уғлингиз ўсиб улғайғач, унинг шон-шухрати сизникидан ҳам зиёда бўлғай!...» Бу гапни эшитиб, подшонинг севинчи кўксига сиғмади. «Агар донишманднинг айтгани келса, — деб ўйлади у, — бир кун бориб, менинг ўғлим, шаҳзода Сидҳаса кичик бир подшоликка эмас, бутун дунёга ҳукмдор бўлур! Менга ва менинг хонадонимга сўнгсиз шон-шухратлар келтирур!...»



Уша кунлари янги туғилган чақалоқни кўриб, муборакбод этиш учун саройга кўплаб одамлар келишди. Улар орасида Асита деган бир қария ҳам бор эди. Асита дарвеш бўлиб, узоқ бир ўрмонда яшар, эл орасида «улуғ авлиё» деб ном чиқазган эди. Аситанинг ўрмонни тарк этиб, саройда ҳозир бўлиши подшо билан маликани ҳайрон қолдирди.

— «Ташрифингиздан бениҳоя хурсандмиз, о, улуғ авлиё! — дейишди улар камоли эҳтиром билан. — Марҳамат қилиб, келишдан мақсадингиз нелигини сўзланг, биз сизга бажону дил хизмат қиламиз».

— «Лутфу марҳаматингиз учун ташаккур, — деди Асита. — Мен даргоҳингизга узоқ йўл босиб келдим. Сабабки, яқинда ажойиб аломатлар кўрдим... Ул аломатларнинг маъноси шулким, янги туғилган ўғлингиз буюк руҳоний, билимлар эгаси бўлиб, бир кун инсонларга манфаат келтиргай... Мен бутун умримни эзгу билимлар йиғишга сарф этдим, инчунин қутлуғ-қадам чақалоқни ўз кўзим билан кўришга ошиқдим».

Подшо бу гапни эшитгач, ҳаяжонланиб ўрнидан турди-да, гўдак шаҳзода ухлаб ётган хона сари юрди. Чақалоқни эҳтиёткорона кўтариб авлиёга келтириб тутди. Авлиё бир нима демай, болага узоқ термулди. Сўнг бир-икки қадам орқага чекиниб, кўкка ғамгин боқди-да, хўрсиниб-хўрсиниб, йиғлай бошлади.


Аситанинг йиғлаётганини кўрган подшо билан малика кўрқиб кетишди. Улар келажакда боламизнинг бошига бирор фалокат ёғилса керак, деб ўйлашди. Подшо кўз ёшларини оқизиб, тиз чўкканча фарёд чекди:

«О, улуғ авлиё! — деди у. — Нега йиғлайсиз?.. Боламнинг иқболида нималар кўрдингиз?.. Сиз ҳам, бошқа донишмандлар ҳам, ўғлинг буюк зот, олий билимлар эгаси бўлур, деб каромат этгандингиз-ку!.. Бас, шундоқ экан, нечун ўғлимга боқиб, йиғлайсиз?.. Еки у тезда ўлиб қоладими?.. Еки ўзга бир фалокат юз берадимиз?.. У — менинг яккаю ягона фарзандим, кўзимнинг оқу қораси!.. Боламнинг фолида нималар кўрдингиз?.. Марҳамат қилиб, тезроқ жавоб беринг, йўқса юрагим тарс ёрилади.»

Асита подшо билан маликага мулойим боқиб, уларни юпатди. «Ташвиш тортманглар, — деди у, — мен шаҳзоданинг фолида бирор ёмонлик кўриб йиғламадим. Ўғлингизга боқиб, унинг келажакда буюк сиймо бўлиб етишувига тўла ишондим. Бунинг хос аломатлари бор, мана, унинг бармоқларидан нур таралиб туради, бу — шарафли истиқбол белгисидир... Агар ўғлингиз саройингизда қолиб, подшо бўлса, тарихда энг буюк подшо бўлур. У улкан салтанат соҳиби ўлароқ, одамларга бахт, роҳат ва фароғат келтирур... Магар у подшо бўлишни истамаса, унга янада буюкроқ қисмат насиб этар, у улуғ устоз бўлиб етишар, одамларга роҳатбахш, меҳру муҳаббатли ҳаёт йўлини ўргатар. Дунёдаги азоб-уқубатларни кўриб, саройни тарк этар ва қайғу-аламларга чек қўйиш йўлини кашф қилур... У, тинглаган ҳар бир кимсага дарс ўқиб, сабоқ берар... Йўқ, азиз шохим ва маликам, мен бола учун йиғламадим. Мен умр бўйи ҳақиқат йўли, барча қайғу-аламларга чек қўйиш йўлини изладим. Бугун менга ана шу йўлни кўрсатувчи, келажакда менга раҳнамо устоз бўлувчи болани кўриб турибман. Аммо у ўсиб улғаяркан, мен дунёдан ўтган бўламан. Ана шуну ўйлаб, қайғуга ботдим. Лекин сиз, бахтиёр ота-она, ташвиш чекманглар. Шундай болангиз борлиги учун севининглар...»

Асита шу гапларни айта туриб, болага сўнги бор термулди ва секин қадам ташлаб, саройни тарк этди. Подшо уни кузатиб, сўнг ўғли ҳузурига қайтди. У болага бирор хавф-хатар таҳдид этмаслигини ўйлаб, қувончи ичига сиғмас эди. «Сидҳаса ё буюк подшо бўлур, ёки буюк устоз-муаллим бўлиб етишур, деб авлиё башорат қилди, — деб ўйларди у. — У — подшо бўлса, яхши эди. Шавкатли ва қудрали ўғлим бор, деб қанчалар фахрланиб юрардим!.. Майли, ёши ўтиб, қариб-қартайиб қолгач, Аситага ўхшаб дарвешавлиё бўлаверсин...»

Подшо Шудҳодана чақалоқ ўғлини қўлида кўтариб, шундоқ деб ўйлар, ўғлининг келажакда шону шавкатли ҳукмдор бўлишини орзу этар эди.



МЕҲРИБОН ШАҲЗОДА

Бола ҳали гўдаклигидаёқ ойиси, малика Майя вафот этди. У вафотидан олдинроқ синглисига деди: — «Ҳадемай, нариги дунёга равона бўламан, болам онасиз қолади... Сингилжон, сен Сидҳасадан шафқат-мурувватингни аяма...» Синглиси, Сидҳасага оналик қиламан, деб сўз берди. У ёш шаҳзодани оқ ювиб, оқ тараб, ўз боласидек эъозлаб ўстирди.

Шаҳзода ақлли, хушсуврат ва меҳрибон ўспирин бўлиб етишди. Подшо уни энг яхши муаллимларга ўқитди. Кўп ўтмай, у ўзининг ўткир зеҳни, қобилияти билан устозларини ҳайратга солди. Муаллимлар подшога мурожаат этдилар. «Жаноб олийлари, — дейишди улар, — шаҳзода бизнинг дарсимизга ортиқ муҳтож эмас. Бир неча дарс давомида у биз билганларни билиб олди. Ростини айтадиган бўлсак, у энди бизнинг ўзимизга дарс бера бошлади».

Бу гапни эшитиб, подшо бениҳоя хурсанд бўлди. Уткир ақлу идроки билан ўлим албатта доно ва қудратли ҳукмдор бўлиб етишади, деб ўйлади у. Уша кунларни кўриш орзуси унинг хаёлини чулғаб олди.

Бироқ боланинг ўткир зеҳнию идрокидан ташқари яна бир ажойиб фазилати бор эди. У ғоят меҳрибон, кўнгличан ва юмшоқ табиатли эди. Унинг тенгдошлари бақириб-чақириб «уруш-уруш» ўйнашарди. Лекин шаҳзода Сидҳаса бундоқ ўйинларга аралашмас, танҳоликни севар, сарой боғидаги кичик жониворлар билан дўстлашишни хуш кўрарди. Жониворлар ҳам шаҳзоданинг беозорлигини билар, ундан чўчиб-нетиб ўтиришмасди. Бошқаларни яқинига йўлатмайдиган ёввойи ҳайвонлар ҳам у боққа кирганда, гўё салом бергандай, уни қарши олишар, сира тортинмай унинг қўлидан овқат ейишарди.

Бир кун шаҳзода боғда ёлғиз ўтираркан, бир гала оққуш унинг боши устидан учиб ўтишди. Тўсатдан камондан ўқ узилиб, бир оққуш шаҳзоданинг оёғи остига йиқилиб тушди. Уқ унинг қанотига санчилган эди.

«— Оҳ, бечора оққуш! — деди шаҳзода ярадор жониворни ердан кўтариб, — Қўрқма, ярангни ўзим даволайман. Шошма, аввал ўқни қанотингдан чиқазиб олай...» У бир қўли билан силаб-сийпаб, типирчилаётган қушни тинчитди, иккинчи қўли билан ўқни унинг қанотидан чиқазиб олди... Шаҳзода ўзи билан ҳаммаша шифобахш малҳам олиб юрарди. Уша малҳамни қушнинг ярасига сурди, юмшоқ овоз билан юпантирувчи, ширин сўзлар айтди. Сўнг ипак кўйлагини ечиб, совуққотмасин учун қушни эҳтиётлаб ўраб қўйди.

Шу пайт боққа юрганча бир бола кириб келди. Бу — шаҳзоданинг амакиваччаси Девадата эди, қўлида камон, ғоят ҳовлиқиб, ҳаяжонланиб келарди.

«— Сидҳаса, Сидҳаса! — деди у шовқин солиб. — Ажойиб хушхабар!.. Мен оққуш овладим!.. Кўрсанг, қойил қолардин!.. Бир ўқ билан йиқитдим!.. Шу атрофда бўлса керак. Кел, уни биргаллашиб излаб топайлик».

Сўнг Девадата пайқаб қолди: учи қонга бўялган ўқ Сидҳасанинг оёғи остида ётарди... Девадата синчиклаб қараб, оққушга ҳам кўзи тушди: шаҳзода уни кўтариб олганди.

«— Ҳой, менга қара! — қичқирди Девадата. — Бу менинг оққушим!.. Уни мен овлаганман, бу ёққа бер!»

У жон ҳолатда қушга ташланди, лекин шаҳзода уни яқинлаштирмади. «— Мен буни бу ерда қонга ботган ҳолда топиб олдим, — деди қатъий туриб Сидҳаса. — То яраси тузалмагунча ҳеч кимга бермайман».

«— Бу менинг оққушим! — яна қичқирди Девадата. — Мен уни отиб йиқитганман, сен эса ўғирлаб олгансан. Бер бу ёққа, бари бир уни тортиб оламан!»

Хуллас, икки бола талашиб-тортишиб қолишди. Девадата фиғони фалакка чиқиб, қичқирар, лекин Сидҳаса унинг талабини рад этарди. Ниҳоят, шаҳзода деди:

«— Катталар талашиб қолишса, ишни маҳкамада ҳал этишади. Ҳар ким бор гапни оқсоқоллар ҳузурида арз қилади. Ким ҳақ, ким ноҳақ — оқсоқоллар айтиб беришади. Кел, биз ҳам шундоқ қиламиз».



Девадата истар-истамас рози бўлди: чунки оққушни қайтариб олишнинг бошқа чораси йўқ эди. Икковлашиб подшо ва унинг вазирлари ҳузурига боришди. Сарой аъёнлари болаларнинг арзини тинглаб, мийғида кулиб қўйишди. «Шу арзимас қушни деб вақт сарфлаб, масала талашиш беҳуда», дейишди баъзи бировлар. Бироқ подшо бошқача фикрда эди. «Сидҳаса ҳам, Девадата ҳам — шаҳзода. Уларнинг масала талашиш, бизнинг ҳузуримизга келиши мени хурсанд қилди, — деди у. — Нега десангиз, бу нарса уларнинг келажақда салтанат тебратишларига ёрдам беради. Келинлар, адонат юзасидан ҳукм чиқарайлик».

Кейин болалар бўлган воқеани бирма-бир айтиб беришди. Вазирлар кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақлигини ҳал этишга киришдилар. «Оққушни Девадата отган, оққуш — уники», дейишди баъзилар. «Оққушни Сидҳаса топиб олган, оққуш — уники», дейишди бошқалар.

Вазирларнинг баҳс-мунозараси чўзилиб кетди. Шунда, кутилмаганда, саройга бир мўйсафид кириб келди. Уни илгари ҳеч ким кўрмаган эди. Донишмандлиги юзидан шундоққина кўриниб турарди. Чолга болалар ва оққуш можаросини айтиб беришди.

«— Дунёда энг бебаҳо нарса — ҳаёт, тирикликдир, — деди донишманд. — Инчунин оққуш унинг жонини олмоқчи бўлганники эмас, балки унинг жонини сақлаб қолмоқчи бўлганникидир... Оққуш Сидҳасага тегишли».

Донишманднинг сўзи ҳаммага маъқул бўлди. Оққушни шаҳзодага беришди. Донишманд кутилмаганда ғойиб бўлиб қолди. Подшо раҳмат айтмоқчи бўлиб, қанча излатмасин, бари бир, топишолмади... Ажабо, деб ўйлади подшо, чол қаёқдан келдию қаёққа кетди?.. Бироқ бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Бу — шаҳзода билан юз берган сирли, ғалати воқеалардан бири эди. Кўпчилик одамлар уни чиндан ҳам ғаройиб бола экан, деб ўйлашар эди.

ҚАЙЛИҚ УЧУН КУРАШ

Бола ўсиб-улғайган сайин, одамларнинг унга муҳаббати орта борди. У ҳамма билан чинакам меҳрибонлик ила муомала қилар эди. Буни кўрган подшо ташвишга тушиб қолди. Сидҳаса ўта кўнгилчан ва ҳиссиётли бўлиб ўсаяпти, деб ўйлади у, бунақада қаттиққўл ва қудратли ҳукмдор бўлиб етишуви даргумон. Кун бўйи боғда ёлғиз ўлтиради, мамлакатни бошқариш ишига қизиқмайди. Ҳадемай, Аситага ўхшаб дарвеш-қаландар бўлиб, саройни тарк этиши ҳеч гапмас. Унда у ҳеч қачон буюк подшо бўлолмайди...

Шундай ўйларга ботиб, подшо тинчини йўқотди. Энг ишончли ва доно вазирларини чақириб, маслаҳат солди.

«— О, подшоҳим, — деди вазирлардан бири, — шаҳзода боғда ёлғиз ўлтириб, ўзга дунёлар ҳақида хаёл суради... Сабабки, бу дунёда у ҳеч нарсага кўнгил қўймаган. Унга муносиб бир қайлиқ топиб, уйлантиринг, бола-чақали бўлсин, шунда хаёл суришни қўйиб, подшолик ишларига қизиқади...»

Бу маслаҳат подшога маъқул тушди. У саройда катта зиёфат уюштирди. Аслзода оилаларнинг қизларини таклиф этишди. Зиёфат охирида шаҳзода меҳмонларга совға-салом улашадиган бўлди. Вазирлар яқиндан кузатиб, шаҳзоданинг кўнгли қайси қизга мойил бўлганини аниқламоқчи эдилар.

Ниҳоят, зиёфат тугаб, қизлар шаҳзоданинг қошига қимтиниб-тортиниб кела бошлашди. Ҳушсурат шаҳзода қимматбаҳо совғалар уюлган миз^{*} ёнида хаёлга чўмиб ўлтирар, афтидан, сокин ва хотиржам кўринарди. Қизлар нигоҳларини ердан кўтармай, жимгина яқинлашар, шаҳзодадан марварид маржон, олтин билагузук ёки бошқа бирор совға-салом олиб, дарҳол ўз йўлларига равона бўлишарди.

^{*}Миз — стол



Энг охирида совға олмаган ёлғиз бир қиз қолди. У қўшни подшонинг қизи — Ясодҳара эди. Ясодҳара бошқаларга ўхшаб тортиниб-нетиб ўлтирмади, дадил яқинлашди. Шу оқшом шаҳзода қаршисида турган қизга илк бор тикилиб боқди. Қиз беҳад гўзал эди. Шу бир боқишда шаҳзода унга мафтун бўлиб қолди. Улар бир-бирларига бир зум термулиб туришди. Сўнг Ясодҳара: «О, шаҳзодам, менга берадиган совғангиз қани?» — деб сўради. Шаҳзода худди уйқудан уйғонгандек, бир чўчиб тушди. Олдида турган мизга боқди: миз бўм-бўш, совғалар аллақачон меҳмонларга улашиб бўлинган эди. Шунда у: «Мана бу — сеники», деб бармоғидан узугини чиқазиб, қизга узатди. Қиз миннатдор бўлиб узукни олди-да, шошилмай йўлига равона бўлди.

Бу воқеани кўрган вазирлар ҳовлиқиб-довлиқиб подшонинг ҳузурига югуришди. «О, подшоҳим, — дейишди улар, — ўғлингизга муносиб қайлиқ топилди. У — қўшнингиз, подшо Супрабудданнинг қизи, шаҳбону Ясодҳара. Хўп, десангиз, ҳозироқ бориб, ўша қизни шаҳзодага унашамиз».

Подшо Шудҳодана рози бўлди ва кўп ўтмай қўшни подшонинг саройига ташриф буюрди. Ясодҳаранинг отаси уни хурсандчилик билан қарши олди. «Ўғлингиз ажойиб йигит эканига шубҳам йўқ, — деди у, — лекин мен қизимни унга дарҳол узатолмайман. Сабаби, қизимга совчи қўйиб юрган шаҳзодалар кўп, бари азамат, ўктам йигитлар — от чопиш, камондан ўқ узиш ва бошқа ҳунарларда нодиру ягона. Ўғлингиз қизимга уйланмоқчи бўлса, удумимизга кўра, ўша йигитлар билан беллашиб кўрсин».

Хуллас, йигитлар орасида катта мусобақа ўтказилиб, ғолиб чиққан Ясодҳарага уйланадиган бўлди. Подшо Шудҳодана яна ташвишга тушиб қолди: «Менинг ўғлим жанговар ўйинларга ҳеч қачон қизиқмаган. Мусобақада ғолиб чиқармикин?» — деб ўйлади у. Шаҳзода отасининг ташвишланаётганини кўриб, унга тасалли берди: «Ота, хотиржам бўлинг. Мен мусобақада ғолиб чиқаман. Ясодҳара меники бўлади».

Илк мусобақа — камондан ўқ узиш эди. Биринчи талабгор нишонни анча узоққа кўйди. Камончи ўша нишондаги «буқанинг кўзи»га отиши шарт эди. Навбат Девадатага етганда, — талабгорлар сафида Сидҳасанинг амакиваччаси ҳам бор эди, — у нақ мўлжалга отди, унинг ўқи нишонга тегиб, теши ўтди. Ясодҳара кўрққанидан кўзларини юмиб олди. «Севгилим Сидҳаса нишонга урармикин? — деб ўйлади у, — Девадатага тегадиган бўлсам — қандай даҳшат!..»

Лекин шаҳзоданинг ўзидан кўнгли тўқ эди. Навбат унга етганда, нишонни шундай узоққа сурдики, тикилиб боққанда ҳам, у аранг кўзга чалинарди. Сўнг шаҳзода садоқдан ўқ олиб, камонга жойлади. Уни куч билан орқага тортаркан, камон ипи бардош беролмай, «ширт» узилиб кетди.

«— Менга бошқа камон беринглар, — деди шаҳзода, — бақувват бўлсин, мана бунга ўхшаб узилмасин».

Шунда ҳозир бўлган бир вазир деди:

«— О, шаҳзодам, саройда эски бир камон бор. Қадимги баҳодирлардан қолган. Уша баҳодир ўлгандан буён, ундан ўқ узишга ҳеч кимнинг кучи етмаган».

«— Уша камонни келтиринглар», — деди шаҳзода. Эшитганлар ҳайрон қолишди. Камонни келтиришди. Шаҳзода унга ўқни жойлаб, ипни шундоқ зарб ила орқага тортдики, камон эгилиб, икки учи бир-бирига тегай деб қолди. Сўнг мўлжал олиб, отди. Варанг!.. Камондан шундай садо таралдики, у ҳатто узоқ қишлоқлардаги одамларга ҳам эшитилди. Ўқ айнан «буқанинг кўзи»га бориб санчилди, санчилиб қолмади, балки нишонни ҳам кўтариб, яна олға учди ва кўздан ғойиб бўлди...

Ҳозир бўлганлар: «Шаҳзода енгди!.. Шаҳзода ғолиб чиқди!..» дея баралла ҳайқиришди. Бироқ камондан ўқ узиш — беллашувнинг биринчи шarti бўлиб, навбатдаги мусобақа қиличбозлик эди. Ҳар бир йигит бир зарб ила дарахтни шартта чолиб, ўз кучи ва махоратини кўрсатиши лозим эди.



Биринчи талабгор танасининг йўғонлиги билакдек келадиган навниҳолни чопиб, йиқитди. Иккинчиси уч билак йўғонликдаги оғочни, яна бошқаси оёқ йўғонлигича келадиган дарахтни бир қилич сермашда чопиб, йиқитди.

Навбат шаҳзодага етди. У қўш танаси бир-бирига тутшиб ўсган улкан дарахтни танлади. У қиличини шундоқ тез сермадики, тиг дарахтни шарт кесиб ўтганини кўплар пайқамай қолишди. Олмосдек шамшир билан кесилган дарахт қимирламай, ўз ўрнида тураверди. Буни кўрган халойиқ, айниқса, Ясодҳара «оҳ!» тортиб юборди. «Шаҳзода энгилди!.. Унинг қиличи дарахтнинг қўш танасидан биттасини ҳам кесолмади», деган нидолар учди. Аммо шамол эсиб, кесилган таналар секин бир ёққа оғаркан, одамлар: «Шаҳзода энгди!.. Шаҳзода ғолиб чиқди!..» дея яна қийқириқ солишди.

Сўнги мусобақа — чавандозлик эди. Ҳеч қачон минилмаган ёввойи отни бир неча киши арқонлаб, жиловлаб, ўртага олиб тушдилар. Биринчи талабгор минаркан, от уни бир лаҳзада улоқтириб ташлади. Иккинчи йигит эгарда бир неча дақиқа тура олди, холос. Ҳазабланган от тикка сакраб, шаталоқ отиб, уни ҳам «чалпак» қилди, одамлар ёрдамга етиб келишмаганда, топтаб тупроққа қориштириши турган гап эди...

Шунда халойиқ орасида шовқин-сурон кўтарилди: «Мусобақа тўхтатилсин!.. Шаҳзода отга яқинлашмасин!.. От уни ўлдириб қўяди!..»

Сидҳаса бу сўзларга парво қилмади. «Меҳрибонлик кўпол кундан кучлироқдир», деб ўйлади у. Сўнг отга аста яқинлашди, секин ёлидан ушлади, ширин сўзлар айтиб, силаб-сйлаб, жониворни ўзига ром этди. Ҳадемай, от унга ўрганиб қолди, тили билан унинг қўлини ялай бошлади. Шунда шаҳзода яна шивирлаб, эркалаб, ўзини эпчиллик ила эгарга олди. Халойиқ шод-хуррам бўлиб, чуввос кўтарди. Сидҳаса вазирлар олдидан тулпорини гижинглатиб ўтди, суюклиси Ясодҳарага эгилиб, салом берди. Мусобақа тугаган, у ғолиб чиққан эди. У нафақат тенгсиз баҳодирлигини, балки ажойиб меҳрибонлигинию назокатини ҳам намойиш этган эди.

РОҲАТИЖОН САРОЙЛАР

Кўп ўтмай, шаҳзода Сидҳаса билан шаҳбону Ясодҳаранинг тўйлари бўлиб ўтди. Подшо, ўғлим подшоликни тарк этишни сира ўйламасин, деб янги келин-куёвга бир эмас, бир йўла учта қаср қуришни буюрди.

«— Уларни имкони борича гўзал қилиб қуриб, — деб тайинлади у мезморлар бошлиғига. — Шундай муҳташам қилиб қуриб, уларга кирган киши ўзини ердасмас, кўкда деб ҳис қилсин... Биринчиси, ёзги сарой бўлсин, мрамардан қурилиб, атрофи зумрад ҳовузлар, қумуш фавворалар билан ўралсин. Иккинчиси, қишки сарой бўлсин, илиқлиги, шинамлиги билан дилларни хушнуд этсин. Учинчиси, ёмғирлар мавсумига монанд қилиб қурилсин... Қасрларни улкан боғ ичра барпо қилиб, гўзал манзаралар уларни ҳар тарафдан ўраб турсин. Боғ атрофида баланд девор кўтарилсин. Бирор нохуш гап, ёқимсиз овоз ташқи дунёдан ичкарига киролмасин. Ҳамма нарса шу қадар гўзал ва мукамал бўлсинки, шаҳзода бу ерни ҳеч қачон тарк этишни истамасин».

Подшо шаҳзоданинг янги масканлари кўркам ва жозибадор бўлиши йўлида ҳеч нарса аямади. Мамлакатдаги энг моҳир созанда ва хонандаларни гўзал саройларга йиғди. Улар тонгдан шомгача соз чалиб, қўшиқлар айтишар, сулув канизаклар рақсга тушиб, ҳаммиша хизматда бўлишар, ошпазу баковуллар лазиз таомлар тайёрлашар, дарстурхондан анвойи ноз-неъматлар аримасди. Ҳеч нарса шаҳзоданинг тинчини бузмас, ҳамма нарса уни кайфу сафога ундарди.

Шаҳзода бир неча йилни шундай роҳат-фароғатда кечирди. Ҳар кун эртадан кечгача минг бир йўл билан унинг кўнглини овлашарди. У гўзал бўлмаган ҳеч нарса кўрмас, ширин ва ёқимли бўлмаган ҳеч нарса эшитмасди. Канизаклардан бирортаси касалга чалиниб қолса, дарҳол уни саройдан олиб кетишар, то тузалмагунча уни қайтаришмасди. Шу тариқа шаҳзода касаллик нима билмасди, бирор нарса унинг роҳатини бузмасди.



Подшо, шаҳзода билан гаплашганда, унинг таъбини хира қиладиган бирор гап айтманглар, деб ҳаммага тайинлаган эди. Боғда бирор ўсимлик сўлиб, қурийдиган бўлса, боғбон дарҳол уни кўздан йўқотар эди. Шундай қилиб, шаҳзоданинг кўзи ҳеч қачон сўлиган ёки қуриган гулга тушмасди. У дунёнинг ташвиш ва аламларидан тамоm фориғ ва беҳабар эди.

Йиллар гўзал тушдек оқиб ўтдилар. Ясодҳара ўғил кўрди. Ҳамма нарса гўзал ва тўкис эди. Нияти амалга ошаётганидан подшо ҳам хурсанд, зеро, шаҳзода энди салтанат ишларига қизиқиб қолиши ҳам мумкин эди.

Аммо бу дунёнинг бахт ва севинчи бўлиб туғилган Сидҳасанинг бутун умри шундай роҳат-фароғатда кечаркан, деган маънони билдирмайди. Бир кун келиб, у умрдан мақсад на эканлигини англайди ва ҳаётнинг асл маъносини кашф этади.

ГЎЗАЛЛИК ҚЎШИҒИ

Бир оқшом, овқатдан сўнг, шаҳзода Сидҳаса хотини Ясодҳаранинг тиззасига бош қўйиб, ястаниб ётди. Машшоқлар дилбар куй чалар, канизаклар ўзаро шивирлашиб, кулишарди... Бу шаҳзода роҳатижон саройларда кечирган одатдаги оқшомлардан бири эди. Лекин у негадир ўзини нохуш сезарди. Шунинг учун бўлса керак, у севимли хонандаларидан бирига боқиб деди: «Марҳамат қилиб, қўшиқ билан бизни аллала... Илгари сира айтмаган қўшигингни айт».

Хонанда бажону дил рози бўлди ва тор чертиб, юрагидан чиқазиб, янги бир қўшиқ айта бошлади. У дунёнинг гўзалликлари, болалигида ўзи саёҳат этган олис ўлкалар, одамлари шод ва бахтиёр ҳаёт кечириётган олтин шаҳарлар ҳақида куйлади.

Қўшиқ шаҳзодани сеҳрлаб қўйди. Қўшиқ тугагач, у хонандадан сўради:

— «Менга айт-чи, мана шу деворлардан нарида шундай ғалати жойлар борлиги чинданам ростми? Одамлар шаҳарда қандай ҳаёт кечиришади? Дунёда мен ана шу муҳташам саройларда кўрган нарсалардан ҳам гўзалроқ нарсалар борми? Марҳамат қилиб, ҳамма билганларингни менга айтиб бер».

— «О, шаҳзодам, — деб жавоб берди хонанда, — саройларингиз чинданам муҳташам, аммо дунёда инсон кўрса арзигулик ажойиб-ғаройиб нарсалар оз эмас. Бир-бирига сира ўхшамаган шаҳар ва кўрғонлар, тоғлар ва водийлар, одамлари ўзга тилда сўзлашувчи эллар, элатлар бор. Кўрганларим-ку кўрганим, эшитгаларим ундан ҳам зиёда... Сизнинг саройларингиз чиндан ҳам аломат, аммо ана шу деворлардан нарида кўрса арзийдиган нарсалар ошиб-тошиб ётибди».

Бу гапни эшитган шаҳзода ўша ажойиб-ғаройиб нарсаларга астойдил қизиқиб қолди. У йиллар бўйи роҳатижон саройлар, боғлар билан чекланиб, ташқи дунёни буткул унутган эди... Энди эса саёҳат қилиш орзусига тушди, подшога мактуб ёзиб, саройлар ва боғлардан ташқаридаги шаҳарни сайр этишга рухсат сўради.

Подшо ўғлининг мактубини олиб, ўйлаб қолди: «Уғлим подшоликни кўришни истаяпти. У роҳатижон саройларда узоқ яшади. Энди ўзи келажакда ҳукмдор бўладиган мамлакат билан танишса, нур устига аъло нур...»

КУТИЛМАГАН ҲОДИСА

Шаҳзоданинг кўнглини ғаш қиладиган бирор нарса унга учрамаслиги лозим, деб ўйлади подшо, йўқса, у салтанатдан кечиб, дарвешлик йўлига кириши ҳеч гапмас... Шунинг учун шаҳзода шаҳар бўйлаб сайрга чиқишдан бир кун олдин у буюрди: «Фармони олий!.. Эртага шаҳзода Сидҳаса пойтахт Капилавасти бўйлаб сайрга чиқади. Унинг шарафига ўйлар ва кўчалар безатилсин, ҳамма нарса байрамдагидек яратилсин. Касаллар, қариқаранглар уйда ўлтиришсин. Ёш-навқирон ва гўзал бўлмаган ҳеч кимса шаҳзоданинг кўзига чалинмасин». Ана шу фармондан сўнг навқарлар



кўча-кўйда тентираб юрувчи тиланчиларни йиғиб, шаҳарнинг овлоқ бир чеккасига ҳайдашди.

Эртаси кун эрталаб отбоқар Чанна шаҳзоданинг суюкли оти Кантакани ясатиб, аравага кўшди-да, Сидҳасани сайрга олиб чиқди. Болаликда кўрганини ҳисобга олмаганда, шаҳзода шаҳарни биринчи кезиши эди. Шаҳар фуқароси ҳам Сидҳасани биринчи бор кўришаётган эди. Ярқироқ арава байрамона безатилган кўчалар бўйлаб елдек учиб бораркан, уни узоқ-яқиндан кўриб қолган кишилар ҳаяжонга тушишарди. «Хушсуврат ва адлқомат йигит экан, — дейишарди улар шаҳзодани бир-бирларига кўрсатиб. — Бежирим қош-кўзларини айтмайсизми? Юзидан ақл ёғилиб туради. Бир кунмас бир кун тож-тахт эгаси бўлса, омадимиз келди, деяверинг!..»

Шаҳзода ҳам сайрга чиққанидан ғоят хурсанд эди. Шаҳар ясаб безатилган, ҳаммаёқ чиннидек топ-тоза, одамлар ўйин-кулгу қилишар, кўшиқ айтиб, рақсга тушишарди. Кўчалар бошдан-охир гулларга бурканган, бу ҳам етмагандай, яна ҳар қадамда суюкли шаҳзодага гулдаста отишарди.

— «Хонанданинг куйлаганича бор экан, — деб ўйлади шаҳзода қувончи ичига сиғмай, — бу чиндан ҳам аломат, олтин шаҳар!..»

Лекин шу тобда қутилмаган бир воқеа юз берди: шаҳзода ўйин-кулгу қилаётган халойиқ орасида мункиллаган, қариликдан қомати дол, мискин қиёфали бир одамни кўриб қолди. Ажабо, бунақасини илгари у сира кўрмаган эди, шунинг учун дарҳол ўгирилиб, Чаннадан сўрай кетди:

«— Ҳой, менга қара, Чанна!.. Анали одам ким бўлди экан? Нега унинг қомати букик ва бошқаларга ўхшаб рақсга тушмайди? Нега унинг юзи бошқаларникидек сип-силлиқ эмас, сарғайиб, ажин босган? Нега у бошқаларга сира ўхшамайди?..»

Чанна халойиқ орасида унча кўзга ташланмай турган ҳалиги одамга боқиб, шаҳзодага деди:

«— Анавини айтаяпсизми, шаҳзодам? У — қари чол-ку...»

«— Қари чол дейсанми? — тагин сўради шаҳзода. — У илгари ҳам шундоқ қари чол бўлганми? Еки кейинчалик шу аҳволга тушганми?»

«— Йўқ, у илгари қари бўлмаган, — деди Чанна, — бир неча йиллар олдин у ҳам бошқаларга ўхшаб ёш ва навқирон бўлган. Аммо йиллар ўтаркан, куч-мадори кетиб, қомати букилган, юзлари сўлиб, тишлари тўкилган, оқибатда мана шу аҳволга тушиб қолган.»

Сидҳаса бу гапни эшитиб ҳайрон қолди ва маъюсланиб, яна сўради:

«— Қариликдан шу аҳволга тушган ёлғиз унинг ўзими? Еки бошқалар ҳам борми?»

— Шаҳзодам, мен сизга айтсам, — деди Чанна, — қарилик — ҳамманинг бошида бор савдо. Сиз, мен, хотинингиз Ясодҳара, ўғлингиз Раҳула, саройдаги ҳар бир кимса, хуллас, ҳаммамиз дам сайин, дақиқа сайин қариб борамиз. Ва бир кун келиб, ана шу мункиллаган чолга ўхшаб қоламиз.»

Бу сўзлар шаҳзодага шундоқ таъсир қилдики, у узоқ вақт нафасини ичига ютиб, жим ўлтирди. Ниҳоят, нафасини ростлаб, деди:

«— О, Чанна, мен бугун сираям қутилмаган воқеага дуч келдим. Бахтиёр ёш-яланглар орасида учраган қари чол мени кўрқитиб юборди. Аравани орқага бур... Сайру саёҳатдан олган завқу шавқимнинг бари чиппака чиқди. Қани, орқага ҳайда, бошқа кўришга тоқатим йўқ.»

Чанна буйруқни бажо этди. Шаҳзода саройга келиб, ҳеч ким билан саломлашмай, ўзининг юқори қаватдаги ётоғига кириб, ўй-хаёлга чўмиб, узоқ ўлтирди. Атрофдагилар унинг кайфиятини кўтариш учун қанча ури-нишмасин, бари фойдасиз бўлиб чиқди. Овқат маҳали гарчи ошпаз унинг сеvimли таомини тайёрлаган бўлса-да, дарстурхонга қиё боқмади. Машшоқлар куй чалиб, раққосалар рақсга тушишса ҳам, парво қилмай, ўй-хаёлга ботиб ўлтираверди. У тинимсиз йўсинда: «Қарилик, қарилик, қарилик...» деб пичирлар эди.



ИККИНЧИ САЕҲАТ

Подшо ўғлининг тушкун кайфиятини эшитиб, ташвишга тушди. Қандай бўлмасин, ўғлининг кўнглини хушлаш керак, деб ўйлади отаси, мен айтай, уни яна бир бор саеҳатга олиб чиқишин. У шаҳарнинг тагин ҳам гўзалроқ гўшалари бўйлаб сайр этсин...

Чанна Кантакани яна аравага кўшди. Капилавасти бўйлаб яна сайрга чиқишди. Кўчалар аввалгидек безатилган, халойиқ яна ҳар қадамда шахзодани севиниб, тантана билан қаршилар эди. Аммо қутилмаганда, ўйин-кулгу қилаётган халойиқ орасида касалманд бир киши пайдо бўлиб қолди.

«— Ҳой, менга қара, Чанна! — деди шахзода. — Анави зўр бериб йўталаётган киши ким бўлдийкин? Шўрлик намунча қалтирайди? Намунча нола чекади?»

«— У — касалманд бир киши, шахзодам».

«— Нега у касал бўлади?» — ҳайрон қолиб сўради шахзода.

«— Бунинг сабаблари кўп, шахзодам. Бирор ёқимсиз овқат еган ёки шамоллаб қолган бўлса, ажабмас. Шу сабабли саломатлиги ёмонлашиб, титраб-қақшаб йўталаёпти».

«— Халойиқ ичидаги анави бахтли одамлар ҳам касалга чалинадими?»

«— О, албатта, — деб жавоб берди Чанна, — киши бир кун соғ бўлиб, иккинчи кун касал бўлиши ҳеч гапмас. Касалликдан қочиб қутулиб бўлмайди».

Шахзода яна онг-тонг бўлиб туриб қолди.

«— Ҳеч тушунмайман, — деди у ўз-ўзига, — қандай қилиб одамлар истаган пайтда касалга чалинишларини била туриб, тагин ўйин-кулгу қилишади? Аравакаш, аравангни орқага бур. Бугунча кўрганим етар...»

Саройга қайтгач, шахзода аввалгидан ҳам кўпроқ маъюс тортиб қолди. Ҳеч нарса унинг кўнглига сикмас, ҳеч ким билан гаплашишни истамасди. Ўғлининг бу аҳволдан огоҳ бўлган подшо баттар ташвишга тушиб, калавасининг учини йўқотиб қўйди.

«— Мен ўғлимни бахтли қилиш учун ҳамма нарсани муҳайё этдим...

Лекин кутганим тескари бўлиб чиқди, энди вазирларим билан гаплашиб олмасам, бўлмайди, шекилли», — деб ўйлади у.

Вазирлар маслаҳат беришди: шахзода эндиги гал саеҳатга ёлғиз чиқмасин, кўшиқчилар, раққосалар, сарой аъёнлари билан бирга чиқсин: улар шахзодани хос боққа бошлаб бориб, ўша ерда ўйин-кулгу билан унинг кўнглини очишсин...

Хуллас, шахзодани яна сайрга чиқишга таклиф этишди. Лекин аввал бошда роса ҳозирлик кўришди. Шаҳар кўчалари аввалгидан ҳам чиройли қилиб безатилди. Кўрганда юракни ғаш қиладиган нарсаларни четга сурилди. Турфа ўйин-кулгу учун махсус боғ ҳозирланиб, ҳамма нарса муҳайё қилиб қўйилди.

СЎНГИ ЛАРЗА

Сидҳаса билан Чанна яна аравага ўлтириб, саройдан чиқишди. Вазирлар, машшоқлар, мулозимлар шахзодага эргшиб, турнақатор бўлиб йўлга тушишди. Халойиқ аввалгидек кўча-кўйни тўлдириб, шоҳона изди-ҳомни шодиёна қарши олар, мамнуният билан кузатиб қоларди.

Аммо шахзода тагин қутилмаган ҳодисага дуч келди. Унинг кўз олдидан бир гуруҳ киши тобут кўтариб чиқиб, ён кўчага томон секин йўл олишди.

«— Ҳой, Чанна, одамлар кўтаришиб бораётган анави киши ким бўлдийкин? Нега у жим ётибди? Ухлаёпти шекилли? Нега одамлар йиғлашади? Уни қаёққа олиб боришяпти?»

«— У — энди марҳум, — деб жавоб берди Чанна, — уни дарё бўйига олиб бориб, ёқишади».

Шахзода лол бўлиб қолди... Сўнг секин сўради:

«— Марҳум деганинг нима? Ёқишса, унга зиён етмайдами? Чанна, тушунтириб бер, бунинг маъносини мен англаб олай».



Отаси йиллар бўйи яшириб келган ҳақиқатни Чанна шаҳзодага тушунтириб берди:

«— У одам худди мену сизга ўхшаб бошда тирик бўлган. У гўдак бўлиб туғилган, сўнг бола бўлиб ўсган, ўсиб, улғайиб, йигитга айланган. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, уйланиб, бола-чақа орттирган, ишлаб, тирикчилик қилган, кейин қариб, соч-соқоли оқарган. Аста-секин куч-қуввати кетиб, охир-оқибат тўшакка ётиб қолган. Кўзлари хиралашиб, сўнги пайтларда дўст-ёронларини ҳам таниёлмаган. Аҳволи баттар оғирлашиб, ниҳоят, жон берган. Сўнги нафаси билан ақлу ҳуши, куч-мадори ҳам уни тарк этган. Энди у ўлик, яъни марҳум. Ундан қолгани ҳеч нарсани ҳис этмайди — жонсиз, совуқ жасад. Оиласи олиб бориб ёққанда ҳам у ҳеч нарсани сезмайди, чунки энди у — тарк этилган, ташлаб кетилган тана».

«— Менга айт-чи, Чанна, — деди шаҳзода, — шу йўсундан қариб, хасталаниб ўлиш одамлар учун ғайриодатий бир ҳодисами?».

Аравакаш жавоб берди:

«— Йўқ, шаҳзодам, сираям ундоқ эмас. Тўғри, баъзилар қаришга улгурмайди, айримлар касалга камдан-кам чалинади. Лекин бир кунмас бир кун бари бир ўлади, жон беради...»

Аравакаш томонидан хотиржамлик билан айтилган бу сўзлар шаҳзодини тош қотириб қўйди.

«— Бундан чиқдики, — деди у ҳаяжонланиб, — бир кунмас бир кун хотиним, болам, дўстларим, мен албатта ўлар эканмиз-да. Ҳаммани ўлим кутаётганда рақсга тушиб, қўшиқ айтаётган бу дунё чиндан ҳам кўзи кўр, сўқир эмасми? Одамлар яхши кийиниш учун намунча ўлиб-тирилишадими? Охир-оқибатда кафан кийишини ўйлашмайдимиз? Уларнинг хотираси шу қадар заифми? Улимни нега дарҳол унутиб қўйишадими? Эки юраклари тошми? Улим ҳақидаги ўйлар нега ўша тошни эритмайди?.. Чанна, аравани орқага бур. Мен тезроқ саройга бориб, ёлғиз қолиб, шулар хусусида ўйламоқчиман».

Лекин Чанна аравани саройга эмас, ясалган боққа бурди. Бу ерда гўзал хонандаю раққосалар, машшоқу мулозимлар, аёну ақобирилар ҳозир-нозир бўлиб туришганди. Улар шаҳзодага пешвоз чиқиб, уни олқишлар айтиб, кутиб олишди. Лекин шаҳзода уларга қайрилиб ҳам боқмади. Унинг бутун фикру хаёли боягина кўрганни мулоҳаза этиш билан банд эди.

ФОНИЙ РОҲАТЛАР

Барча шаҳзоданинг кўнглини овлашга уринарди. Раққоса қизлар ноз-карашма қилиб, унинг атрофидан айланишар, унинг келишган юзида жиндак табассум нишонаси кўринармикин, деб кўз тутишарди. Лекин Сидҳаса уларга парво қилмас, хаёлида қарилик, касалмандлик ва ўлим манзаралари тинимсиз чарх урарди.

Шаҳзоданинг ўйин-кулгуга майли йўқлигини кўрган вазирлардан бири унга яқинлашиб, дўстона ҳазиллашиб деди:

«— Сидҳаса, шундоқ гўзал раққосаларга қиё боқмаётганингиз, биз билан хурсандчилик қилмаётганингиз инсофдан эмас. Келинг, энди бўлди қилинг. Ахир, ёшсиз, соғломсиз, айни ўйнаб-куладиган вақтингиз... Сизга не бўлди ўзи? Эки бу жононлар сизга хуш ёқмаяптими?»

Шаҳзода секин, аммо қатъий жавоб берди:

«— Сиз мени нотўғри англабсиз. Бу гўзаллар менга хуш ёқади ва уларга боқиб, албатта хурсанд бўламан. Лекин уларнинг хусну малохати ҳадемай адо бўлишини, кўз очиб юмгунча ҳамма нарса ўзгариб қолишини ўйласам, севинчимдан асар ҳам қолмайди, маъюсликка бериламан.

Тўғри, бу ерда ҳозир қарилик ҳам, касаллик ҳам, ўлим ҳам йўқ. Бу кўрку малохатлар менга ҳам роҳат бағишлаши мумкин эди. Аммо теварак-атрофда бахтсизликлар ҳукм суришию келажакда ҳаммамизни нималар кутишини била туриб, бу фоний, ўткинчи роҳат-фароғатлардан нечук баҳра олай?



Сиз, дўстим, чиндан ҳам довюрак одам экансиз, ҳарқалай, шунчалик хурсандчилик қиласиз... Аммо менга ҳамма нарса куйиб-ўртаниб, азоб-уқубатга қоришиб кўринади. Уша азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини топмагунча, бу эрмаклар, бу дунёвий ҳаю ҳаваслар менга эриш туюлади».

Хуллас, шаҳзоданинг чеҳраси ёришмади. Ҳамма алам-андухга ботиб, саройга қайтди. Уғлининг аҳволини эшитиб, подшо тинчини йўқотди, кўзларидан уйқуси ўчди.

«— О, болагиман, — деб ўйлар эди у, — не қилсам, ёнимда қолсан? Не қилсам, тожу тахтни ташлаб кетмайсан? Сени қўлдан бериб қўймаслик учун яна нималар қилсам экан-а?..»

У ёлғиз фарзандининг тақдирини ўйлаб, тунлари мижжа қоқмай, хўрсиниб, тўлғаниб чиқарди...

ДУНЕНИНГ ХАЕЛИ

Шаҳзода кун сайин хаёли паришон бўлиб, тушқунликка тушиб бораверди. Ҳеч кимсага қайрилиб боқмас, ҳеч нарсага қизиқмас эди. Бориб-бориб ноз-неъматга ҳам қарамай қўйди. Натижада ранги ўчиб, юзлари синиқиб, касалмандга ўхшаб қолди. Сидҳасанинг бу аҳволини кўрган подшо ҳам, унинг яқинлари ҳам баттар ташвишга тушишди.

Шаҳзода бир куни подшонинг ҳузурига келиб: «Ота, сизга бир арзим бор, — деб секин гап бошлади. — Кейинги пайтларда хаёлим ғоят паришон. Ўзимни ҳорғин-толғин ҳис этаман. Рухсат берсангиз, яна бир бор саёҳатга чиқсам. Сайру саёҳат этиб, кўрмаган жойларимни кўрсам, пича тузаларман, деб умид қиламан», — деди.

Подшо бу гапга бажону дил рози бўлди. У ўғлининг бахти, хурсандчилиги йўлида ҳеч нарсани аямасди. Шунинг учун дарҳол содиқ вазирларини қақриб, ўғлимга саёҳатда ҳамроҳ бўлинглар, унинг ҳолидан ҳамиша огоҳ бўлинглар, деб тайинлади.

Сидҳаса сеvimли бедови Кантакани бу гал ўзи эгарлаб отланди-да, саройдан чиқди ва ғўзал манзаралар қайдасиз, деб йўлга тушди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир деҳқоннинг даласига етиб келди. Шу ерда отдан тушди. Ҳамроҳлари ҳам отдан қўниб, ғалати ривоятлар, ҳар турли хангомалар билан унинг кўнглини овламоқчи бўлишди. Лекин шаҳзода олди-қочди гапларга қулоқ осмагач, улар уни ёлғиз қолдириб, нари кетишди, ўзоро ивир-шивир, ғийбат қилишда давом этишди.

Сидҳаса қаршисида ястанган далага боқди. Деҳқон кўш хўкиз билан ер ҳайдар, қушлар ҳавода чуғур-чуғур сайрар, қуёш ярқираб нур сочарди. «— Ажойиб жойлар экан, — деб ўйлади шаҳзода, — ҳайдалган ер худди шамолда тўлқинланган кўлга ўхшайди...»

У уватга ўлтирди, илк дафъа хаёли равшан тортиб, енгил нафас олди. Аммо қаршисида кўз илғаган манзарага тикилган сёйин, илгари пайқаманган нарсаларни илғай бошлади. Омоч шудгор қилган ерларда уяси бузилиб, ўлган ёки омон қолиб, ҳар томонга тумтарақай қоचाётган юзлаб ҳашаротларга кўзи тушди. Сўнг шуни ҳам пайқадими, қушлар фақат шўх-шодон сайрашаётгани йўқ, улар тинимсиз овқат излашади, баланддан пастга шўнғиб, ҳашаротларни овлашади. Кичик қушлар ўз бошлари устида ажал ваҳмасини солиб, чарх уриб айланаётган йиртқич қирғийлардан қўрқиб, чирқираб, нола чекишади.

Яна шуни пайқадими, ерга чуқур ботган омочни аранг судраб, хўкизлар оғир қадам босишади. Уларнинг терлаган елкаларида деҳқоннинг омонсиз гаврони солган тариқатли излар кўзга ташланади. Деҳқоннинг ўзи ҳам ҳансираб оёқ босади. Унинг кўмирдек қорайган, тер босган тани қуёшда йилтирайди.

«Дунёнинг иши — азоб экан-да, — деб ўйлади шаҳзода, — мана бу деҳқон ва хўкизлар, мана бу қушлар ва ҳашаротлар қорин тўйдириш ғамида кун бўйи овора бўлишади, турмушим тўкис, ўзим бахтли бўлай, деб елиб-югуришади. Лекин улар аслида ўзларини ва бир-бирларини ғорат қилишади. Ғалати дунё экан!..»

Азоб-уқубат чекаётган жониворларга боқиб, шаҳзоданинг юраги ачишиб кетди. Уларнинг аянчли аҳволи Сидҳасани қайғуга солди. Шаҳзода каттақон



бир қирмизи олма дарахти соясида чордона қуриб, хаёлга толди, кўрганларини мулоҳаза-мушоҳада эта бошлади... Азоб-уқубатларнинг сабабини ўйлаган кўйи хаёли ойдинлашиб, фикри тиниқлаша борди. Руҳини илгари ҳеч ҳис этмаган сокинлик, ором чулғади.

У тиниққан ақли билан ўйлай бошлади: «Дунёда қимирлаган жон борки, бахтли бўлишга интилади; лекин ғафлат ичра қолиб, орзу-ҳавас кетидан қувби, топгани кўпинча азоб-уқубат бўлади; кўрқув, алданиш, очлик, кексалик, ўлим — уларга меҳнат-машаққат эвазига насиб этадиган мукофот!..»

«Бас, бугун шу нарсаларгаки ақлим етган экан, минбаъд дунёнинг ўткинчи ва майда-чуйда эрмакларига қайрилиб боқмайман, — деб ўйлади тагин шаҳзода, — мен боқий ором ва саодатга етакловчи йўлни топишим даркор. Аммо ёлғиз ўзимни азоб-уқубатлардан қутқазиб, бахтли бўлармикинман? Йўқ, албатта. Барча тирик жонларга ёрдам бериш йўлини кашф этмоғим зарур. Ахир, улар шу қадар меҳрибон ва шу қадар жафокаш... Мен азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини топиб, ўша йўлга бошқаларни ҳам бошлашим керак».

Шаҳзода Сидҳаса дардчил ўй-андишаларини ниҳоясига етказиб, секин кўзларини очди. Қаршисида қашшоқ гадога ўхшаб кийинган, илгари ҳеч учрамаган, нотаниш бир киши турарди. Қарашлари мунис ва меҳрибон, юзидан нур ёғарди.

«— Марҳамат қилиб, айтинг, — деб сўради шаҳзода, — сиз ким бўласиз?»

Нотаниш киши жавоб берди:

«— Мен дунёнинг азоб-уқубатларидан юрак олдириб қўйган бир кишиман. Бошқалар билан бўлиб, ўткинчи роҳат-фароғатларга тўйдим ва оқибатда ёлғизликни ихтиёр этдим, энди бўлса ғорлар, ўрмонларда яшайман. Ниятим — энг олий ва мукамал бахту саодатни топиш ва унга мушарраф бўлишдир...»

Шу гапларни айтиб, ҳалиги киши кўздан ғойиб бўлди. Шаҳзода ҳайратдан онг-тонг бўлиб туриб қолди ва юраги чексиз қувонч билан тепа бошлади.

«Ниҳоят, ҳаётимнинг асл маъносини англадим, — деб ўйлади у. — Мен ҳам уйимни тарк этаман, чинакам бахтли бўлиш ва азоб-уқубатлардан қутулиш чорасини излайман!»

Шаҳзода шундай деб қатъий қарор қилди-да, отланиб саройга жўнади.

ОТАНИНГ ХАВОТИРИ

Шаҳзода саройга келгач, дарҳол отасининг ҳузурига борди. Кафтларини бир-бирига туташтириб, илтижо қилди:

«— Ота, мен дарвеш бўлиб, азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини изламоқчиман. Рухсат берсангиз, саройни тарк этсам...»

Подшо, йиллар бўйи, бир кунмас бир кун эшитсам керак, деб кўрққани — худди мана шу сўзлар эди. Эшитаркан, бошида худди чақмоқ чаққандай бўлди. Нафаси бўғилиб, хирқираб деди:

«— Жоним ўғлим, бу гапингни қўй, саройни тарк этишни ўйлама... Сен ҳали ёшсан, дарвеш бўлиб, ёлғиз ҳаёт кечирishing мушкул. Сабр қил, ёшинг бир оз улғайсин. Ушангача Капилавастида яшаб, салтанатни тебратиб тур...»

«— О, отажон, — деди шаҳзода, — майли, қол, десангиз, ҳузурингизда қолай. Лекин тўрт нарсани сен учун муҳайё этгаймен, деб ваъда беринг. Мен қаримаслигим, касалга чалинмаслигим, ўлмаслигим, бахтсиз бўлмаслигим шарт. Агар шу нарсалар қўлингиздан келмаса, мен ҳозироқ саройни тарк этганим афзал».

Подшо бу ғалати гапларни эшитиб, баттар ҳайрон қолди, сўнг жаҳли чиқиб, тутақиб кетди:

«— Бу аҳмақона гапларни йиғиштир, Сидҳаса!» — деб бақирди у.

Лекин Сидҳаса айтганидан қайтмади, қатъий туриб олди.

«Ота, — деди у, — мени кексалиқдан, касаллиқдан, бахтсизликдан,



ўлимдан асраб қололмас экансиз, қўйинг, ўз йўлимга кетай. Мени тутқин қилиб, бу ерда тутиб туришингиз инсофдан эмас».

Лекин подшо ўғлининг илтижосига қулоқ солмади.

«— Шаҳзодани ҳеч қаёққа чиқарманглар!.. — Саройни посбонлар билан ўраб олинглар!..» дея вазирларга буюрди-да, қаҳр-ғазаб ила ташқарига отилди.

ҚОЧИШ

Сидҳаса отасининг ҳузуридан чиқиб, ўз саройига жўнади. У ранг-баранг ясатилган қасрлар, муҳташам кўшқу айвонларни оралаб, кумуш фаввораларни ёналаб, ётоғи томон юрди. Ҳар қадамда моҳир созандалар уни қарши олишар, ҳар одимда сулув канизаклар эгилиб, салом беришарди. Лекин шаҳзода уларнинг ҳеч бирига парво қилмади. Саройни тарк этиш фикри унинг бутун вужудини банд этганди.

Шу оқшом саройда ғалати бир куч оралагандек эди: чолғувчилар, раққосалар, мулозимлар кўп ўтмай донг қотиб ухлаб қолишди. Сўнг чақалоғи Раҳулани бағрига босиб, хотини Ясодҳара ҳам уйқуга кетди. Шаҳзода уларга термулиб, деди:

«— Кетиш олдидан боламни бир қучиб, ўпсам — ёмон бўлмасди. Аммо не қилай, Ясодҳара уйғониб қолиши мумкин. Унда кетолмайман. Яхшиси, ҳеч кимса уйғонмасдан бурун кета қолай...»

Шаҳзода ухлаб ётганлар олдидан эҳтиётлик билан ўтиб, ўзини деразага, деразадан томга олди, сўнг томдан пастга тушди. Тўғри отбоқарнинг ҳужрасига бориб, уни уйғотди.

«— Тезроқ бўл, Чанна, — деди у, — отни эгарла, мен ҳозироқ йўлга тушмоғим керак».

Чанна шаҳзоданинг тун ярмида йўлга чиқишини эшитиб, ҳайрон қолди. Аммо буйруқни бажарди, Кантакани эгарлаб, шаҳзодага тутди. Шаҳзода отни силаб-сийпаб, унинг қулоғига шивирлади: «Кантака, азизим, биз жудаям эҳтиёт бўлишимиз керак. Посбонлар уйғониб қолишмасин. Бу кеча — тақдир ҳал бўладиган кеча...»

Учовлон боғнинг каттакон дарвозаси томон юришди. Ажабки, улар яқинлашаркан, дарвоза ўз-ўзидан очилиб кетди. Улар ими-жиммида тун қўйнига киришди. Шаҳрдан чиқаверишда шаҳзода бир зум тўхтаб, ортига ўгирилиб, онт ичди:

«— Азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини топмагунимча, сулув шаҳар Капилавастига қайтмайман!»

Улар тун бўйи юришди. Тонгга яқин дарвешлар яшайдиган сирли ўрмонга етиб келишди. Шаҳзода хурсанд эди. «Ҳақиқий саёҳатим мана энди бошланди!» — деб ўйлар эди у.


Сўнг Чаннага боқиб деди:

«— Дўстим, ёрдаминг учун чин юракдан ташаккур!.. Мен ўзим истаган ерга етиб келдим. Энди отимни ол-да, саройга қайт».

Чанна шаҳзодани бу ерда ёлғиз қолдириб, саройга ўзим қайтаман, деб ўйламаганди. Шунинг учун ҳайрон бўлиб боқди, кўз ёшлари тирқираб оқа бошлади. Шаҳзода унга қараб, юраги ачишди, ширин сўзлар билан тасалли берди:

«— Содиқ Чанна, йўғлама... Эртами-кечми, бари бир, хайрлашишга тўғри келади. Мана бу ёқут маржонларни ол, улар энди менга керакмас. Саройга қайтиб, отамга айт: мен ҳеч кимсадан хафа эмасман... Мени отанасини хуш кўрмас экан, деб ўйлашмасин. Аксинча, астойдил севганим учун ҳам уларни тарк этдим. Азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини топгач, яна оиламга қайтаман. Бордию ўша йўлни тополмасам, бунинг ҳам унча зиёни йўқ. Бари бир, эртами-кечми ўлим бизни бир-биримиздан айиради. Хўп, хайр, энди йўлга туш, мен ҳам йўлимга равона бўлай».

Чанна шаҳзоданинг қарори қатъий эканини пайқади. У отнинг жилловини орқага буриб, чор-ночор йўлга тушди. Йироқлаб боришаркан, Чанна ва Кантака бир неча бор қайрилиб, кўз ёшлари оша шаҳзодага боқишди. Ниҳоят, улар Капилавастига етиб келишди. Чанна қайғу-аламга тўлиб, шаҳзода тож-тахтдан буткул воз кечганини барчага сўзлаб берди.



ИЛК ҚАДАМЛАР

Сидҳаса ўрмонда ёлғиз қолди. У ўзининг буюк қисматини қарши олишга шай эди. Кўнглидан шундай ўйлар кечди: мен энди шаҳзода эмасман, шоҳона кийимлар менга энди ярашмайди.

У ханжарини қинидан олиб, шаҳзодалик рамзи бўлмиш узун кокилини кесди. Кейин қашшоқ бир овчини учратиб, унга деди:

«— Бегим, мана бу шоҳи либослар менга ортиқ керакмас. Ўрмонда яшашга қарор қилдим, бас, менга сизникидек одми, дағал кийимлар керак. Келинг, кийимларни алмаштирайлик».

Овчи бу гапни эшитиб, бир сира ҳайрон қолди ва сўнгра шаҳзоданинг таклифига жон деб рози бўлди.

Фақирлардек кийиниб олган Сидҳаса ўзига ҳақиқат сари йўл бошловчи устоз-муаллим излай бошлади. У ўрмон кезиб, кўплаб дарвеш, қаландарларга дуч келди ва улар билан суҳбатлашди. Ҳамма уни иззат-эҳтиром ила қарши оларди. Фақирона кийими, тиланчилик қилиб кун кечиршига қарамай, у фавқуллода ҳушсуврат ва жозибали йигит эди. Ўрмонда яшаётганлар уни узоқдан кўришлари биланоқ бир-бирларига дейишади: «Қара, йигитларнинг султони келаяпти... Юзида куч балқиб, қатъият барқ уради-я!.. Бундайлар ҳақиқатни топмай қўймайди».

Сидҳаса кўплаб устозлардан таълим олди, аммо биттасидан ҳам қониқмади. Уларнинг берган сабоқлари фойдали, аммо у сабоқлар олий саодатга бошламасди. Ниҳоят, Сидҳаса подшо Бимбисара салтанат қурган Магадҳа подшолигида улуғ авлиёлар яшайди, деб эшитди. Ушаларнинг суҳбатига етишмоқ учун шарқу жануб томон саёҳат қилишга бел боғлади.

Сидҳаса йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Магадҳанинг пойтахти Ражадҳича шаҳрига етиб келди. Сарой дарвозалари олдидан ўтаётганда, уни подшо вазирларидан бири кўриб қолди. Вазир ҳовлиқиб-ҳовлиқиб подшонинг ҳузурига югурди.

«— Шоҳим, — деди у ҳаяжонланиб, — мен шаҳарда ғалати бир кишини учратиб қолдим. У жулдур кийиниб, эшикма-эшик тиланчилик қилиб юрибди. Аммо, ишончим комилки, у — буюк инсон. Юзидан нур ёғади, тамкин ва назокат билан қадам босади».

Подшо қизиқиб қолди ва ўша ғалати кишини саройга бошлаб келишни буюрди. Сидҳасани бошлаб келишди. Подшо у билан узоқ суҳбатлашди, унинг ақлу идроки, камтарлиги, одамохунлигига қойил қолди.

«— Мен сендақа кишини ҳеч қачон учратмаганман, — деди подшо, — марҳамат қилиб, саройимда қол, салтанат ишларида менга кўмаклаш».

Сидҳаса юмшоқлик билан жавоб берди:

«— О, подшоҳим, салтанат дегани менга илгари ҳам насиб этмишди, аммо мен уни тарк этдим. Бойлик ва ҳокимият мени қизиқтирмайди, излаганим — фақат ҳақиқат йўли... Лутфу марҳаматингиз учун ташаккур. Мен юртингизга ҳақ йўлини кўрсатувчи устозларни излаб келганман».

Подшо бу жулдур кийинган кимсага таъзим этиб, деди:

«— Илоё, омадингни берсин. Излаганингни топиш насиб этса, келиб, бизга ҳам ўргатгил. Мабодо тополмасанг ҳам, тортинмай келавер, сенга саройимиз эшиги ҳамиша очиқ».

Сидҳаса подшога яна бир бор ташаккур айтиб, йўлида давом этди.

ОЛТИ ЙИЛ КУРАШ

Юра-юра у авлиёлар яшайдиган ўрмонга етиб келди. Аввал Арадага шогирд тушди, кейин Урдакадан дарс олди. Қисқа вақт ичида уларнинг билганларини билиб олди. Лекин бари бир, кўнгли тасалли топмади.

Сидҳаса ботинида ўйларди: «Устозларим — шак-шубҳасиз авлиё одамлар. Лекин уларнинг илму дониши билан қайғу-аламларга чек қўйиб бўлмайди. Бунинг чорасини ўзим излашим керак».

У яна йўлга тушиб, ниҳоят, муқаддас Гая шаҳри яқинидаги Найрангана дарёсига етиб келди. Дарёдан кечиб, нариги соҳилдаги ўрмонга кирди. Бу ерда бешта дарвешга дуч келди. Улар гоят фақирона ҳаёт кечирешарди.



Озгина егуликка қаноат қилиб, яланғоч юришар, соатлаб бир ерда қимир этмай ўлтиришарди.

«— Дунёда кўп одамлар ўз танларини астойдил парвариш қилишади ва бунинг оқибатида янада кўпроқ азоб чекишади, — деб жавоб беришди улар. — Биз эса танамизни азоблар ила тоблаимиз, азобларга қулмас, ҳукмрон бўламиз».

Сидҳаса ўзича ўйлади: «Мен кўп йиллар ҳашаматли, роҳатихон саройларда яшадим, танимни эҳтиётлаб парвариш қилдим, шунинг учун кўнглида тинчим йўқ, хотирим паршон. Инчунин, буларнинг айтганлари рост. Уларга эргашиб, қайғу-аламларга чек қўйиш йўлини ўрганмоқ керак».

Шундай қилиб, Сидҳаса дарвешлар сафига қўшилди, танини қийноқлар билан тоблашга киришди. У соатлаб бир жойда қимирламай ўлтирар, бели қотиб, оёқлари қақшаса ҳам, пинагини бузмасди. Танини қуёш яллиғида куйдириб, қишнинг совуқ елларида музлатди. Очдан ўлмаслик учун жиндек овқат ерди, холос. Қанчалик қийин бўлмасин, чидашим, азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини топишим керак, деб ўйларди у.

Беш дарвеш унга ҳайрон бўлиб боқарди:

«— Бунақа собитқадам инсонни сира кўрмаганмиз, — дейишарди улар. — У тўхтовсиз олға босаяпти, иккиланиш нималигини билмайди. Ҳеч кимса бу йўлда Сидҳаса каби ғайрат-шижоат кўрсатмаган. Яхшиси, биз ҳам ҳамдам бўлайлик, ҳақиқат йўлини кашф этса, ундан ўрганиб олайлик».

Сидҳаса ўз танини қийнагандан қийнаб, тоблагандан тоблаб борарди. Аввалига ҳар кеча бир-икки соат ухларди, холос. Лекин бора-бора шуни ҳам тарк этди. Бошда ҳар куни бир марта овқатланарди, холос. Кейин шундан ҳам воз кечди. Бир-икки дона мева ёки данак мағзини еб қўя қолар, бошқа туз тотмасди. Турса, юрса, тиззалари қалтирар эди.

У озиб-тўзиб, ориқлаб кетди. Тани аввалги силлиқлигини йўқотди, чанг-тўзонга беланиб, кир-чир билан қопланди. Кичрайиб, бир сиқим суякка айлангаб қолди. Лекин у ҳамон ўзини қийнаш, азоблашини қўймасди.


Орадан олти йил кечди. Сидҳаса саройни тарк этганда, йигирма тўққиз ёшда эди, роҳат-фароғатлар бари орқада қолди. Энди ўттиз беш ёшга тўлганди. Овқатдан, уйқудан, бошпана ва кийим-кечакдан кечиби, шу тариқа қийноқли олти йилни бошдан кечирди. У бир куни ўйлаб қолди:

«Шунча азоб-уқубат чекиб, мақсадга яқинлашдимми? Ёки ҳали ҳам аввалгидек ғафлатдаманми? Шаҳзода бўлиб, ҳашаматда яшаганимда не истасам, муҳайё эди. Мен кўп умримни ўша роҳатихон зиндонда совурдим... Кейин ҳақиқат излаб, йўлга тушдим. Урмонлар, ғорларда яшадим, озгина овқатга қаноат қилиб, заҳмат-машаққат чекдим. Аммо ҳалигача азобларга чек қўйиш йўлини топмадим. Шуни англаб етдимки, танини қийнаб-азоблаш саройларда умрни совуришдек бекорчи машғулот экан. Ҳақиқат роҳат-фароғатларда ҳам, азоб-уқубатларда ҳам эмас, уларнинг ўрталиғида бўлса керак».

Авал шаҳар кўчасида тобутни учратиби, сўнг олма дарахти остида мулоҳаза-мушоҳада юритгани шаҳзоданинг ёдига тушди.

«Ушанда зеҳним ўткирлашиб, фикрим равшан тортгани эсимда, — деб ўйлади у. — Ҳамма нарсани аниқ-тиниқ кўра бошлагандим. Бас, яна ўшандоқ мулоҳаза-мушоҳада юритишим керак». Лекин шаҳзода ўзига боқаркан, кўнглидан яна шу гаплар кечди: «Узоқ вақтлар туз тотмаганим туфайли ҳорғин-мадорсизман, ориқ ва исқиртман... Теримга боқиб, суякларимни санаса бўлади. Оч-наҳор, ювиқсиз, кир-чир аҳволда равшан фикрлаб бўладими?»

У секин қўзғолиб, чўмилиши учун дарё томон юрди. Сувга оёқ қўйиши билан тинка-мадори қуриб, йиқилиб тушди, дарёда чўкиб кетишига сал қолди. Ювиниб, не-не машаққат ила ўзини қирғоққа олди. Кейин шу ерда ўлтириб, нафасини ростлади.



ХАЙРИ ХУДОИИ

Урмон ёқасидаги кичик қишлоқда бир подачи билан унинг хотини — Сужата яшар эди. Сужатанинг яқинда кўзи ёриган, у тўнғич боласини туғиб, бағрига босган эди. Бир куни ёш она сигир сутидан мазали таом тайёрлаб, ўрмонга йўл олди. У ўрмонда яшовчи руҳларга ҳамиша хайри худойи қилар, эсон-омон фарзанд кўргани учун уларга шукрона айтарди.

Сужата ўрмонга кириб, у ерда ўлтирган Сидҳасага кўзи тушди. Нотаниш йигит ориқ-нимжон, эти устихониға ёпишган, аммо жуда хушсуврат эди. Сужата тикилиб, бир дақиқа анграйиб қолди. «Бунақа йигитни ҳеч учратмаганман, — деб ўйлади у. — Урмондаги руҳларнинг подшоси бўлса керак». Сўнг келтирган таомини унинг олдига қўйди.

Сидҳаса аста кўзини очиб, олдига қўйилган таомни кўрди. Сужатага бир табассум ила боқди-да, идишни кўтариб, ича бошлади. Гўё шу дақиқа мўъжиза юз берди: Сидҳаса таомни ичаркан, юзларига қизиллик югурди, тани куч-қувватга тўлди... Ниҳоят, таомни тугатиб, идишни ерга қўйди, жувонга юзланиб, унга ташаккур айтди:

«— Сен мени арвоҳ деб ўйладинг, аммо мен ҳақиқат излаб юрган бир дарвешман... Берган хайри худойинг менга куч бағишлади. Энди ҳақиқатни топишга ишончим комил. Бугунги ҳимматингдан сенга кўп яхшиликлар келгай. Ташаккур!»

Урмонда яшаётган беш дарвеш Сидҳасанинг Сужата кўлидан таом еганини кўриб, хафа бўлишди.

«— Сидҳаса тўғри йўлдан айнади, — дейишди улар бир-бирларига боқиб, — у энди тақводор бўлолмайди. Аввал дарёда чўмилди, сўнг тўйиб овқатланди. Шундай одам билан бирга бўлиш мумкинми? Келинлар, бу ерни тарк этиб, Банорасга жўнаймиз. Уша ердаги Кийик боғда тоатибодатни давом эттираемиз».

Шундай қилиб, улар Сидҳаса ҳақ йўлни бошқа изламайди, деган хулосага келиб, бу ерни тарк этишди. Лекин Сидҳаса яна куч-қувватга тўлган, мулоҳаза-мушоҳада юритишга шай, узоқ йиллар бўйи излаган нарсасини топишга тайёр эди. У ўрнидан турди: дарёни кечиб ўтди ва кейинчалик «Билим дарахти» деган ном ила машҳур бўлагиган дарахтга томон юрди.

БУЮК ЖАНГ

Бу — бутун дунёнинг орзиқиб кутган дақиқаси эди. Ҳақ йўлни топарман, деб подшоликдан воз кечган Сидҳаса дарахтга яқинлашиб келарди. У йўлда пичан орқалаб келаётган кишидан бир бойлам пичан сўраб олди. Уни ерга тўшаб, устига ўлтирмоқчи эди.

У дарахтга яқинлашганда шамол тиниб қолди. Бутун дунё нафасини ичига ютиб, бундан кейин не бўларкин, деб интиқиб кутаётгандек эди. Улкан дарахт бутоқларини энгаштириб, салом бериб, уни гўё соясига чорлагандек эди...

Сидҳаса пичанини ерга ёйиб, кунчиқар томонга юзланиб, чордона куриб ўлтирди. Кафтларини тиззаларига босди. Шу йўсинда мушоҳада юритишга шайланди. «То муддао ҳосил бўлмас экан, ўлиб қолсам ҳам шу ўлтирган ўрнимдан қимирламайман!» деб қаттиқ онт ичди. Сидҳасанинг онтини эшитган фаришталар билниҳоя шодландилар. Бу — тўртинчи ойнинг тўлин ой санаси эди, қуёш ботиб борарди.

Лекин қадимий ривоятларда айтилишича, ўшанда ҳаммадан ҳам Мара деган ажинанинг жаҳли кўзиб, роса ғазабга минган... Инсонни йўлдан оздирувчи шайтоний кучларни қадимий ҳиндлар «Мара» деб аташган. Булар — одамзодни бахтсизлик ва қайғу-алам сари етакловчи очкўзлик, нафрат, жаҳолат, ҳасад, шубҳа-гумон ва бошқа иллатлар эди.

Хуллас, Сидҳасанинг Билим Дарахти остида ўлтирганини кўриб, Мара кутуриб кетди. Болаларини йиғиб дод-фарёд солди: «Анавини кўраяписизларми? Шаҳзода Сидҳаса мушоҳада қилишга ўлтирди! Агар у ниятига



етса, азоб-уқубатларга чек қўйиш йўлини топса, ҳолимиз не кечади? Унда адо бўламиз, ҳамма нарсадан айриламиз. Агар у ҳақ йўлини ўргатгудек бўлса, биз одамзотга зиён етказолмаймиз... Унинг тинчини бузинглар, мушоҳадасини йўққа чиқазинглар, йўқса, ҳамманг ҳалок бўлдим, дея-вер!»

Мара ва унинг шайтонваччалари Сидҳасага халал бериш учун тўполон бошлашди. Унинг атрофида қаттиқ бўрон кўтариб, чақмоқлар чақишди. Шундоқ чанг-тўзон кўтаришдики, шамол ҳадемай ҳамма нарсани чирпирак қилиб учуриб кетадигандек туюларди. Бироқ Сидҳасанинг мушоҳада кучи туфайли дарахт остида ҳамма нарса тинч-осойишта эди.

Мара ўзи кўтарган бўроннинг самарасизлигини кўргач, болаларига буюрди: «Ҳужумга ўтинглар!..» Шайтони лаинлар, иблислар ва бошқа қора кучлар бирлашиб, Сидҳасага ҳамла қилишди, ваҳшиёна чинқириқлар ила унга ташланишди. Унинг устига камонлардан заҳарли ўқлар ёғдиришди. Лекин ўқлар шувиллаб учаркан, шаҳзодага яқинлашганда нилуфар япроқларига айланар ва гул бўлиб унинг пойига сочиларди. Сидҳасанинг мушоҳада юритишига ҳеч нарса халал беролмасди.

«Энди гўзаллар билан ақлини олиб, хаёлини чалғитиш даркор», — деб ўйлади Мара. Шу ондаёқ ҳалиги шайтони лаинлар гўзал жононларга айланишди. Улар Сидҳаса атрофида рақсга тушиб, унинг ақлини ўғирламоқчи бўлишди. Лекин у парво этмади. Роҳатижон саройлар хаёли, хотини ва ўлининг сувратлари, самовий оҳанглар, анвои ноз-неъматлар соғинчи ҳақиқат йўлчисининг иродасини буколмади. Мара бу гал ҳам енгилди. Лекин унинг сўнги бир ҳийласи бор эди, шуни ишга солди. У шотирларини тарқатиб, шаҳзода қаршисида ёлғиз ўзи пайдо бўлди. Унга боқиб, кинояли оҳанг ила деди:

«— Буюк шаҳзода Сидҳаса деганлари сенмисан?.. Сен ўзингни улў донишманд, деб биласан... Лекин кўп азиз авлиёлар тополмаган ҳақиқатни топиш сенга йўл бўлсин!.. Нақадар нодонсан!.. Ахир, сен излаётган ҳақиқатни топиш учун қанчадан-қанча заҳмат чекиш, меҳнат қилиш даркор... Ҳақиқатга ноил бўлиш учун сен нима қилдинг?.. Аввалига йигирма тўққиз йилни роҳат-фароғатда совурдинг. Сўнг олти йил умрингни очликка нисор этдинг. Энди бу ерда ўлтириб, мўъжиза юз беришини кутасан... Қанчалар нодонсан!.. Мушоҳада юритишни бас қил ёки ҳақиқатга етади, деб сенга кафиллик берадиганни менга кўрсатиб қўй».

Бу таҳқиромуз, наштарли сўзлар ҳам Сидҳасага таъсир этмади. У ўнг қўлини тизасидан олиб, олдинга чўзди ва бармоқларининг учини ерга тегизди... Ҳа, Сидҳаса учун ернинг ўзи гувоҳлик бергай!.. У беҳад-беҳисоб асрлар давомида ана шу ер устида турли-туман сувратларда намоён бўлди. Саховат ва сабру бардошни ердан ўрганди, меҳру шафқат ва беозорликни одат этди, ҳақиқат йўлида мушоҳада юритди. Бу ишларни адо этаркан, у гоҳ эркак, гоҳ аёл қиёфасига кирди, гоҳ бой, гоҳ камбағал бўлди. Бу ишларни у азоб-уқубатларга чек қўйиш учун қилди. Буларнинг ҳаммасига она Ер шоҳиддир...

Мара энди буткул мағлуб бўлганини ҳис этиб, узоқлашди. Тумандек, ёҳуд ёмон тушдек бир пасда тарқаб кетди.

Сидҳаса ёлғиз қолди. Қора булутлар парчаланиб, кўкда тўлин ой ярқираб шуъла сочди... Ҳаво муаттар ҳидларга тўлди. Майсаларда шабнам томчилари ялтиради. Хуллас, ҳамма нарса эзгуликка шай эди.

УЙҒОНГАН ЗОТ

Сидҳасанинг хаёли тинч, кўнгли хотиржам эди. Диққати аста-секин бир нуқтага йиғилиб, фикри тиниқлаша борди. У хаёл кўзи билан олис айёмларни кўрди. У кўрдик, бир умр тугаганда иккинчи умр бошланади. Инсон ўларкан, ёлғиз тани, вужуди ўлади, лекин ҳаёти янги-янги вужудларда давом этаверади... У яна кўрдик, киши бир умри давомида бировларга ёмонлик қилса, зиён етказса, келажак умрида албатта жазосини олади.



Узгаларга меҳру оқибат кўрсатиб яшаган инсонлар насибаси севинч ва саодатлар. Бу дунёда одамзотнинг бирор саъй-ҳаракати жавобсиз қолмайди, ҳозирги ёки келгуси ҳаётида унга бахт-саодат ёки алам-изтироб келтиради...

У ҳаётлар занжири — умрлар силсиласини мушоҳада этаркан, теран ҳақиқатлар унга аён бўла борди. Кۈеш, сайёралар, юлдузлар, жумла коинот унинг хаёлида гавдаланди. Энг увоқ заррадан энг йирик юлдузгача — ҳамма нарса бир-бири ила узвий боғлиқдир. Ҳамма нарса доимий ўзгаришдадир: пайдо бўлади — емирилади, яна пайдо бўлади — яна емирилади ва ҳоказо... Ҳар бир ҳодисанинг ўз сабаби, ҳар бир сабабнинг ўз натижаси бор...

Кейин у дунёдаги бор азоб-уқубатларни бир-бир назардан ўтказди. У кўрдики, дунёдаги тамом жону жонзот — кичик ҳашаротдан то буюк подшоларгача, ҳаммаси роҳат-фароғат излайди, бахтсизлик кўрмасам, дейди... У шу ўринда барча бахтсизликларнинг сабабини кашф этди. У англадики, одамлар ҳамма нарса ҳаммаша ўзгаришда эканини ўйламайдилар. Уларнинг кўзлари кўр, шу сабабли ана шу ҳақиқатни кўрмайдилар. Кўрликлари, сўқирликлари туфайли улар боқий саодат келтирмайдиган нарсалар учун талашиб-тортишадилар, ўғрилик қиладилар, бир-бирларини ўлдирадилар. Лекин кўп ўтмай, улар қариб-чирийдилар, кураш-талашлар тағин бошқатдан бошланади.

У кўрдики, инсонлар ҳаммаша ўзларига ёқмаган нарсаларга қарши курашадилар. Бутун умрлари нафрат ва ғазаб билан йўғрилади. Ҳаммаша ўзларига зиён етказадилар ва кейинчалик шу қилмишлари учун азоб чекадилар. Умрдан умрга ўтишаркан, бахтсизликлари ошаверади. Улар ором-фароғат излаб, азоб-уқубатларга эгалик қиладилар.

У, ниҳоят, барча азоб-уқубатларга чек қўйиш йўлини кашф этди... У ҳозир кўриб турганидек, ҳақиқатни аниқ-равшан кўролган инсон роҳат-фароғат кетидан қувиб, азоб-изтиробдан қочишни ўйламасин. Унинг юрагида очкўзлик ҳам, нафрат ҳам бўлмасин. У ҳеч кимсага озор бермасин... Шунда у ўзини ҳеч қачон бахтсиз ҳис этмагай. Нафратдан халос бўлган инсоннинг юраги меҳр-муҳаббат билан лиммо-лим тўлгай. Меҳр-муҳаббат эса инсонга мислсиз фароғат ва саодат келтиргай...

Сидҳаса шу нуқтага етганда, юрагидаги энг сўнгги ғашлик ҳам тарқади. Вужуд нурга тўлди. У энди оддий бир инсон эмасди. Унга ҳақиқатнинг тенгсиз жамоли очилганди. У энди Будда эди. У ўз мақсадига етишганди!..

Будда мушоҳадани тўхтатиб, мунис ва мулойим табассум ила ўрнидан турди. Тонг отиб, машиқ уфқидан қуёш кўтарилиб келарди.

КИМГА ТАЪЛИМ БЕРИШ КЕРАК!

Уша шонли-шукӯҳли тонгни бутун табиат суюниб олқишлади, гуллар ҳар қадамда чирой очиб, муаттар бўйлар таратишди. Қушлар ҳавода чуғур-чуғур сайрашди. Жониворлар қўрқув-хавотир не эканлигини унуттишди. Осмонда ажойиб камалаклар, анвойи булутлар пайдо бўлишди. Одамлар бу ғалати ҳодисаларни кўриб, ҳайрон қолишди.

Будда руҳида тиниқ бир кўтаринкилик, ёниқ бир сурур балқиди. Кўнгли ҳар турли ғашлик, алам ва изтироблардан фориг бўлган, қалби чексиз қувонч ила лиммо-лим тўлган эди. У кунлар, ҳафталар бўйи Билим Дарахти остидан жилмай, комронлик, бахтиёрлик гаштини сурди.

У ўйлади: азоб-уқубатларга чек қўйиб, Будда бўлиш осон иш эмас. Бунинг учун не-не заҳматлар, не-не машаққатлар чекдим. Кўпчилик одамлар кўр ва жоҳилдирлар. Улар мен кашф этган ҳақиқатларни англаб етишармиди? Уларга таълим, сабоқ бериш кўлимдан келармикин? Ундан кўра, қолган умримни ана шу ўрмонларда яшаб, буддалик гаштини суришим афзал эмасми?

Шунда унга ғойибдан бир садо келди:

«— Ҳой, бизни унутма!.. Биз дунёга келиб, азоб-уқубат чекмоқдамиз. Туғилганингдан буён, йўқ нундан ҳам олдинроқ йўлингга интизормиз. Шаҳзодаликдан кечиб, азоб-уқубатлардан қутулиш йўлини кашф этарсан, деб ийллар бўйи умид қиламиз, тоат-ибодат этамиз... Бугун ўша йўлни кашф



этдинг, уни бизга ҳам ўргат. Бизни азоб-изтироблардан халос қил!».

Лекин шу зум хаёлида ўзга саволлар чарх ура бошлади: «Ким ҳам мендан сабоқ олиб, менга эргашарди?.. Шундайин кучли ва жасур кишилар топилармикин? Заҳмат-машаққатларга узоқ вақт чидаш берадиганлар бормикин?»

Яна ғойибдан овоз келди:

«— Бизнинг ақлимиз жаҳолат булути билан қопланган. Лекин жаҳолат пардаси айримларда унча қалинмас. Улар сени тушунадилар. Ушалар ҳақи, билганларингни бизга ўргат, о, Будда!»..

Будда табассум қилиб, деди:

«— Албатта, албатта, ўргатаман. Шаҳзодалиқдан кечиб, ҳақиқат йўлини излашимдан мақсад — ўзгаларга кўмак бериш эди. Бугун мен Буддаман, билганларимни қурбим етгунча ўргатаман. Аммо одамлар ўзлари ҳаракат қилишмаса, ёлғиз Будданинг кўлидан ҳеч нарса келмайди. Табиб даволашидан олдин касалнинг ўзи шифо топишни исташи лозим. Худди шунингдек, одамлар ўзгадан мадад олишдан олдинроқ ҳақиқат дарсини тинглашга ҳозир бўлишлари даркор. Хуллас, очиқкўнгил ила келган ҳар битта инсонга кўлимдан келгунча сабоқ беришга тайёрман».

Сўнг у ўйлади: дунёда биринчи бўлиб кимга дарс берсам экан? Мендан дарс олишга ким тайёр? Бундан олти йил олдин учратган икки муаллим — Арада ила Урдакани эслади: уларга дарс берса, ёмон бўлмасди, аммо улар аллақачон вафот этишган, дунёдан ўтишган... Шунда ўзи ила ўрмонда узоқ вақт бирга яшган беш дарвеш ёдига тушди. Улар ҳақиқатни англашга ҳозирдилар, деб ўйлади Будда, биринчи бўлиб ўшаларга дарс бераман...

У дарвешларнинг Банорас яқинидаги Кийик боғда яшашини биларди. Банорас — қадим Ҳиндистоннинг муқаддас шаҳри.

«— Мен ҳам ўша ёққа бораман! — деб нидо чекди Будда. — Борибоқ дарҳол ишга киришаман».

БИРИНЧИ ДАРС

Банорасгача олис йўл босишга тўғри келарди. Будда далалар бўйлаб, қишлоқлар оралаб узоқ юрди. Ҳар учраган киши ундан кўзини узоқмасди. У баланд бўйли, хушсуврат йигит эди, тамкин ва назокат билан қадам босар, уни кўрганларнинг қалби қувончга тўларди. У ҳеч кимдан ширин сўзини аямасди. Бойми ёки камбағал, авомми ёки оқил, аслзодами ёки фуқаро — ажратиб ўтирмас, барчага бирдек меҳр ва эътибор ила муомала қиларди.

Юра-юра ниҳоят, у Кийик боққа етиб келди. Ҳалиги беш дарвеш йироқдан уни кўриб қолди.

«— Қара, анави бекорчи Сидҳаса келаяпти, — дейишди улар бир-бирларига кўрсатиб. — У билан гаплашадиган гапимиз йўқ... Юзига қарамаймиз ҳам...»

Аммо Будда яқинлашаркан, улар типирчилаб қолишди. Бояги айтган гапларини ҳам унутишиб, дарҳол оёққа туришди. Иззат-икром ила қаршилаб, унга жой кўрсатишди, ҳирқасини олиб, кўлига сув куйишди.

«— Кийик боққа хуш келибсан, Сидҳаса! — дейишди улар. — Қадам ранжида этиб, бизни хурсанд қилдинг...»

Будда жавоб берди:

«— Марҳаматингиз учун ташаккур, зоҳидлар!.. Аммо мен айтиб қўйишим керак: мен энди Сидҳаса эмасман, мени бундоқ ном ила аташ жоизмас».

«— Хўш, нечук ном била атайлик?» — сўрашди дарвешлар.

«— Бутун дунё жаҳолат уйқусига ботиб, ухлаб ётибди, — деб жавоб берди у. — Ҳақиқатни кашф этган киши ухлоқ эмас, уйғоқдир. Мен ҳақиқатни кашф этиб, уйқудан уйғондим. Уйқудан уйғонганларни «Будда» деб аташ лозим».

Беш дарвеш таъзим бажо айлаб, дейишди:

«— О, Будда, билганларингни бизга ўргат, биз ҳам уйқудан уйғонайлик...»

Шунда Будда ўзининг илк дарсини бошлади, у «Дихарма чархини айлан-



тириш» деб аталарди. Диҳарма — у кашф этган ҳақиқат эди...

«— О, зоҳидлар,— дея сўз бошлади Будда,— маълумингиз бўлғайким, тўрт қутлуғ ҳақиқат бор. Биринчиси — Азоб чекиш ҳақиқатидир. Инсон умр бўйи кексалик, касаллик, бахтсизлик ва ўлим машаққатларини чекишга маъқум. Одамлар роҳат-фароғат топганда ҳам ундан тезда толиқиб, кўнгиллари совийди. Улар ҳеч қайда қониқиш ва ором билишмайди.

Иккинчиси — азоб-уқубатларнинг сабаби бўлмиш ҳақиқатдир. Қалбимиз очкўзлик ва орзу-ҳаваслар билан тўла экан, бошимизга заҳмат-машаққатлар ёғилаверади. Масалан, бой-бадавлат киши ўз бойлигига ҳирс қўяркан, гушналиги унга азоб-изтироб келтиради, холос...

Учинчи Қутлуғ ҳақиқат — азоб-уқубатларнинг тугаши тўғрисидаги ҳақиқатдир. Биз барча орзу-ҳавас, тилак-истакларимизни кўнгилдан қувсак, азоб-уқубатимиз ниҳоясига етади. Шунда тинчиб, ором топамиз ва ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис этамиз.

Ниҳоят, тўртинчи Қутлуғ ҳақиқат — йўл ҳақиқатидир. Йўл бизни олға бошлайди ва барча азоб-уқубатлардан халос этади. Агар биз тирик жонларга озор бермасак, фикримизни жамлаб, зеҳнимизни чархласак, оқилу доно бўлсак, шубҳасиз, олий бахтга мушарраф бўламиз, азоб-уқубатлардан қутуламиз».

Бу сўзларни эшитган беш дарвеш катта хазина топиб олгандек, беҳад суюнишди.

«— О, Будда!— дейишди улар.— Сен чинданам ҳақиқатга ноил бўлибсан. Марҳамат қилиб, бизни олий бахт ва донолик йўлига бошла, биз сенга шогирд тушамиз».

Дейдиларки, ўшанда кўплаб кўзга кўринмас руҳлар, фаришталар ҳам биринчи дарсада ҳозир бўлиб, сўнг дунёнинг турли томонларига қараб унишган.

«— Ҳой, эшитмадим деманглар, Будда дарс беришни бошлади!— деб овоза солишган улар.— Бутун дунёга сиғмас шодиёна байрам бу!..»

ОНАНИНГ ТУЙҒУСИ

Будда турли йўллар билан дарс берар, таълим берар эди. Оддий одамлар, болаларга сабоқ бераркан, у кўпроқ ҳикоятю ривоятлар айтарди. Билимли, маърифатли кишиларга эса ҳақиқат сари етакловчи йўлни бутун тафсилоти ила тушунтирарди. Айримларга таълим берадиган бўлса, бир сўз ҳам демасди. Негаки, унинг энг кучли сабоғи унинг ўзи кўрсатган ибрати — ҳаёт тарзи эди. У ҳамиша меҳрибонлик ва муҳаббат ила иш тутарди. Ҳаммага, ҳатто ўта жоҳил ва нодонларга ҳам сабр-тоқат ила муомала қиларди.

Кўп ўтмай, унинг атрофида халойиқ тўпланиб, кўплар унга шогирд тушди. Бошига бирор ташвиш ёки фалокат тушган ҳар киши келиб, ундан маслаҳат сўрарди.

Готами деган бир жувон бор эди. Унинг боласи ўлиб, шўрлик ғам чекавериб, жинни бўлиб қолганди. У доимо дайдиб-сандирақлаб юрар, ўлик боласини тирилтиришга уринарди. Яқинлари унга:

«— Готами, сен Будданинг ҳузурига бор, у сенга ёрдам қилади»,— деб маслаҳат беришди.

Жувон жонсиз гўдагини кўтариб, Будданинг ҳузурига борди.

«Боламини тирилтириб бер»,— деб илтижо қилди... Будда юмшоқлик ила деди:

«— Готами, майли, мен сенга ёрдам бера қолай. Лекин бир шартим бор. Менга бир оз қалампир топиб кел. Уни ҳеч қачон ўлик чиқмаган уйдан ол».

Готами қалампир уруғини излаб, шу ондаёқ йўлга тушди. Дуч келган биринчи дарвозани қоқди. Эшик очиб, унинг арзини тинглаган уй бекаси деди:

«— Қалампир уруғи бор... Истаганча олаверинг. Лекин айтиб қўяй: бултур эрим вафот этган эди».

«— Йўқ-йўқ,— деди Готами,— унда қалампир уруғини бошқа жойдан излайман».



Шундай деб у икинчи уйга югурди. Лекин қайга бормасин, иши ўнгидан келмади. Шўрлик онага ҳамма ёрдамлашгиси келарди-ю, лекин ҳамма уйдан ўлик чиққан эди.

«— Уч йил бурун қизимдан айрилгандим»,— деди биттаси.

«— Кеча акам қазо қилди»,— деди бошқаси. Ҳар эшикда шу гап так-рорланаверди.

Ниҳоят, шомга яқин Готами ҳориб-чарчаб, Будданинг ҳузурига қайтди.

«— Қалампир уруғини топдингми?— сўради ундан Будда.— Боланг қани? Уни кўтариб юргандинг-ку...»

«— О, Будда,— деб жавоб қилди жувон.— Бугун англаб етдим: ўз жигарбандидан айрилган ёлғиз мен эмас эканман. Тобут чиқмаган уй йўқ. Боламини тирилтираман, деб уринишим нақ нодонлик экан. Унинг ўлимини ҳақ деб билдим ва тушдан сўнг дафн этдим. Ҳузурингга келишдан мақсадим сендан сабоқ олишдир. Угитларингни эшитишга ҳозирман».

Будда деди:

«— Готами, бугун олган сабоғинг ҳазилакам сабоқ эмас. Инсон боласи эртами-кечми, бари бир ўлади. Ҳақиқатни англасанг, бахтиёр яшаб, бахтиёр ўласан. Кел энди, сенга янги сабоқ берай».

Шундай деб Будда янги дарс бошлади. Готами унга шогирд тушиб, кўп хикматларни билиб олди.

ДАҒАЛ ЙИГИТ

Эртаси кун Будда қишлоқ кўчаси бўйлаб борарди. Бир йигит унинг йўлини тўсиб, жаҳду жазаваси кўзиб, ҳақоратлай кетди:

«Ҳамма айтганларинг — ёлғон!— деди у шовқинлаб.— Учига чиққан аҳмоқсан!.. Фирт ёлғончисан!..»

Будда унинг дашномига парво қилмади. Йигитга боқиб деди:

«— Менга айт-чи, бировга деб совға олсанг, лекин ўша одам совғангни қабул этмаса, совға кимники бўлади?»

Йигит бу ғалати саволни эшитиб, ҳайрон қолди ва жавоб берди:

«— Совға меники бўлади, негаки уни мен сотиб олганман».

«— Баракалла,— деди кулимсираб Будда,— энди менга ёғдирган ҳақоратларинг ўзингга сийлов. Улар меникймас, сеники... Узингга озор етмасин десанг, ўзгаларга озор етказма, меҳр-андиша билан муомала қил. Бошқаларга озор берсанг, ўзинг ҳам озор чекасан. Бошқаларни севсанг, ўзинг ҳам, бошқалар ҳам бахтли бўлишади».

Будданинг бу доно сўзларини эшитган йигит:

«— О, азиз авлиё, айтганларинг — аини ҳақиқат,— деди.— менга меҳру оқибат йўлини кўрсат, мен сенга содиқ шогирд бўлай».

«— Таълим олишни истаганларга таълим беришга тайёрман,— деди Будда.— Қани, юр...»

МАҚТОВ

Будда манзилдан манзилга ўтаркан, унинг шогирдлари, издошлари сони ошаверди. Бир куни шогирдларидан бири унинг олдига келиб, деди:

«— О, азиз авлиё, сиз дунёдаги барча буюк устозлар ичра буюксиз?»

Будда бу хушомадни эшитиб, хурсанд бўлмади. У ҳалиги шогирдидан сўради:

«— Менга айт-чи, сен дунёда ўтган барча буюк устозлар ила учрашганмисан?»

«— Йўқ, учрашмаганман»,— деб жавоб берди шогирд.

«— Ҳозир ҳаёт бўлган ва келажақда туғиладиган барча буюклар ила танишлигинг борми?»

«Йўқ, албатта»,— жавоб берди шогирд.

«— Бас, шундоқ экан,— деди Будда,— мени буюк устоз деб аташинг нодонлик эмасми? Чунки, бу гапнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўришининг сираям иложи йўқ».

«— Мен ёлғиз сизни мақтамоқчи эдим, холос,— деб жавоб берди шогирд,— зеро, берган сабоқларингиз беҳад аъло ва фойдалидир».



Будда унга деди:

«— Берган сабоқларимни фойдали деб билсанг, уларга амал қил. Мени мақтаб, вақтинги зое этма. Мен бу дунёга инсонларга таълим бериш учун келганман. Айтганларимга амал қилсанг, менга кўпроқ хуш ёқасан. Бу мен учун мақтовдан кўра афзалроқдир».

Бир гал Будда шогирдидан сўраб қолди:

«— Бордию тилла узук сотиб оладиган бўлсанг, унинг асл ёки аслмаслигини текширмай, пул тўлайверасанми?»

«— Йўқ, албатта,— жавоб берди шогирд,— у тилла эмас, мис бўлиши ҳам мумкин... Пулни бекорга совурмайман».

«— Мендан сабоқ олганимда ҳам худди шу йўсинда иш тут,— деб таъкидлади Будда.— Мени айтди деб, ҳар бир сўзимни ҳақиқат ўрнида қабул қилаверма. Ўғитларимнинг ҳақиқат ёки ҳақиқат эмаслигини ўзинг синаб кўр. Синаб, ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил этгач, уларга амал қил. Фақат менга ҳурматинг юзасидан уларни қабул айлама».

Ўзгаларнинг айтганларини рад этма ва қоралама. Дунёда ўғитлар кўп ва ҳар бирининг инсонлар учун айрича шарофати бор. Бас, шундоқ экан, уларни ерга урма. Бу сенга ярашмайди. Сенинг ягона вазифанг — бахт сари етакловчи йўлни кашф этиш ва ўша йўлни топишда бошқаларга кўмаклашишдир».

Шу йўсинда Будда шогирдларини ўзаро меҳрибон бўлишга, ҳар битта инсонни иззат-эҳтиром этишга ундарди.

ЖОНИВОРЛАРГА ШАФҚАТ

Уша кезларда Ҳиндистонда жонлиқ сўйиб, худоларга қурбонлик қилиш одат эди. Шу йўл билан худоларни хурсанд қилмоқчи бўлишарди. Хурсанд бўлган худолар сўраганимизни, яъни бойлик, ёмғир ва ғалла беради, деб ишонишарди.

Будда қаёққа бормасин, ҳайвонларни сўйиб, қурбонлик қилишнинг бемаънилигини тушунтирди. Бу гапни эшитиб, баъзи бировларнинг ҳаёли чикди:

«— Муқаддас китобларимизда ҳайвонларни сўйиб, хайри худойи қилиш айтилган. Сен буни бемаъни деб айтишга нечук тилинг боради?»— дейишди улар.

Бундайларга Будда шундай жавоб берди:

«— Узни бахтли қилиш учун ўзгаларни бахтсиз қилиш инсофдан эмас. Ҳамманинг ҳам сизга ўхшаб яшагиси келади. Ҳайвонларни қурбон қилиш — нодонликдан бўлак нарса эмас. Нодоннинг ҳаётдаги насибаси фақат бадбахтликдир».

Худо бандаларига қилажак ҳиммати, яхшилиги эвазига қурбонлик талаб қиларкан, демак, у яхши худо эмас. Бундай худо сифинишга арзимади. Аммо сиз барча тирик жонларга — инсонларга ҳам ҳайвонларга ҳам бирдек шафқат ва меҳрибонлик ила муомала этсангиз, худолар сизни ёрлақайди!»

Бу оқилона сўзларни эшитган кўплаб одамлар уларнинг чинлигига ишонишди ва ҳайвонларни сўйиб, қурбонлик қилиш одатини тарк этишди. Шу тариқа кўплаб бахтсизликларга хотима берилди.

МУҲАББАТНИНГ КУЧИ

Будда подшо Бимбисарага қилган ваъдасини унутмади: бир кун қайтиб, билганларимни ўргатаман, деб унга ваъда берган эди. Вақт-соати етгач, у Ражагриҳа томон йўлга тушди. Подшолик пойтахти яқинида Қирғийтепа деган жой бор эди. Будда ва унинг шогирдлари ана шу тепаликдаги ғорларга жойлашдилар.

Подшо Бимбисара Будданинг ўғитларини эшитиш учун Қирғийтепага тез-тез келиб турарди. Подшога эргашиб, шаҳар халқи ҳам чиқарди. Ҳадемай, Будда издошларининг сони кўпайиб кетди. Подшо ва бошқа бадавлат кишилар Будда ва унинг шогирдларига боғлар, чорбоғлар инъом этишди. Бу боғларда истаган киши истиқомат қилиб, Будданинг ўғитларини эшитиши мумкин эди.



Будданинг амакиваччаси Девадатанинг юраги ҳасадга тўлди. «Будданинг беҳад-беҳисоб шогирдлари бор, ҳамма уни ҳурмат-эҳтиром қилади,— деб ичқоралик билан ўйлади Девадата.— Менинг ундан камлик ерим йўқ, аммо биров менга қайрилиб боқмайди... Мен уни гумдон қиламан!..»

Шу гапни кўнглига тугиб, у Бимбисара ўғлининг ёнига борди.

«— Подшо бўлишни истайсанми?— сўради ундан.— Уйлаб қара: барча бойлик ва салтанатни отанг эгаллаб олмиш... Буддани ўлдиришда менга кўмаклашсанг, отангни ўлдиришда сенга ёрдамлашаман.»

Шаҳзода бу қабиҳ таклифга рози бўлди. Икковлашиб Буддани ўлдириш пайига тушишди. Бир куни Будда Қирғийтепа этагида ўй-хаёлга чўмиб ўлтирар эди. Девадата билан шаҳзода унинг устига катта бир қоятшни юмалатиб юборишди. Бироқ тош нақ Буддага етганда, иккига бўлиниб, икки ёққа думалаб кетди, Буддага зиён етмади.

Бошқа бир гал Будда бир тўда яқин шогирдлари билан шаҳарни сайр этишга чиқди. Бундан хабар топган икки нобакор унинг жонига яна қасд этишди. Улар бир филни роса ичириб, маст қилишди. Сўнг аёвсиз калтаклашди. Шароб кайфи ва калтак зарбидан жонивор қўтириб кетди. Қўтурган филни Будда келаётган томонга қўйиб юборишди. Улар: «Фил уни албатта топтаб, мажақлаб ташлайди», деб ўйлашди.

Қўтурган филнинг ўзларига томон бостириб келаётганини кўрган шогирдлар тумтарақай қочишди. Будданинг ёнида унга қапишиб, ёлғиз бир шогирди Ананда қолди, холос.

Будда филнинг бостириб келаётганини кўраркан, қўрқмади, аксинча, жониворга раҳми келди, унинг аҳволига боқиб, ачинди. Фил маст ва ғазабланган бўлишига қарамай, Будданинг раҳмдиллигини сезди. Бир зумда юовш тортиб, секин юриб келди ва Будданинг оёғига бош қўйиб, таъзим қилди.

Будда жониворни меҳрибонлик билан силаб-сийпади ва Анандага боқиб, деди:

«Қаҳру ғазабни фақат муҳаббат билан энгиш мумкин. Нафратни нафрат билан энгиб бўлмайди. Ана шу ҳикматни ҳамиша ёдингда тут.»

ҚАЙТИШ

Бир куни Будда шогирдларига боқиб:

«Энди ота шаҳрим Капилавастига қайтиш фурсати етди»,— деди. Улар Будданинг болалиги кечган шаҳарга томон олисдан-олис йўлга тушдилар. Будданинг келаётгани хабари тезда шаҳарга етиб, ҳамма оёққа турди.

«Эшитдингизми, шаҳзодамиз қайтиб келаётганмиш!— дейишарди ҳамшаҳарлар.— Энди у минглаб шогирдларга устоз — муаллим!.. Эҳ, тезроқ кела қолсайди!..»

Ўғлининг қайтиб келаётганини эшитган подшо Шудҳодана беҳад суюниб кетди, Будданинг беҳисоб шогирдлари бор, дейишганда, боши кўкка етди. Ўғлим буюк устоз бўлиб етишибди, деб ўйларди подшо, менинг номимни у яна шон-шухратларга буркайди.

Подшо кутишга сабри чидамай, ўғлининг олдига чопар жўнатди. Чопар эртаси куни Будда ва унинг муридлари қўнган манзилгоҳга етиб келди. Кўриб ҳайрон қолди: Будда ва унинг шогирдлари ёғоч косалар кўтариб, эшикма-эшик юриб, тиланчилик қилишар, сўнг топганларини баҳамжиҳат ўлтириб, тановул этишарди...

Чопар Капилавастига қайтиб, кўрганларини подшога сўзлаб берди. Подшонинг жаҳли чиқди:

«Бу нимаси!— деб бақирди у.— Менинг ўғлим, шаҳзода эшикма-эшик юриб, садақа сўрайдими? Бу — менга ҳақорат!.. Йўқ, бунга йўл қўймаман!..»

У дарҳол отланиб, ўғли қўнган манзилгоҳга томон от сурди. Собиқ Сидҳаса, эндиги Буддани юзлаб шогирдлари қуршовида кўраркан, юраги ўйнаб кетди. Ота-ўғил меҳрибонлик билан кўришиб, сўрашишди. Сўнг подшо деди:



— «Ҳар эрталаб тиланчилик қилиб, нон топиб ейишларинг ростми?»
— «Рост,— деб жавоб берди ўғли,— тиланчилик қилиш — бизнинг одатимиз».

Бу гапни эшитиб, подшонинг баттар жаҳли чиқди:

— «Одатимиз дейсанми?— деди у шовқинлаб.— Сенинг бобонг, бобонгнинг бобоси ҳам подшо бўлишган. Улар ҳеч қачон тиланчилик қилишмаган. Олтин-кумуш идишларда таом ейишган. Ёғоч косада овқатланиш бизнинг одатимизга кирмайди. Одатимиз, деб гапирганда, шу нарсаларни ҳеч ўйлайсанми?»

Будда юмшоқлик билан жавоб берди:

— «Ота, сизнинг бобонгиз, бобонгизнинг бобоси подшо бўлгани рост. Бу чин ҳақиқат. Аммо мен кечмишда ўтган кўлаб устозлар, буддалар авлодиданман. Улар ҳаммиша камтарин бўлишган. Кундалик насибаларини одамлардан сўраб олишган. Мен «бизнинг одатимиз» деганда ўша буддалар одатини назарда тутдим».

Сўнг у отасининг қўлидан тутиб, сайр этди. Сайр этаркан, барча азоб-уқубатларга хотима берувчи Қутлуғ ҳақиқатлар ҳақида сўзлади. Подшо ўғлининг айтганларини тинглаб, деди:

— «Тўғри, сен энди менинг илгариги ўғлим эмассан. Туғилганимда авлиё Асита келажақда буюк устоз бўлишингни башорат қилган эди. О, Будда, мен сенга таъзим этаман. Мени, бир пайтлар подшо бўлишингни орзу қилган отангни шогирдликка қабул эт».

Кўп ўтмай, хотини Ясодҳара, ўғли Раҳула, уни йўрғаклаб олган аммаси ва бошқалар Будданинг издошларига айланишди.

— «Сен бизни тарк этганимда кўп қайғу-алам чекдик,— дейишди улар.— Бугун Ҳақиқат ҳақидаги ҳикматлар билан қайтиб, қалбимизни қувончга тўлдирдинг. Сидҳаса бўлиб кетганимга, Будда бўлиб қайтганимга шукр!»

ПОДШО ВА ДАРАХТ РУҲИ

Будда одамларга сабоқ бера бошлаганида ўттиз беш ёшда эди. У ўттиз беш йил Ҳиндистон бўйлаб юриб, одамларга таълим-тарбия берди. У таълим-тарбия бераркан, ҳикоят у ривоятлар айтар, тингловчиларнинг хаёлини мафтун этар эди. Мана, ўша ҳикоятлардан биттаси...

Жуда қадим замонда бир подшо яшаган экан. У ғоят мағрур ва такаббур экан. У ўзига муҳташам сарой қурмоқчи бўлиб, вазирларига буюрибди:

— «Ўрмонга бориб, энг баланд дарахтни излаб топинглар. Мен уни кесиб, саройим иморатига ишлатаман».

Вазирлар ўрмон оралаб, излай-излай, энг юксак дарахтни топишибди. Боши кўкка етгудек баланд дарахт экан, уни ўзидан пастроқ дарахтлар қуршаб олишган экан...

Вазирлар ўша кун оқшом саройга қайтиб, подшога арз қилишибди:

— «Жаноб олийлари, сиз истаган дарахтни излаб топдик. Эртага ижозатингиз билан кесиб келтирамыз».

Подшо хурсанд бўлибди, шу кеча ғалати туш кўрибди. Ўша баланд дарахтнинг руҳи подшо ҳузурда ҳозир бўлганмиш:

— «О, подшоҳим,— деганмиш руҳ,— менинг уйимни бузма. Бузадиган бўлсанг, болтангнинг ҳар бир зарбидан озор чекаман ва охир-оқибат ҳалок бўламан...»

Подшо эътироз билдирибди:

— «Илож қанча, сен яшайдиган дарахт ўрмонда энг юксак дарахт бўлса, мен не қилай... Мен уни саройим иморатига ишлатмоқчиман».

Руҳ ялиниб-ёлворибди, бироқ подшо унамабди, дарахтни кесаман, деб оёғини тираб олибди. Ниҳоят, дарахт руҳи унга шундоқ дебди:

— «Майли, сен уни кесақол. Лекин битта ўтинчимни қабул эт. Сен уни одатдагидек кесма. Одамларингга айт, улар дарахтнинг тепасига чиқиб, аввал унинг бутқаларини битта-битталаб кесишсин, сўнг танасини...»

Подшо буни эшитиб, ҳайрон қолибди:



— «Унда кўп азоб чекасан-ку,— дебди у,— аммо тагидан кесганда бир йўла кутилсан-кўясан...»

Дарахт руҳи бунга шундоқ жавоб берибди:

— «Тўғри, мен унда кўп азоб чекаман. Бироқ ўрмондаги бошқа жониворларга анча осон бўлади... Биласан, мен яшайдиган дарахт — улкан дарахт. Агар уни тагидан кесиб, бир йўла йиқитишса, атрофдаги кўп аб кичик дарахтларга зиён етади, кўп аб майда жониворлар ҳалок бўлади, кўп аб қушлар, ҳашаротларнинг ини, уяси бузилади. Аммо мен айтгандек, оздан чопилса, уларга зиён-заҳмат етмайди...»

Подшо уйғониб, ўйга толибди: «Ажаб, ўрмондаги майда жониворлар азоб чекмасин учун дарахт руҳи ўзини минг азобга тутиб беришга рози бўлаяпти... Ҳимматни қаранг, жасоратни қаранг!.. Ҳашаматим, роҳат-фароғатим учун шу дарахтни кесаман, деб туриб олишим инсофданми? Ваҳоланки, у дарахтни кесишмас, эъзозлашим, асраб-авайлашим керак! Бу туш мени ҳар битта тирик жонга шафқат ва меҳрибонлик ила муомала этишга ундайди».

Эртаси кун подшо ўрмонга бориб, ўша дарахтни безатди. Умрининг охиригача шафқат ва адолатга суяниб, подшолик қилди.

БАРЧАГА БАРОБАР МЕҲРИБОН

Бир куни Девадата касал бўлиб қолди. Кўп табиблар даволашса-да, лекин шифо топмади. Будда уни бир кўриб, аҳвол сўраш учун йўлга тушди. Шунда шогирдларидан бири сўраб қолди:

— «Устоз, нега Девадатани кўришга боряпсиз? У сизга озмунча озор етказмадими? Ҳатто жонингизга ҳам қасд қилди-ку!..»

Будда жавоб берди:

— «Бу нарса бировга дўст, бировга душман бўлишга сабаб бўлолмайди. Барча инсон баробар ва ҳар кимса бахтли бўлишга интилади, касалга чалинишни, бахтсиз бўлишни истамайди».

Сўнг у тўшақда ётган Девадатанинг ёнига келиб, деди:

— «Девадата, менга кўп озор етқаздинг. Лекин шундай бўлса ҳам, сени ўғлим Раҳулани севгандек севаман. Шу сўзимнинг чинлиги ҳақи шифо топгайсан».

Девадата шу ондаёқ тузалиб, оёққа турди.

Будда шогирдларига боқиб, деди:

— «Унутманглар, ҳалол Будда ҳаммани баробар севади».

СЎНГИ КУНЛАР

Будда етмишга етганда ўз-ўзига деди:

— «Мен қўлимдан келганча одамларга яхшилик қилдим. Ҳаммани севиб яшашга, ҳаётда ҳеч нарсадан қўрқмасликка ундадим. Энди ҳеч қандай қўрқув-ҳадиксиз дунёни тарк этишга ҳам ўргатишим керак».

У содиқ шогирди Анандани чақириб, унга кўнглини очди:

— «Ананда, энди сўнги бор Капилавастига қайтамиз. Мен ўзим туғилиб ўсган шаҳарда ўлмоқчиман».

Ананда бу гапни эшитиб, онг-тонг бўлиб, туриб қолди.

— «О, Будда!— деди у кўз ёшини оқизиб.— Бизни ташлаб кетма! Шунча йиллар бизга устоз, раҳнамо бўлдинг. Сенсиз аҳволимиз не кечади?»

Шундай дедию баралла хўнграб юборди.

— Йиғлама, азизим Ананда!— деди Будда.— Улим — ҳаётнинг табиий бўлагидир. Мен ҳамиша шундай деб ўргатганман. Бунинг қўрқадиган жойи йўқ. Буни тушунмоқ керак. Мен кетсам, менинг ўғитларим сизларга раҳнамо бўлур. Уларни юракка жо этганлар учун менинг керагим йўқ. Кел, энди йўлга тушайлик».

Шундай қилиб, Будда ва унинг шогирдлари шимолга қараб юришди. Капилавастидан йироқ бўлмаган Қушинагар қишлоғидан ўтишаётганда, Будда, шу ерда тўхтаб, бир оз дам олайлик, деб қолди. Сўнг у Анандага ўгирилиб, деди:

— «Мен шу ерда дунёни тарк этаман».



Бу — Будда умрининг сўнги куни эди, лекин шундай бўлса-да, у ўзгаларга ёрдам бермасдан туролмасди. Кекса бир чол унинг ҳузурига келиб, ўз арзини айтди. Будда уни диққат ила тинглаб, ширин, самимий сўзлар, айтиб, маслаҳат берди. Чол ташвишлардан қутулиб, тасалли топди.

Сўнг Будда боққа чиқиб, икки дарахт орасида чўзилиб ётди. Шогирдлари уни ўраб олишди. Айримлари йиғлашар, айримлари жимгина термулиб туришарди. Будда уларга алвидо айтди.

— «Ўғитларимни унутманглар,— деди у.— Ҳирсу ҳавас жамики бахт-сизликларнинг сабабчисиدير. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса ўзгаради, шунинг учун ҳеч нарсага ортиқча кўнгил боғламанглар. Бунинг ўрнига, кўнгилни тоза тутинглар, ҳақиқат ва боқий саодат изланглар!»

Сўнгра Будда ўнг қўлини боши остига қўйиб, ўнг томонга ўгирилиб ётди. Қўзларини юмиб, жимгина жон берди. Бу — тўртинчи оининг тўлин ой санаси эди...

Бироздан сўнг, шогирдлари унинг жасадини кўтариб, ғарам қилиб уюлган ўтин устига ётқизишди. Одатга кўра, уни ёндирмоқчи бўлишди, лекин қанчалар уринишмасин, ўтин ўт олмади. Ниҳоят, Будданинг бош шогирди етиб келди. У узоқда яшар, Будданинг вафотини эшитиб, Қушинагар томон шошилинч йўлга тушганди.

Бош шогирд етиб келиб, устозига алвидо айтиши билан ўтин ўз-ўзидан ўт олиб кетди. Дафн гулхани узоқ ёнди. Ёниб-ёниб, ниҳоят, бир уюм кул ва бир неча суяк қолди.

Ушанда Ҳиндистоннинг шимолида яшовчи бир неча подшолар Будданинг кули ва суяклари учун талашдилар. Ҳар бири Буддага атаб ўз подшолигида улкан ҳайкал қўрмоқчи, марҳумнинг кул ва суякларини ўша ҳайкал ичига жойламоқчи, шу йўл билан буюк шон-шухрат орттирмоқчи эди.

Подшолар ўртасидаги талаш, ҳадемай, низо-жанжалга айланди. «Бу қутлуғ нарсалар менга тегишли!»— дерди бирови. «Йўқ, булар — меники!»— дерди бошқаси.

Ниҳоят, бир оқилу доно чиқиб, шундоқ маслаҳат берди:

— «Будда умр бўйи бизни бир-биримизни севишга ўргатди. Энди у ўлгач, сиз подшолар унинг кули учун ўзаро жанжал-низо қилаяпсиз. Жанжал-низо — Будданинг руҳига зид, унинг ўғитларига ёт. Келинг, яхшиси, бу нарсаларни тенг бўлишиб олинг. Сўнгра ҳар ким ўз подшолигида унга атаб ёдгорлик тикласин».

Подшолар бу кенгашнинг оқилона эканини фаҳмлаб, жанжал-низо ни тўхтатишди. Улар устознинг кул ва суякларини бўлишиб олиб, ўз юртларига жўнаб кетишди. Сўнг тинчлик ва донишмандлик йўлини кўрсатган азиз сиймога атаб ҳайкаллар қуришди.

ЎГИТЛАРИ ҲАМОН БАРҲАЁТ

Будда бундан 2500 йил муқаддам Ҳиндистоннинг кичик бир қишлоғида дунёдан ўтди. Лекин унинг инсоний меҳру оқибат ва донишмандлик ҳақидаги ўғитлари ҳамон барҳаётдир. Шогирдлари ўша ўғитларни бошқа авлодларга оширдилар. У авлодлар эса — яна янги авлодларга... Шундай қилиб, Будданинг ҳикматлари бизгача етиб келди.

Ҳар бир инсон, мамлакати, дину эътиқодидан қатъий назар, Будданинг ҳикматларидан баҳра олади. Биз уларга эргашиб, нодонлик, жаҳолат ва очкўзликдан халос бўламиз. Қўрқувларни енгиб, шаҳзода Сидҳаса Билим Дарахти остида топган боқий бахт ва мангу фароғатга мушарраф бўламиз. Шу йўсинда биз ҳам Уйғонган Зот — Буддага айланамиз. Унга ўхшаб биз ҳам ўзгаларга бахт ато этамиз.

Илоё, ҳамманинг бахтини берсин!..

Ёмонлик қилманг, гуноҳдан сақланинг.

Ҳамиша яхшилик қилинг.

Кўнгилни доимо пок, мусаффо тутинг.

Уйғонган Зотнинг ўғитлари шундоқ эди.

Инглизчадан ЖАМОЛ КАМОЛ
таржимаси

«СИРЛИ ОЛАМ» ВАЪДАСИДА ТУРАДИ

Кадрли дўстлар!

Мана, жумхуриятимизда узок йиллардан бери катта маънавий эҳтиёж сезилиб келган «Сирли олам» илмий-оммабоп, илмий-бадий, саргузашт ва фантастика ойномасининг илк сони ниҳоят қўлингизга тегди. Унинг жамиятимиз учун гоят мураккаб ижтимоий жараён кечаётган бир шароитда дунёга келгани ўзингизга аён. Эзгу ва олижаноб мақсадларни кўзлаган ойномамининг нархи нисбатан қимматлигига ҳам эътибор берган бўлсангиз керак. Шуниси сир эмаски, акарият ўқувчиларимиз оддий ишчи-деҳкон, талаба ва зиёли ёшлар бўлиб, улар моддий жиҳатдан ночор ва фақирона кун кечиришади. (Пул орқасидан қувган минглаб корчалон бойваччалар ойномаминини ўқишмайди ҳам, унга обуна ҳам бўлишмайди).

Хурматли муштарийларимиз бу йил матбуот, рўзнома, ҳафтанома ва ойномалар бошига тушган қийинчиликлардан озми-кўпми боҳабар бўлишса керак. Қоғоз ва босмахона харажатлари нархи 2 баравар, бозор баҳоси эса 10 хисса ортди. Рўзнома, ҳафтанома ва ойномаларни таркатувчи алоқа хизматчилари ҳам биздан илгаригига нисбатан анча кўп меҳнат ҳақи талаб қилишмаяпти. Оқибатда 100 минг нусхада 70 тийиндан сотилажак ойномамиз бизга айтирли хеч қандай иқтисодий фойда келтирмайди.

Тўғри, биз ойнома дунё юзини кўрмасданок мактублар ола бошладик, таҳрир ҳайъатимизга узлуксиз қўнғироқлар бўлиб турибди. Муштарийларимиз ёшлар ва ўсмирлар учун бағоят зарур ойномага асос солинганидан ўз қувончларини изхор этишмоқда, бу кутлуғ ишнинг ташаббускорларига тасаннолар айтиб, унинг жумхуриятдаги энг нуфузли нашрлардан бирига айланишига умид боғлашмоқда.

Чунончи, Намангандаги жумхурият энергетика нозирлигига қарашли II — механизациялашган колонна бошлиғи Хусанбой Турғунов бизга хат йўллаб, корхонада 200 га яқин киши ойномамизга обуна бўлганини, бунга қўшимча тарзда сармоямизга яна 2000 сўм пул ўтказишга тайёрликларини ёзибди. Хусанбой дўстимиз ва унинг ҳамкасбларига бу ҳимматлари учун чин дилдан миннатдорлик билдирарканмиз, тўпланган пулни Наманганда истикомат килувчи камбағал оилалар, талаба ёшларнинг «Сирли олам»га обуна бўлишлари учун сарфлашларини илтимос қилар эдик.

Ойнома таҳрир ҳайъати ва ижодий ходимлари муштарийларимизнинг бу каби

юксак ишончларини оқлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилишга тайёрдирлар. Бу йил биз ойномамиз саҳифаларида Сизларни қизиқтира оладиган марокли мақола, бади, саргузашт ҳамда фантастик қисса ва хикояларни ёритишни мўлжалламоқдамиз. Диний-фалсафий ва тасаввуф дунёсининг буюк намояндалари ҳақидаги асарлар ҳам ойнома саҳифаларидан муносиб ўрин олади.

Ойномамининг келгуси сонларида эълон қилинажак қуйидаги асарлар ва муаллифлар рўйхати эътиборингизни тортади, деб ўйлаймиз:

— Аниқ табиий фанларга доир илмий кашфиётлар, техника соҳасидаги ихтиролар ҳақида суҳбатлар, мақолалар, дарслар;

— «Мўъжизалар қомуси» рукуни остида табиат ва инсонга хос ғаройиб ҳодисалар;

— Экологик инкирозга доир суҳбат, мақола ва бадиалар;

— Космогоник мавзуда шеър ва дostonлар;

— Тоҳир Малик, Рустам Обидов, Абдулҳаким Фозилов, Раҳимжон Отаев, Алишер Махсумов, Муҳаббат Йўлдошева, Соҳиба Абдуллаева, Мавлуда Иброҳимова, Фазилат Ҳожикулова, Абдуқаюм Йўлдошев, Озод Мўмин, Абдурахмон Қаримов, Ойбек Маҳмудов каби ўзбек фантаст-ёзувчиларининг асарлари: Анвар Обиджон, Исфандиёр, Исроил Тўхтаев, Вали Бобомуродов, Юрий Ковалевнинг саргузашт қисса ва хикоялари;

— Ўткир Ҳошимовнинг «Виждон синови» фантастик-ҳажвий саҳна асари;

— Чўлпон Эргашнинг «Осмондан тушган одам» фантастик достони («Раҳмон Васвас» шеърый романидан);

— Маҳкам Маҳмудовнинг «Йўқолган ҳақиқат» фантастик қиссаси;

— Озод Авлиёкуловнинг «Акс садо» саргузашт қиссаси;

— Мурод Хидирнинг «Ҳарф ўйини эртаклари ва хикоялари»;

— Мирзапўлат Тошпўлатнинг «Муқанна қиссаси» тарихий асари;

— Мурот Ўрознинг Турк асотир (миф)лари;

— Будда. Саховат йўли. Ҳикматлар.

— Инглиз, хинд ва араб адибларининг «Муҳаммад қиссаси», «Мусо қиссаси», «Исо қиссаси» асарлари;

— Хушхабар (Инжилдан: Лука баён этган Муқаддас хушхабар);

— Артур Кларк, Гарсиа Маркес, Станислав Лем, Рэй Брэдбери, Айзек Азимов, Иван Ефремовнинг энг сара илмий-фантастик асарлари;

70 тийин.

СИРЛИ ОЛАМ



Индекс 75243